

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

СОДИҚОВА ШИРИН БАХТИЁРОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲУРМАТ
КАТЕГОРИЯСИ**

ТОШКЕНТ 2010

Монография тилшуносликнинг қизиқарли ҳамда долзарб масалаларидан бирини тадбиқ этишга бағишланган.

Монографиянинг илмий– назарий янгилиги ҳурмат маъносининг воқеланиш омиллари , имкониятлари ва вазиятларини аниқлаш, ҳурмат категориясининг воқеланишида ҳурмат ва ҳурматсизлик оппозицияси масаласининг ўргани-лиши , ҳурмат маъносининг генетик жиҳатдан таснифланиб, аслий ҳурмат ва нисбий ҳурмат каби турларига ажралиши “ҳурмат нутқи” иборасини ҳурмат категориясига хос атов бирлиги, нутқий бирликни атама сифатида қўлланиб , ҳурмат нутқининг ўзига хос характерли хусусиятларини ўрганилиши ҳамда ҳурмат ифодаловчи морфологик, лексик – семантик , синтактик – стилистик восита ва усулларнинг атрофлича таҳлил қилинишида кўринади.

Ҳурмат категорияси ижтимоий-лисоний моҳият касб этади. Унинг умумий ва хусусий, лисоний ва нутқий жиҳатларини ўрганишдан ҳосил қилинган хулосалар ва тўпланган материаллар ўзбек тили лексикологияси, морфологияси, синтаксис ва услубшунослиги учун муҳим манба бўла олади.

Монография тилшунос мутахассислар, аспирантлар ва олий ўқув юртларининг филолог талабаларига мўлжалланган.

Такризчилар :

проф. Ё.Тожиев

доц. Г. Рихсиева

Масъул муҳаррир :

доц. Қ. Омонов

СЎЗ БОШИ

Миллий истиқлолга эришилгани туфайли мамлакатимизда ижтимоий ҳаракатлар авж олиб, миллат ҳаётидан биринчи даражали аҳамиятга молик... янги фаолият майдонлари очилди.¹ Маънавият ҳаракат кўникмасига, яратиш кўникмасига айланганидагина буюк ва қудратли қимматга эга бўлади. Истиқлол учун ишлайдиган одам аввало тил учун ишлайди.² «Фикрлаш тарзимизни мустақиллик руҳига мослаштириш, бир ёқлама тор фикрлашдан воз кечиш - бугунги Маънавий Тикланиш давримизнинг энг муҳим масалаларидан биридир»³. Ушбу теран мазмунли, чуқур мантиқли фикрлар бевосита илм-фанга, шунингдек, филология соҳа-сига ҳам алоқадордир. Ўзбек тилшунослигидаги бугунги кунда яратилаётган қатор тадқиқотлар, изланишлар айнан шу талаблардан келиб чиқади. Ўзбек тилида ҳурмат маъноси ва унинг ифодаланиш хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ этиш шу йўлдаги изланишлардан биридир.

Узоқ тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий – лисоний ҳодиса сифатида юзага келган ўзбек тилидаги ҳурмат категориясининг тадқиқи тилшунослигимиз учун бой фактик материал бериш билан бирга тилни амалий жиҳатдан ўрганувчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурмат категорияси – ижтимоий-лисоний (социолингвистик) ҳодиса бўлиб, лисоний-нутқий, семантик-грамматик ва услубий-интонацион жиҳатдан ўз ифодаланиш усул ва воситаларига, воқеланиш омил ва имкониятларига эга бўлган муҳим ва мураккаб, эътиборга лойиқ категориядир. Шу маънода ўзбек тилида ҳурмат маъносини юзага келтирувчи нутқий-лисоний омилларни ўрганиш, восита ва усулларни тадқиқ этиш муаммоси иш-мизнинг долзарблигини белгилайди.

¹ Ғафуров И. Мангу латофат. - Тошкент, 2008. -Б. 444.

² Ғафуров.И. Юқоридаги асар. -Б 446.

³ Каримов И.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б.150.

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида ҳурмат маъноси алоҳида, мустақил категория сифатида ўрганилмаган. Айрим тилшунослар, жумладан, А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев баъзи морфологик бирликларнинг, хусусан, -лар кўплик аффиксининг ҳурмат ифодалаш жиҳатлари ҳақида тўхталганлар⁴. Ҳурмат маъносининг эгалик аффикслари воситасида ифодаланиши мумкинлиги ҳақида Н.К.Дмитриев, Э.В.Севортян, А.Н.Кононов, Ф.Абдуллаев, К.Назаров каби олимлар фикр билдирганлар⁵. А.Ҳожиев, С.Усмонов, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Р.Икромов ва каби олимлар эса ҳурмат маъносини модал маъно ифодаловчи айрим воситалар қаторида санаб, “модал форма”, “субъектив баҳо формаси”, “кичрайтириш-эркалаш воситалари” каби атамалар билан аташган⁶. Тўғрироғи, ҳурмат ифодаловчи морфологик воситалар бошқа категория воситалари билан қоришиқ ҳолда ўрганилди. Ғ.Зикриллаев эса буни феъл сўз туркуми доирасида шахс-сон категориясига боғлаб ўрганган⁷. Ҳ.Ҳожиева ҳурмат маъноси тадқиқиға семантик майдон назарияси асосида ёндашиб, унинг айрим умумий жиҳатларига тўхталган⁸.

Бу тадқиқотларнинг барчасида ҳурмат маъносининг ифодаланишиға хос хусусиятларнинг айрим жиҳатлари қисман ўрганилган. Бинобарин, ҳурмат маъноси воқеланишининг лисоний-нутқий омиллари, ифодаланиш усуллари ва воситаларига хос хусусиятларни мустақил лексик-грамматик категория

⁴ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. –Тошкент, 1944. – 56 б.; Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. - №1. - Б. 28-30.

⁵ Дмитриев К.Н. Категория принадлежности. ИСГТЯ, Ч.II. -М., 1956. – С.22; Севортян. Э.В. К проблеме частей речи в тюркских языках //Вопросы грамматического строя. -М., 1960. -С.146-154.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М.-Л., 1960. -С.130; Абдуллаев Ф. К вопросу о генезисе притяжательных и падежных аффиксов // Вопросы узбекского языка и литературы. –Ташкент, 1961. -С 30-31; Назаров К. Притяжательные аффиксы в узбекских народных говорах: Автореф. дис.... канд. филол. наук. –Ташкент, 1963. – 29 с.

⁶ Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясаиши. - Тошкент, 1979. – 80 б.; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари. // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. -Тошкент, 1964.- 42-китоб. -Б.126-127; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980.-165 б.; Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. -Тошкент: ТошДУ, 1992. - 68 б; Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. - Тошкент: Фан, 1985. -120 б.

⁷ Зикриллаев Ғ.Н. Феълнинг шахс, сон ва ҳурмат категорияси системаси.- Тошкент: Фан, 1990. – 111 б.

⁸ Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол.фанлари номзоди ... дис. - Самарқанд, 2001. - 130 б.

тарзида ўрганиш ўз тадқиқотини кутаётган масала эди. Ушбу монография мазкур муаммонинг илмий-амалий ечимига бағишланган илмий тадқиқотдир. Мазкур монографиянинг асосий мақсади ўзбек тилида ҳурмат маъносининг ифодаланиш усуллари, ижтимоий-лисоний воқеланиш қонуниятлари ва тасвир воситаларини аниқлаш, жамлаш, умумлаштириш, тавсифлаш ҳамда уларнинг қўлланишидаги лисоний-нутқий шакллар, тузилиш ва вазифаларни таҳлил қилишдан иборат.

Монографияда ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида шаклланувчи (воқеланувчи) ҳурмат маъноси илк бор лексик-грамматик категория сифатида тадқиқ этилди. Ҳурмат маъносининг воқеланиш омиллари, имкониятлари ва вазиятлари аниқланди. Ҳурмат категориясининг воқеланишида ҳурмат-ҳурматсизлик оппозицияси масаласи ўрганилди. Ҳурмат маъноси генетик жиҳатдан таснифланиб, аслий ва нисбий ҳурмат турларига ажратилди. Ҳурмат категориясининг маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий ва лисоний-ахлоқий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳурмат нутқининг мазмуний-вазифавий йўналишига кўра турлари аниқланди ҳамда ҳурмат ифодаловчи морфологик, лексик-семантик, синтактик-стилистик усуллар аниқланди. Ҳурмат категориясини ташкил этувчи воситалар йиғилиб, уларнинг тузилиши, маъноси, вазифаси ва шакллари таҳлил қилинди.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ - ЛИСОНИЙ ВОҶЕЛАНИШИ

Ўзбек тилида ҳурмат категорияси ва унинг ўрганилиш тарихи

Маълумки, грамматикада сўз шакли ва уларнинг бирикиш қонуниятлари ўрганилади. Демак, грамматика ўзаро узвий боғланган морфология ва синтаксисдан ташкил топади ва сўз *унинг таянч унсури* саналади.

Шунингдек, анъанавий тилшуносликда грамматиканинг таянч унсури сифатида *категория* ҳам тушунилади: *эғалик категорияси, кўплик категорияси, шахс-сон категорияси, кесимлилик категорияси, модаллик категорияси* каби в.х.

Категория муайян маъно ва шакллар тизимидан иборат бўлиб, грамматика таркибига киради ва кенгроқ тушунчани билдиради. Чунки, *категория кенг маънода* фонетик, лексик ёки семантик ҳодисалар тизимидан ҳам ташкил топиши мумкин. *Категория тушунчаси* (атамаси) мураккаб бўлиб, бошқа фан соҳаларида ҳам учрайди. Шунингдек, категориялар моҳияти жиҳатидан ўзаро фарқланади, ифодаланиш усули, тасвир воситаларига кўра бир-бирига ўхшамайди. Масалан, келишиклар тизими соф грамматик категория саналади, унлилар тизими – фонетик, сўз ясовчи аффикслар тизими – лексик-грамматик, *ҳурматлаш, сизсираш ҳодисалари* ижтимоий-лисоний категория ҳисобланади.

Кишилиқ жамияти мавжуд экан, инсонлар ўртасида турли хил ижтимоий муносабатлар бўлади. Табиийки, бу муносабат, шубҳасиз, улар тилида ўз ифодасини топади. Ўзбек тили ҳам бундан ҳоли эмас. Кишилар ўртасидаги ижобий муносабатлар турли кўринишларда тилнинг барча сатҳларида ўз ифода шакллариغا эга бўлади.

Тадқиқотимизда ҳурмат категориясининг лисоний-нутқий хусусияти яъни, уни ифодаловчи воситаларнинг тузилиши, мазмуни, вазифаси ва қўл-

ланиши жиҳатлари бир тизимда бирлаштирилиб, *узвли (компонент), матний (контекстуал) таҳлил усуллари*дан фойдаланилган ҳолда таҳлил этилади.

Хурмат маъносини ифодаловчи *нолисоний воситалар* деб табассум билан қарши олиш, югуриб келиб, тикка туриб *эгилиб таъзим қилиш, қўлни қўксига қўйиб салом бериш* каби хурмат хулқи (одоби) кўринишлари тушунилади. Хурмат маъносини ифодаловчи лисоний ва нолисоний воситалар орқали хурмат маъносининг ифодаланиш даражаси қўлланиш доираси бир хил бўлмайди⁹. Воситаларнинг тузилиши, вазифаси, маъно хусусиятларига қараб, уларнинг хурмат категориясидаги мавқеи, хурматни ифодалаш даражаси аниқланади.

Ўзбек тилида хурмат маъносини ифодаловчи воситаларнинг тузилиши, вазифаси, семантик хусусиятлари ва қўлланиш жиҳатларининг таҳлили *хурмат маъноси* лисоний ва нутқий воситаларга эга бўлган ижтимоий-иҷобий субъектив маъно эканлигини кўрсатади.

Тил ҳодисаларининг ижтимоий омил билан боғлиқлиги айрим тилшунос олимлар томонидан асосланган¹⁰. Кейинчалик бу ҳодисага рус ва ўзбек тилшунослигида ҳам эътибор берилган¹¹. *Ижтимоий омил* деганда энг аввало суҳбатдошлар ўртасидаги турли ижтимоий муносабат кўзда тутилади.

Ўзбек тилида хурмат категорияси ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида мавжуд бўлиб, ўз лексик-грамматик воситаларига ва ифодаланиш усулларига эгадир.

Шу ўринда хурмат категориясининг ўрганилиш тарихига назар ташласак, категорияни турлича тушуниш оқибатида бўлса керак хурмат маъноси, сизсираш ҳодисаси кўпчилик тилларда алоҳида категория сифатида

⁹ Ҳожиева. Ҳ. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти.: Филол. фанлари номзоди...дис. – Самарқанд, 2001. – Б. 39.

¹⁰ Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. -М.: Наука, 1976.- 176 с.

¹¹ Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социолингвистику. М., 1978. -216 с.; Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. -Бухоро, 1994. -Б.-23.; Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва хурмат категорияси системаси. -Тошкент: Фан, 1990. -111б.; Зикриллаев. Ғ. Семантико-функциональное исследование системы предикативных категорий узбекского глагола.:Автореф.дис...д-ра. филол.наук. -Ташкент, 1990. - 54 с.

ўрганилмаган; ҳурмат маъносини ифодаловчи воситалари эса бошқа унсурлар (масалан: модалликни ифодаловчи унсурлар) қаторига қўшиб юборилган.

Япон тилида ҳурмат категорияси икки хил ифодаланиши таъкидланган. Бу ҳақда В.М.Алпатовнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятга молик: “Биринчиси “*адрессатив*” категория, бунда сўзловчининг суҳбатдошга, иккинчиси “*гоноратив*” категория сўзловчининг суҳбатида сўз бораётган ўзга шахсга нисбатан ижобий муносабатини ифодалайди. Ҳар қайси категория ўз ифодаланиш шакли ва тизимига эга: *адрессатив категория* шакллари феъл, предикатив сифат ва боғлама кўринишида; *гоноратив категория* шакллари эса барча мустақил сўз туркумлари кўринишида намоён бўлади. Адрессатив категорияда адрессатив ва ноадрессатив, гоноратив категорияда бетарафлик ва камтарлик билдирувчи шакллар ўзаро зиддият ҳосил қилади. *Бетараф шакллар* ҳам ҳурмат, ҳам камтарлик ифодалай олади. Бу шаклларнинг махсус қўшимчаси йўқ”¹².

1944 йил А.Ғуломов ўзбек тилида ҳурмат маъноси ифодаланиши ҳақида биринчилардан бўлиб фикр юритиб, ҳурмат маъноси отнинг кўплик қўшимчаси билан ифодаланиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида ҳурмат маъносининг айрим морфологик воситалар, жумладан, эгалик аффикслари воситасида ифодаланиши мумкинлиги ҳақида Н.К.Дмитриев, Э.В.Севортян, А.Н.Кононов, Ё.Ғ.Ғуломов, Ф.Абдуллаев, К.Назаров каби олимлар ҳам ўз асарларида йўл-йўлакай тўхталиб ўтганлар¹³. С.Усмонов, А.Ҳожиёв, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиёв каби олимлар эса ҳурмат маъносини ифодаловчи айрим синтетик воситаларни модал маъно ифодаловчи воситалар қаторида санаб, “модал форма”, “субъектив форма

¹² Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке. М.: Наука, 1973. –Б. 13.

¹³ Дмитриев К.Н. Категория принадлежности. ИСГТЯ, Ч.II. М., 1956. -С. 22.; Севортян Э.В. К проблеме частей речи в тюркских языках // Вопросы грамматического строя.-М., 1960.-С.146-154.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.-Л., 1960.-С.130., Гулямов Я.Г. Из наблюдений над морфологией Ташкентского говора. // Материалы по узбекской диалектологии. Ч.I. Ташкент, 1957 -С.197-208; Абдуллаев Ф. К вопросу о генезисе притяжательных и падежных аффиксов //Вопросы узбекского языка и литературы.-Ташкент, 1961. –С.30-31, Назаров К. Притяжательные аффиксы в узбекских народных говорах.: Автореф. канд. дисс...филол.наук. – Ташкент, 1963. –29 с.

баҳоси”, “кичрайтириш-эркалаш воситалари” каби атамалар билан аташган. Тўғрироғи, ҳурматни ифодаловчи морфологик воситаларни бошқа категория воситалари билан қоришиқ ҳолда ўрганишган¹⁴.

1973 йилда Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигига “*ҳурмат формаси*” тушунчасини киритди: ҳурмат ифодаловчи *-лар* аффиксининг кўплик билдирувчи *-лар* аффиксидан фарқланишини таъкидлаб кўрсатди¹⁵. Ш.Раҳматуллаев фикрича, *-лар* омоним қўшимча саналади, лекин омоним қўшимчаларнинг умумийлиги (модал маъно эканлиги)га эмас, балки улар ўртасидаги грамматик фарққа асосланади. Буни қуйидагича оддий тасвирлаш мумкин:

-лар I. Китобларим - бунда айнан кўплик, ҳурматга бетарафлик мавжуд.

-лар II. Отамлар - бунда III шахс бирликка айнан ҳурмат, кўпликка бетарафлик мавжуд.

Ҳурматнинг маъно хусусияти эса бошқа кесимлилик маънолари - шахс, сон, замон, майллардан фарқ қилиши кўрсатилади: ҳурмат II ва III шахс шакллари учун муштарак ҳисобланади. Отангиз (*отанглар*) – отага ҳурмат, акангиз (*аканглар*) – акага ҳурмат; *оналари* 90 баҳорни кўрибдилар – онага ҳурмат; *бувимлар* келдилар – *бувига* ҳурмат (III шахс бирликка ҳурмат) *бувиларим* келишди - III шахс кўплик – “2 та буви келган”.

Ҳурмат категорияси воситаларининг қўлланишида ижтимоий омил муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий омилнинг асосий *белгиси* нутқ жараёни, имконияти, шароити, вазияти ва вақти кабилардир.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳурмат маъноси - категория, яъни категория ҳосил қилувчи маъно деб қаралмоқда. 1990 йилда Ғ.Зикриллаев томонидан ҳурмат дастлаб феълга хос категория сифатида ўрганилиб, унинг семантик-функционал хусусияти, яъни мазмуни, қўлланиши ва ясалиши таҳлил қилинади. Ғ.Зикриллаев “II ва III шахсда субъект-

¹⁴ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. – Тошкент, 1964. – 42-жилд, 2-китоб.; Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент, 1979. – 80 б.; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 165 б.; Тожиёв Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. – Тошкент: ТошДУ, 1981. – 91 б.

¹⁵ Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1973. – №1. – Б. 28-30.

нинг коммуникатив роли ҳамда миқдорини кўрсатувчи қўшимча айни пайтда *хурмат маъносини ифодалаш учун* ҳам хизмат қилади. Шу пайтгача хурмат категорияси ажратилмаганидан улар шахс-сон қўшимчаси деб келинар эди” деб таъкидлайди¹⁶. Аммо Ғ.Зикриллаев хурмат маъносини фақатгина феълларга хос шахс, сон категориялари доирасида ўрганиш билан чекланган.

1991 йилда хурмат маъносининг олмошлар доирасида ифодаланиш хусусиятлари ҳақида Б.Юсупов ўзининг “Местоимения в староузбекском литературном языке” (XV-XVI вв.) монографиясида қимматли фикрларни баён этади. Бундан ташқари, хурмат семасининг олмошлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида 1969 йилда К.Е.Майтинская турли тизимдаги тилларда олмошнинг қўлланиши ҳақида фикр билдирган. 1980 йилда М.С.Узина эса форс тилида айрим олмошларнинг хурмат ифодалаши ҳақида тўхталган¹⁷. 2003 йилда ёзилган Д.Ҳакимовнинг “Сиз ва сен олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари”¹⁸ мақоласи ўзбек тилида хурмат маъносининг олмошлар воситасида ифодаланиши ҳақидаги мавжуд фикрларни тўлдиради.

Юқоридагиларни хулосалаб, шуни айтишимиз мумкинки, “Хурмат категориясининг лисоний-нутқий воқеланиш омиллари ва ифодаланиш усуллари” масаласи шу кун ўзбек тилшунослигидаги фундаментал тарзда, яхлит ҳолда ўз илмий тадқиқини кутаётган муаммо эди.

Хурмат категорияси ва хурмат нутқи тушунчалари

Хурмат категорияси нима?

Хурмат – кўп қиррали, кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, руҳий-мантиқий, диний-ахлоқий, тарихий-

¹⁶ Зикриллаев.Ғ. Феълнинг шахс-сон ва хурмат категориялари системаси. – Тошкент: Фан, 1990. –111б.

¹⁷ Юсупов.Б. «Местоимения в староузбекском литературном языке» (XV-XVI вв.), – Ташкент: Фан, 1991. –142 б.; Майтинская.К.Е Местоимения в языках разных систем. - М., 1969. –153 с.; Узина М.С. О местоименном функционировании вежливых эквивалентов местоимений бандэ и ин джанэб в современном персидском языке // Теория и типология местоимений. -М.,1980.–128 с.

¹⁸ Ҳакимов. Д. Сиз ва сен олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. –№5. –Б. 77-79.

маданий қирраларни ўзида мужассамлаштирган лисоний тушунча; муайян категория сифатида у ёки бу фан нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаган аммо, ҳурмат ва ҳурмат муносабатлари ўз узоқ тарихига эга. Бу муаммо билан ўрта аср мусулмон Шарқи мутафаккирлари инсоний фазилатлар, комиллик хусусан, ҳурмат, сийлов, эъзозлаш муносабати ҳақида ўз асарларида тўхталганлар. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” каби асарларида ҳурмат ва ҳурмат муносабатлари ҳақида фикрлар билдирилган. Бинобарин, “Каттага ҳурмат – фарз, кичикка ҳурмат қарз” каби ўнлаб ҳикматлар тилимизда асрлар оша қўлланиб келмоқда. Ҳурмат категориясининг ўрганилиш тарихи эса, ҳурмат формасини тадқиқи билан ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Бу ўринда ҳурмат ва қадрият учун мазкур категорияни ўрганилиши отахон тилшуносларимиздан А.Ғ. Ғуломов номи билан боғлиқ десак, тўғри бўлади.

Маълумки, муносабатни тилда ифодаловчи воситалар модаллик категориясида бирлашади. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг азал – азалдан ижобий ва салбий турлари мавжуд. Ижтимоий – ижобий муносабатларнинг барчаси заминида у ёки бу даражада ҳурмат мазмуни мужассам. Барча хилдаги муносабатлар каби ижтимоий муносабатлар ҳам инсонлар тили орқали нуткида реаллашади. Нутқ шу тилда сўзлашувчи инсонларнинг руҳияти, маънавий дунёқараши, маданияти каби жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Ҳурмат – ижтимоий – ижобий ҳодиса сифатида тил орқали ифодаланар экан, уни лисоний категория деб аташ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, ҳурматнинг категория сифатида модал муносабатлар билан боғлиқ бўлиши унинг умумий жиҳати, ҳурмат ва у билан боғлиқ сизлаш, сизсираш, эъзозлаш, улуғлаш, эътибор бериш каби маъноларни ифодалаши эса хусусий жиҳат ҳисобланади.

Хурматнинг лисоний категория сифатида ўзига хос уч томони мавжуд: мазмун, шакл – тасвир воситалари, ифода усуллари.

Мазмун жиҳати:

- Жамиятдаги ижобий – руҳий – лисоний воқеликни акс эттириши;
- Хурматлаш ва сизлаш ҳодисаларини воқелантириши;
- Муомала одобида намоён бўлиши.

Шакл – тасвир воситалари жиҳати:

Хурмат маъноси ифодаланишининг лисоний ва нолисоний воситалари:

- Хурмат маъносини ифодаловчи морфологик бирликларнинг мавжудлиги, унинг морфологик категория эканлигини тасдиқлайди:
 - аффикслар: -лар, -нгиз, -ингиз, -им, -м, -гина + - м, -ш, - й, - з, - ча каби;
 - аффиксоидлар: - хон, - жон, - ой, - вой, - ий + - зор, -бону, - пошша, – биби, – ниса, - бек каби.

Бу морфологик воситаларнинг барчасида хурмат маъноси мавжуд.

- Хурмат маъносини ифодаловчи лексемаларнинг мавжудлиги, унинг лексик – грамматик қирралари (белгилари) борлигини кўрсатади. Хурматли, мухтарам, мўътабар, азиз, эътиборли каби лексемаларда хурмат мазмуни мужассам бўлади.
- Хурмат маъносини ифодаловчи фразеологик бирликлар, гаплар – мақол ва матал кўринишида ўзбек тилида мавжудлиги тилимизнинг хурмат маъносини ифодаловчи тасвир воситаларга бой эканлигидан далолат беради.

Ифода усуллари жиҳати:

- Хурмат маъносининг морфологик воситалар ёрдамида ифодаланиши хурмат маъноси воқеланишининг морфологик усулидир.
- Хурмат маъносининг лексик воситалари орқали ифодаланиши хурмат маъноси воқеланишининг лексик – семантик усулидир.
- Хурмат маъносининг фразеологизмлар, мақол ва маталлар ёрдамида ифодаланиши хурмат маъноси воқеланишининг синтактик – стилистик усулидир.

Кўринадик, ҳурмат – лисоний – нутқий ҳодиса сифатида ўз ифода усуллари ва тасвир воситаларига эга бўлган, мустақил лексик – грамматик категориядир. Ҳурмат маъносининг мавжуд бўлиши ва унинг тараққий этиши мазкур категория оппозиция жиҳатига эга эканлигини ҳам кўрсатади. Тилдаги ижобий ва салбий ҳодисалар оппозицияси, айниқса ҳурматлилик ва ҳурматсизлик, сизлаш ва сенлаш, эътиборлилик ва менсимаслик, улуғлаш ва камситиш каби зидлаш ҳодисалари мазкур категорияни воқелантирувчи омиллардан саналади. Бир категорияда бўлиш борлиқнинг ҳар қандай унсури учун, хусусан тил бирлиги учун ҳам яшаш шартидир.

Маълумки, борликдаги ҳар бир нарса – предмет, воқеа – ҳодиса, белги – тушунча, ҳаракат ва ҳолатлар муайян ўзига хос белгилари билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга бу жиҳатларга кўра бошқа нарса – ҳодисалардан фарқланади. Бу хусусият уларнинг мустақил категория бўлиш ё бошқа бир категорияга бирлаша олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатади. Ўзбек тилшунослигида категория ҳақидаги баён қилинган сўнгги фикрлар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Ҳурмат коммуникацияда (ижтимоий – алоқа аралашувда, фикрлашувда, сўзлашувда, монологик ва диалогик нутқларда, маданий-маърифий, ахлоқий-ҳуқуқий, руҳий-ҳиссий каби муносабатларда) *мулоқот хулқи* тарзида воқеланади¹⁹. Ҳурмат нутқи хилма-хил мазмуний-вазифавий йўналишларга эга.

Маълум бўладики, ҳурмат ижтимоий-лисоний ҳодиса бўлиб, *ижтимоий йўналишидаги* қадрият, меҳр-оқибат, севиш-севилиш, нафосат, обрў-эътибор, садоқат, самимият, дўстлик, биродарлик, бағрикенглик, адлу инсоф, диёнат, одиллик, ор-номус, иффат, ҳаё каби хислатларни ўзида мужассамлаштиради. *Инсоний ҳурмат* (кишиларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган эътиборлари) мурғак чақалоқнинг қулоғига азон айтишдан, уни ардоқлашдан, эркалашдан, меҳр қўйиш катта эътибор билан қарашдан

¹⁹ Сиддиқ Мўмин. Маънавий қадриятлар: муомала сирлари. – Тошкент, 1994.

бошланиб, дўстлашиш, севиш, қадрлаш, обрў қозониш, буюк хизматлари учун эъзозланиш даражаларига кўтариб, ниҳоят рози-ризолик тилаш одоби (удуми) билан тугалланади. Бу жиҳатдан ҳурмат - илм-одоб, содиқлик, ишонч ва гўзаллик тимсоли.

Ўзбек тилининг икки жилдлик изоҳли луғатида *ҳурмат* сўзига қуйидагича таъриф берилган²⁰.

Ҳурмат

- *Кимса ёки нарса қимматини тушуниб, уни қадрлаш, улуғлаш, эъзозлаш туйғуси; эъзоз, эҳтиром. Ўз касбига бўлган ҳурмат Ватанга ҳурмат. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл (Мақол).*
- *Обрў, эътибор. Кишининг ҳурмати ўз қўлида (Мақол).*
- *Ҳурмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).*

Луғатда берилган таърифга кўра, *ҳурмат* туйғуси икки йўналишда ифодаланади, содир бўлади, воқеланади: а) *кимсани тушуниб*, уни қадрлаш йўналишидаги ҳурмат: кишиларнинг ўзаро, бир-бирларига бўлган ҳурмат-эътибори: мухтарам устозларимиз бизни шундай тарбиялаганлар; б) нарса қимматини тушуниб, уни қадрлаш, улуғлаш йўналишидаги ҳурмат. Масалан, кишиларнинг борлиқ ҳодисаларига бўлган ижобий муносабати, Ватанга ҳурмати: Ўзбекистон - она юртим каби.

Ҳурматни бундай икки йўналишда таърифлаш унинг моҳиятини аниқлаш учун, илмий тадқиқот учун, ўқув-ўқитув учун муҳимдир. Бу усул унинг нозик қирраларини аниқлашга ёрдам беради. Аслида *ҳурмат*-жамият ва табиатдаги (борлиқдаги) ҳодисаларга нисбатан ижобий муносабат маъноларини: *эъзозлаш, улуғлаш, қадрлаш, эътибор бериш* йўсинидаги маъноларни ўзида мужассамлаштирган яхлит бир тушунчадир; мақтов ҳиссиёти билан боғлиқ бўлган маънан турлича, шаклан хилма-хил ижобий муносабатни ифодаловчи атамадир. Масалан: ҳурмат тахтаси каби.

²⁰ Ўзбек тили изоҳли луғати. 2-жилдлик.— М.: Рус тили, 1981. 2-ж. —Б. 712.

Кишиларнинг борлиқ ҳодисаларига, энг аввало, одамларга бўлган барча ижобий муносабатлари (фикри, сўзи, туйғуси...) мулоқот ҳулки, мулоқот одоби, мулоқот маданияти (сўз бойлиги, нутқининг нафис ва гўзаллиги...), мулоқот фазилатлари (муомала одоблари, хуш феъллик, ширинсуханлик, майинлик, мулойимлик каби) кўринишида намоён бўлади. Мазкур тизим заминида *ҳурмат нутқи* ётади.

Демак, ҳурмат категорияси барча лисоний-нутқий қирралари билан *ҲУРМАТ НУТҚИ* кечимида воқеаланади: ахлоқшуносликда мулоқот ҳулки етакчи ўринни тутса, инсоншуносликда ҳурмат нутқи (одоби, маданияти, ахлоқи, гўзаллиги...) асосий ўрин эгаллайди ва алоҳида ҳурмат тизимини – ҳурмат сўзлари туркумини ташкил этади. Бироқ ҳурмат нутқи тушунчаси кенг маънода бўлиб, ҳурмат категорияси тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Қўлимиздаги далиллар, турли жанрлардан тўпланган мисоллар ҳурмат категорияси мавзуси алоҳида (мустақил) илмий текшириш муаммоси эканини кўрсатмоқда. Ҳурмат маъносининг ифодаланиш жараёнини ўрганиш, унга таълуқли ҳодисаларни умумлаштириш, бошқа лисоний – нутқий ҳодисалардан фарқлаш мақсадида ҳурмат нутқини ўрганиш лозим кўринади. “*Ҳурмат нутқи*” сўз бирикмаси ҳурмат категориясига хос атов бирлиги, нутқий бирлик – атама сифатида қўлланилди.

“*Ҳурмат нутқи*” қуйидаги ўзига хос характерли хусусиятларга эга бўлади:

- Ҳурмат нутқи атамаси мазмунан сўзлашув нутқи, мулоқот нутқи, шева нутқи, персонаж нутқи, муаллиф нутқи кабиларни, шунингдек "сўзловчи + тингловчи" муносабатини, "сўзловчи + тингловчи + ўзга" иштирокида воқеаланадиган муштарак нутқ ҳодисасини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳолат жонли сўзлашувда, табрикларда ва таклифномаларда кўпроқ учрайди. Бунда ҳурмат нутқи ABC (сўзловчи – тингловчи – ўзга) диалектик бирлиги заминида вужудга келади.
- Ҳурмат нутқида сизсираш, сизлаш, ҳурматлаш белгилари устун бўлади.

- Ҳурмат нутқида ҳурмат маъноси бевосита, бавосита ҳамда муштарак ҳолатларда ифодаланиши мумкин.
- Ҳурмат нутқи таркибида ҳурматнинг кимга ёки нимага қаратилганлигини ифодаловчи сўз, сўз бирикмалари бўлади.
- Ҳурмат нутқи таркибида ҳурмат мазмунини яққол ифодаловчи, асосий юкни қўтарувчи лексик бирликлар мавжуд. Уларни ҳурмат маъносини ифодаловчи “таянч лексемалар” деб аташ маъқул.
- Ҳурмат нутқида эзгу ният билан боғлиқ эмоционаллик руҳи ҳукм суради.
- Ҳурмат нутқи кесими истак майли шаклида бўлиб, унда истак – хоҳиш, ҳурматлаш, улуғлаш, мамнуният изҳор этиш каби маънолар мавжуд бўлади.
- Ҳурмат нутқида ҳурмат мазмунини ташувчи морфологик бирлик, лексик бирлик, фразеологик бирлик ҳамда синтактик – стилистик бирлик алоҳида ҳолда ёки ҳаммаси бирдан иштирок этиши мумкин. Бу ҳолда бирликлар ифодалаган мазмун бир – бирини тўлдириш, маъно қирраларини кучайтириш, бўрттириш учун хизмат қилади.

Демак, ҳурмат кечимида ҳурмат категориясининг мазмун – моҳияти, ифода усуллари, тасвир воситалари (шакллари) ва лисоний – нутқий ранг-барангликлари мужассамлашган; ҳурмат нутқи – ҳурмат маъносининг воқеланиш, ифодаланиш, шаклланиш манбаи, лисоний – нутқий омили, имконияти, усули, шакли, вазияти кабиларни ўзида жамлайди. Тилдаги ҳурмат маъноси воқеланиши ўзининг барча кўринишлари билан лексик – грамматик категория доирасида бирлашади. У тилнинг барча сатҳларида хилма – хил шакл ва кўринишларда намоён бўлади.

Ҳурмат категориясининг маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий ва лисоний-ахлоқий тавсифи

Ҳурмат категориясининг фалсафий тавсифи бевосита ахлоқшунослик фани билан боғлиқ. Зеро, ахлоқшунослик фалсафанинг таркибий қисми

бўлиб, кейинчалик алоҳида фан мақомига эга бўлган. Бинобарин, ҳурмат, ахлоқ, одоб масалалари бирдай фалсафанинг ҳам, ахлоқшуносликнинг ҳам тадқиқот объекти сифатида майдонга чиқади. Фалсафа фани юзага келганидан бошлаб дунё, табиатнинг келиб чиқиши, унинг асосий қонунлари, категорияларини тадқиқ этган, инсон масаласи фалсафанинг бош тадқиқот объекти бўлган. Масалан, М.Фейербахнинг фикрича, инсон табиатнинг гултожисидир. Фалсафа фанининг кейинги тараққиёт босқичларида инсоннинг руҳияти, ҳис-туйғулари файласуфлар диққат-эътиборини жалб этган. Тадқиқот доирасининг кенгайиши натижасида эса ахлоқшунослик фани ажралиб чиққан, пировард натижада маданият, одоб масалалари билан бир қаторда *ҳурмат категорияси* маълум маънода *ахлоқшунослик* фанининг таянч тушунчаларидан бирига айланган. Чунончи, қадимгилар бу фанни – ахлоқшуносликни амалий фалсафа деб атаганлар²¹, чунки ахлоқшунослик физика ва метафизика билан бир қаторда фалсафанинг узвий учинчи қисми ҳисобланган²². А.Шер ҳам айна фанни ахлоқ фалсафаси ёки *эзгулик фалсафаси* деб аташ жоиз, деган фикрни илгари суради²³. Ахлоқ – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, *инсоний камолот даражасини белгиловчи* маънавий ҳодисадир²⁴. Одоб ва ҳуқ тушунчалари эса нисбатан тор бўлиб, ахлоқ доирасига киради, *бунда одоб миллий урф-одатларга асосланган*, оила, маҳалла-қўй тарафидан илиқ баҳоланадиган хатти-ҳаракатлар бўлса, *ҳуқ умумжамият тарафидан* ижобий деб ҳисобланувчи муомала, хатти-ҳаракатлардир. *Ҳурмат, эҳтиром* ҳисси бу ўринда одоб, ҳуқ ва ахлоқнинг ҳар уччаласига ҳам тааллуқли бўлиб, қамров доирасига кўра фарқланади (одоб доирасидаги ҳурмат маҳалла-қўй билан чегараланади, ҳуққа тегишли ҳурмат жамиятга алоқадор бўлади, ахлоқ қамровидаги *ҳурмат тушунчаси* эса инсоний

²¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 67.

²² Шер А. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 10-11.

²³ Шер А. Ўша асар, –Б. 5.

²⁴ Шер А. Ўша асар, –Б. 8.

баркамолликка қаратилган бўлади). Демак, ҳурмат тушунчаси фалсафий категория сифатида ахлоқ, ахлоқшуносликнинг муҳим тадқиқот объектларидан бири бўлиб, у бевосита миллий менталитет, урф-одатлар, жамият ахлоқ қонун-қоидалари билан узвий алоқадорликда тадқиқ этилиши талаб этилади. Зеро, таъкидлаб ўтиш зарурки, фалсафа фанига оид илмий адабиётлар таҳлили ушбу мавзунинг алоҳида махсус йирик тадқиқот сифатида ўрганилмаганини кўрсатмоқда.

Ахлоқнинг умуминсонийлик, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Миллийлик ва минтақавийлик ахлоқнинг нисбатан кичикроқ қамровли кўринишларида – хулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда кўринади. Масалан, Ғарб мамлакатларида *ота-онага тенгдек* муомалада бўлиш, ҳаққини талаб қилиш инсоннинг ҳуқуқи, эркинлиги сифатида баҳоланади. Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда бундай муносабат, ҳаттоки, ота-онага ёки ўзидан катталарга тик қараш ҳам ҳурматсизлик, одобсизлик ҳисобланади. Шунингдек, ота-она билан ҳақ, ҳуқуқ талашиш салбий ҳодиса ҳисобланиб, қораланади. Бу *шарқона этикет* бевосита анъанавийликка эга бўлиб, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳозирги ҳаётда бу ҳолатнинг баъзи нуқсонли жиҳатлари ҳам мавжудлиги, ўта шарқоналикка берилиш айрим салбий оқибатларни келтириб чиқариши, баъзида сабабсиз итоаткорлик, мутелик ҳолатларини намоён қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари, биламизки, ахлоқ масалалари, фазилатлар, хулқ, одоб меъёрларига бағишланган қатор асарларни яратишган. Мисол учун, Кайковуснинг “Қобуснома”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Бакр ар-Розийнинг “Бахт ва фаровонлик белгилари”, Абу Али ибн Синонинг “Ахлоқ илмига доир рисола”, “Бурч тўғрисидаги рисола”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул кулуб” каби асарлари шулар жумласидандир. Мазкур асарлар инсонларнинг фазилатлари, одоб-хулқи хусусида

маълум бир фикр-мулоҳазалар хусусида маълумот беради. Айни пайтда тилга олинган асарларда у ёки бу даражада ҳурматлаш, эҳтиром билан муносабатда бўлиш масаласига тўхталиб ўтилади. Жумладан, Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларида фақат Ислом дини таълимотига оид қоидалар акс эттирилибгина қолмай, улар меҳр-муҳаббат, ҳалоллик-поклик, сахийлик, ота-она, катталарга ҳурмат, етим-есир, бева-бечораларга муруват, меҳнатсеварлик, ватанга муҳаббат каби олижаноб инсоний фазилатлар мужассамлашган²⁵.

Фалсафий фикрнинг тарихий тараққиёти даврини таҳлил этсак, ҳурмат тушунчаси маълум бир даражада ўрганилгани, файласуфларнинг инсон руҳиятини таҳлил этиш борасида қисман бўлса-да, мазкур масаланинг айрим жиҳатларига эътибор қаратганларининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, ушбу ҳиссиётга оид маълумотлар ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган илк ёзма ёдгорликларда ҳам ўз ифодасини топганлиги кузатилади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бойликнинг – Ойтўлдиннинг доимий ҳамроҳлиги шартларидан бири тарзида “*ўзидан улуғларни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш*” қайд этилади²⁶. Бироқ мазкур асарда ҳурмат категорияси алоҳида таҳлил этилмайди, фақатгина *ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш* зарурати эътироф этилади. Масалан, Ўгдилмиш – ақл хон Кунтўлди (адолат)га сарой аҳлининг уч тоифаси – ундан улуғлар, тенгдошлар ва ундан кичиклар хусусида маълумот бераётганида, бу тоифага кирувчи инсонларни тавсифлаётганда, уларга нисбатан муносабатда *улуғлаш, қадрлаш, иззатлаш* кераклигини, унинг аҳамиятини баён этади²⁷.

Амир Темурнинг тузукларида буюк соҳибқирон эришган мавқеи учун ўн икки қоида асос бўлганлиги қайд этилади. Уларда *ҳурмат, эҳтиром* туйғуларини кимларга кўрсатганлиги баён этилади. Масалан, Амир Темур

²⁵ Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. - Тошкент: Шарқ, 2005. -Б.49.

²⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990. –Б. 24.

²⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Ўша асар. –Б. 90.

Ўз ҳаёти давомида еттинчи амал қилган нарсаси қуйидагича изоҳланади: “*саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган одамлар қаторига қўйиб, иззат ҳурматларини жойига қўйдим*”²⁸. Ёки “*тўққизинчиси – раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини ота қаторида, кичикларини фарзанд қаторида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим*”²⁹. Амир Темир, шунингдек, турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабиладан бўлган ва унинг паноҳига кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатганини, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийлаганини эътироф этади. Хусусан, у “*дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат*” қилишини ва бунинг сабабини баён этган³⁰. Келтирилган тузуклар – қоидалардан маълум бўладики, Амир Темур амал қилган, ўзига шиор деб билган нарсаларида атрофидагиларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром ёйинки сийлов билан муносабатда бўлиш алоҳида ўрин тутди. Бу билан соҳибқирон инсонларни тоифаларга ажратиб муомала қилиши қайд этилади. Демак, Амир Темур тузукларида ҳам ҳурмат, эҳтиром туйғусининг ўрни, аҳамияти тан олинади, зарур ўринда зарур ҳолатларга, нарсаларга, одамларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш жоизлиги эътироф этилади.

Алишер Навоий ўз асарларида *комил инсон* масаласини кўтаради ҳамда комилликка етказувчи хатти-ҳаракатларни тавсифлайди. Бироқ айни асарларда бевосита ҳурмат тушунчаси таҳлил этилмайди. Албатта айрим ўринларда, масалан, “Маҳбуб-ул қулуб” асарининг тавозеъ ва одобга бағишланган фаслида билвосита ўрганилаётган туйғу, ҳиссиётга тааллуқли фикрлар баён этилади³¹.

²⁸ Темур тузуклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. –Б. 55.

²⁹ Ўша асар. –Б. 55.

³⁰ Ўша асар. –Б. 56.

³¹ Навоий А. Маҳбубул қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. –Б. 47-49.

Энди ғарб фалсафасига диққат қаратсак, деярли ўхшаш ҳолат кузатилади, баъзи файласуфларнинг бу борадаги баъзи мулоҳазалари, қарашлари мавжудлиги маълум бўлади. Масалан, олмон мумтоз файласуфи Иммануил Кант инсон табиатидаги ёвуз ва эзгу ихтиёрни фарқлайди. Эзгу ихтиёр ўз-ўзини билишга ва ақлга таянади. Одамлар ана шу эзгу ихтиёр асосида бир-бирларига муносабатда бўлишлари зарур. И.Кант бу муносабатдаги мажбуриятларнинг иккитасини муҳим деб ҳисоблайди. Булар – ҳурмат ва муҳаббат. Зеро, ҳар бир кишининг бурчи – хайрли ишлар қилишидан, яъни бирор-бир мукофотга умид боғламасдан, имкон қадар одамларга кўмаклашиш ва уларнинг бахтли бўлишига ёрдам беришдан иборат³².

Файласуф И.Кант инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабат, эзгу ихтиёрда икки нарсани алоҳида таъкидлаб ўтган: а) ҳурмат; б) муҳаббат. Ҳурмат ва муҳаббатни инсоний мажбурият, бурч даражасида таърифлайди.

Руҳий таҳлил борасида машҳур таҳлилчи файласуф Эрих Фромм муҳаббат муаммосига алоҳида эътибор қаратади³³. Олим муҳаббатни ғамхўрлик, масъулият, ҳурмат ва илм унсурларидан ташкил топган, деган фикрни илгари суради. Бунда у қалб амрига боғлиқ масъулиятни бир тарафдан ғамхўрликка, иккинчи тарафдан ҳурматга боғлайди, шу билан бирга, ҳурмат, бу – кўрқув ёки қўл қовуштириш эмас, у инсонни қандай бўлса, шундай қабул қилиш дея эътироф этади.

Демак, *ҳурмат категорияси* махсус фалсафий, ахлоқий категория тарзида ўрганилмаган бўлса-да, бу мавзунини тадқиқ этиш, ҳурмат тушунчасига бўлган ёндашувларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда яна бир масала диққатни жалб этади. Соф ҳурмат туйғуси ушбу ҳиссиёт йўналтирилган объектга ёки предметга ёхуд шахсга

³² Бу ҳақда қаранг: Кант И. Сочинения в 6 томах. Т.4 Ч.I. – 1965. – 544 с., Ч.II. – 1965. – 478 с.; Кант И. Из лекции по этике. Этическая мысль. – М.: Политиздат, 1988, 1990; Мотрошилова Н.В. Рождение и развитие философских идей. – М.: Полит.лит., 1991. – 463 с.

³³ Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – 269 с.

боғлиқ ҳолда фарқланиши мумкин. Масалан, ота-онага ҳурмат, ўзгаларнинг ихтиёрига, фикр, мулоҳазаларига ҳурмат, аёлларга ҳурмат, қарияларга ҳурмат, ўзгаларнинг динига, эътиқодига ҳурмат қабилаар моҳиятан бир туйғуни, ҳиссийатни ифодаласа ҳам, ўзаро бирмунча тафовутланади. Инсонларнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиши, қадрини билиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, бу туйғулар миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчалари билан бевосита боғлиқ тарзда юзага чиқиши мумкин. Демак, ҳурмат туйғусини ижтимоий-иҷобий ва нутқий сифатларини ҳисобга олиб ўз лисоний, ҳиссий ва идрокий жиҳатларига кўра умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурмат нутқи;
- Оилавий-маиший ҳурмат нутқи;
- Эл-юртга, Она-Ватанга, табиатга ҳурмат нутқи.

Айни ҳурмат турларининг ҳар бири айримликка эга бўлиб, улар қуйидаги тартибда майдонга чиқади:

Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурмат туйғуси бевосита жамият, давлат ҳамда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Масалан, давлатларнинг бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний ва миллий қадриятларни оёқости қилмаслик, ўзгаларнинг дини, эътиқоди, фикрларига ҳурмат билан қараш, умуман, жамиятнинг ҳар бир аъзоси – шахс, давлат, турли гуруҳ ва ташкилотларнинг қонун доирасидаги хоҳишларига ҳурмат билан қараш шулар жумласидандир. Шу билан бирга, ота-боболаримизнинг моддий ва маънавий меросларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурматнинг таркибий бўлаги ҳисобланади. Қадимдан бери сақланиб, сайқалланиб келаётган гўзал урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам ҳурмат билан қабул қилиниши зарур, чунки улар ҳам халқимизнинг маънавий мероси сифатида *юксак эҳтиромни* талаб этиши маълум.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурматнинг лисоний, нутқий ифодаси ҳар бир тилда ўзгача шаклда акс этади. Одатда расмий доираларда, юқори мавқели шахслар ўртасидаги учрашувларда *ҳурмат* ва *эҳтиром*, авваламбор, *новербал усул воситасида* ифодаланади, яъни инсоннинг ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари билан ҳурмат кўрсатилади.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурмат нутқи

Ҳурмат–мулоқот хулқининг асосий кўринишларидан ҳисобланади. Муҳаммад пайғамбар мусулмон олами учун “салом-алик одобини” – ҳурматини буюрган эканлар; «Салом ҳам қарз, алик ҳам қарз» нақлининг моҳияти шунда бўлса керак. Демак, салом-алик одоби ижтимоий ҳурматнинг дебочаларидандир. Дарҳақиқат, мусулмончилик одоби ҳар бир юмушни Оллоҳ исми билан бошлашидан билинади. Кўринадики, ижтимоий ҳурмат Оллоҳ ва унинг пайғамбарига ишонч билдиришдан, уларга эъзоз-эҳтиром кўрсатишдан бошланган, дейиш мумкин. Ўзбек миллатининг менталитетига хос айрим жиҳатларни мисол келтирсак, байрам кезлари, айниқса ҳайитда, кўни-қўшнилارга тайёрланган таомлардан бир косага солиб, *йўқлов косаси* чиқариш ҳурматнинг миллий анъанага айланган шакллари саналади. Тўйларда катта бўлмаса, кичикроқ қозонда ош дамлаб, эл-юртга тарқатилади, Бунда элсевар, юртпарвар, саховатпеша бир инсоннинг кўпчиликка бўлган муруввати, бағрикенглиги, содиқлиги-*ижтимоий ҳурмат тарзида* яққол намоён бўлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, ҳурмат категориясининг мағзини ижтимоий ҳужайра (яхшилик) ташкил этади: *ижтимоий ҳурмат* ҳурмат категориясининг бош бўғини саналади; тилда ҳурмат нутқи кўринишида воқеланади.

а) буюк саодат, илоҳий неъмат Истиклол муборақ бўлсин (ижтимоий нейтрал ҳурмат: истиклолни улуғлаш);

б) буюк саодат, илоҳий неъмат Истиқлолингиз муборак бўлсин (бир шахсининг II шахс кўпликка ҳурмати ифодаланган; бунда II шахс бирликка ҳурмат - сизсираш ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат матндан ёки нутқ вазиятидан аниқланади);

в) сизларга буюк саодат, илоҳий неъмат Истиқлол муборак бўлсин (бунда ижтимоий ҳурмат *сизларга* олмоши орқали воқеланган);

г) буюк саодат, илоҳий неъмат Истиқлол, такрор айтаман, ҳаммамизга муборак бўлсин (муштарак ижтимоий ҳурмат: мулоқотда I, II, III шахслар иштирок этмоқда, ҳурмат *ҳаммамизга* лексемаси орқали реаллашмоқда);

д) буюк саодат, илоҳий неъмат Истиқлол, такрор айтаман, бизга, сизга, уларга – ҳаммамизга муборак бўлсин (бунда ҳурмат даражаси орттирилган ва таъкидланган, муштараклик бўрттирилган);

е) буюк саодат, илоҳий неъмат Истиқлол, такрор айтаман, менга ҳам, сенга ҳам, унга ҳам – ҳаммамизга ҳам муборак бўлсин (даражаланган, бўрттирилган, таъкидланган муштарак ҳурмат).

Мисоллардан маълум бўладики, ижтимоий ҳурмат ўз лисоний ва нутқий ифода усулларига, тасвир воситаларига эгадир. Иккинчидан, барча ҳурмат нутқлари сўзловчи томонидан баён этилган. Аммо 2-, 3-мисолларда ҳурмат тингловчига йўналтирилган; 3-,4-,5-мисолларда эса ҳурмат ҳар уч шахсни ўз ичига қамраб олган: натижада сўзловчи, тингловчи ва ўзга иштирокида воқеланган муштарак ҳурмат маъноси ифодаланган. *Ҳар уч шахсга тааллуқли муштарак ҳурматнинг воқеланишида матн қурилови, ундаги лексема ва грамматик унсурлар, синтактик қолипланиш муҳим аҳамият касб этади.* Масалан, охирги (олтинчи, мисолда шахс билдирувчи кишилиқ олмошлари (*мен, сен, у*), - *га* жўналиш келишиги, *ҳам* кучайтирув юкламаси, - *миз* I шахс, кўпликдаги эгалик қўшимчаси, умумлаштирувчи лексема *ҳамма*, кириш бирикма (*такрор айтаман*), ниҳоят матннинг ундов гап шаклида бўлиши, тинч-оҳанг билан айтилиши ҳурматнинг воқеланишидаги умумийликни, муштаракликни тўла таъминлаган.

Ижтимоий ҳурмат ўз мазмуний-вазифавий йўналишига кўра турлича кўринишларда бўлиши мумкин:

- ижтимоий-сиёсий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-маданий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-иқтисодий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-маърифий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-фалсафий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-ҳуқуқий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-ахлоқий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-тиббий йўналишидаги ҳурмат;
- ижтимоий-маънавий-руҳий йўналишдаги ҳурмат;
- ижтимоий-ҳиссий йўналишдаги ҳурмат;
- ижтимоий-фахрланиши, ғурурланиш йўналишидаги ҳурмат.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқ ва таҳлил қилиниши мумкин ва ўз ичида кичик-кичик тармоқчаларга бўлинади (булар ҳақида қуйида гапирилади).

Ижтимоий– сиёсий ҳурмат бу жамиятлар, давлатлар, турли тоифадаги бирлашмалар, вазирликлар, ҳокимликлар ва инсонлар ўртасидаги *ҳурмат туйғусидир*. Мазкур туйғу давлатларнинг бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликларида кўринади; айниқса, ташқи иқтисодий алоқаларда нозик, ҳалол ва пок ҳурмат туйғуси камол топади. Қуйидагича кўринишларда учрайди:

- жаҳоншумул, умумий ва миллий қадриятларни қадрлашда, оёқ ости қилмасликда, аксинча, уларни асраб-авайлашда яққол намоён бўлади. Мисол учун И.Каримовнинг Конституциямиз 14 йиллиги муносабати билан 2006 йил 7 декабр куни “Туркистон” саройида сўзлаган нутқидан бир лавҳа келтирамиз:

“Қадрли юртдошларим, азизларим! Бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур

ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз”. (Халқ сўзи, 2006, 8 декабр).

Мазкур *ҳурмат нутқи* ўз тузилиш-тизими, мазмуний-вазифавий йўналиши, лексик-семантик-грамматик таркиби, ифода асоси ва морфологик-синтактик белгилари жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этиб, ижтимоий ҳурмат даражасининг самимий, тантанавор ва чуқур ифодаланишини таъминлаган.

Таъкидга лойиқ жиҳат шундаки, биринчидан, ижтимоий-ҳурмат нутқи (матн) бошида *юртдошларим, азизларим* ундалмалари келтирилиб, сўзловчи ўз самимий ҳурматини юқори даражада билдирган (бунда *юрт, азиз*) лексемаларидан ташқари *–дош, –лар, –им* морфологик унсурларнинг ҳам хизмати катта; иккинчидан, ҳурмат аввало мажлис қатнашчиларига (*барчангизга*), улар орқали бутун Ўзбекистон халқига (*бутун халқимизга*) йўналтирилган; учинчидан, жумла кесими каминаи камтарлик, комилу донолик белгиси сифатида *рухсат бергайсиз* лексемаси билан тугалланган: буйруқ тарзида эмас, *истак, хоҳиш, эзгу ихтиёр* шаклида изоҳланган.

Яна бир мисол. Бунда ҳурмат тўғридан тўғри мажлис қатнашчиларига йўналтирилган:

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ижтимоий-сиёсий нутққа мисол тариқасида давлатимиз раҳбари номига ва у киши орқали ўзбек халқи номига келган чет давлатлар раҳбарлари, жаҳон миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари томонидан йўлланган мактублари матнларини келтириш мумкин. Уларда ифодалаётган мазмун ижтимоий-сиёсий нутқнинг яққол ифодасидир:

Масалан, қуйидаги табрикнома Бирлашган миллатлар ташкилоти бош котиби Кофи Аннанинг Президентимиз И.А.Каримовга мустақиллик куни муносабати билан йўллаган қутловидир. Унда сўзловчи тарафидан мурожаат қаратилган шахс “Жаноби олийлари” деб улуғлаб, ҳурмат билан тилга олинади. Бу табрикнома стилида орттирма даражада қўлланган (“ғоят самимий”, “ғоят юксак”) сифатлар эса акс эттирилган эҳтиромнинг юксак даражасини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига катта мамнуният ила ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,

БМТ Бош котиби

Кейинги матнда эса табрикловчи шахснинг эҳтироми маъноси бир неча усулларда акс этган. Масалан, табрикнома матнининг биринчи гапида қўлланган ажратилган тўлдирувчи (Жаноби олийларига), тўлдирувчидан (Сиз(га)) англашилган ҳурмат мазмунига урғу беришига хизмат қилган. Ушбу мисолда ҳам аниқловчи бирикмалар (беҳад мамнун, энг самимий тилак, юкса эҳтиром, саховатли халқ) кабилар табрикдаги белги семали мисолларга хос кўтаринкилик, юксалтириш, кучайтириш оттенкалари ҳам табрикнома йўлловчининг эҳтиромини ифодалаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан бундай қутлуг айёмни мусулмонларга такрор насиб қилишини, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг саховатли халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ,

Кувайт Давлати Амири

Шунингдек, бу типдаги табрикномаларда феъл +-гай шакли фаол қўлланилиши кузатилади. Юқорида келтирилган табрикномаларда ҳам шу ҳолат мавжуд (қабул қилгайсиз). Айни вазият миннатдорчилик мактубларида ҳам кенг ишлатилади. Масалан, тубандаги мисол Япония Бош вазирининг президентимиз И.А.Каримовга йўллаган миннатдорчилик мактуби бўлиб, унда ҳам ижозат бергайсиз (этгайсиз) феъл лексемаси воситасида ёзувчи шахснинг ҳурмати аниқланган. Устига устак, ижозат бермоқ (этмоқ) феълнинг лексик-семантик таркиби тақаллуф оттенкасига эга. Бу миннатдорчилик мазмунини ташиган матнда ҳам сўзловчининг ҳурмати, эҳтиромининг юқори даражаси ажратилган гап бўлаклари (Сиз, Жаноби олийлари) воситасида ифода қилинган. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига*

Жаноби Олийлари,

Япония Бош вазири лавозимида сайланганим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари менга йўллаган самимий табригингиз учун Сизга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. . . .

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз,

Эҳтиром билан,

Синдзо АБЭ,

Япония Бош вазири

Ижтимоий ҳурмат нутқи кўпчиликка, умумга ёки жамоага йўналганлиги билан характерланади: а) оилангиз тинчми? уйдагиларга салом

айтинг; б) хонадонларимизда хотиржамлик бўлсин; в) синфдошларга раҳмат, маҳалла ҳашарида фаол қатнашишди.

Бундай *яхшилик йўналишидаги* ҳурматга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

- Ўзгаларнинг тили (лаҳжаси), дини, эътиқоди, маданияти, миллий урф-одатлари ва анъаналарини ҳурматлаш. Ўзбекистон Республикасида қозоқ, рус, украин, инглиз, француз, татар, олмон каби 100 дан ортиқ миллат вакиллари ўз бағрига олган, 50 дан ортиқ маданий миллий марказларнинг, ижодиёт уйларининг ташкил этилиши муҳим ижтимоий-сиёсий ахлоқ (одоб, маънавият, маданият)лардан саналади ва уларга катта ҳурматни билдиради.

- Ижтимоий ҳурмат нутқида ўзгалар фикрига, уларнинг касб-кори, хунари, урф-одати, тўйи, маъракаси, кийиниш маданияти ва бошқаларга алоҳида эътибор, одилона назар билан қараш белгилари акс этади.

- Ижтимоий ҳурмат нутқида давлат қонунларига, фармонларига, фармойишларига ва қарорларига масъулият билан қараш, уларга алоҳида эътибор бериш ва эътироф этиш, моҳиятини тушуниш ва тушунтириш белгилари мужассам бўлади.

- Ижтимоий ҳурмат нутқида жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, талаб-истаклари, таклиф-кашфиётлари, аризалари в.б. га алоҳида эътибор, чуқур масъулият ҳисси билан қарашни талаб этади. Масалан, ўзбеклардаги *бағрикенглик* фазилати ижтимоий ҳурматнинг улкан намунаси саналади.

- Ижтимоий ҳурмат нутқида хос белгилар, йўсинлар йўналишлар шу юқоридагилар билан чекланмайди. Улар *йўналиш тармоқлари* ва *мазмуний-вазифавий мақсадларга кўра* турлича, хилма-хил шаклларда бўладилар; уларни қандай ва қайси лексема, қандай ва қайси грамматик (морфологик ва синтактик) шакл қўлланганига, нутқнинг синтактик-стилистик қолипига қараб, яна ўз ичида кичик турларга ажратиш мумкин. Демак, ижтимоий ҳурмат нутқи ўзаро қуйидаги белгилар, восита ва усуллар орқали ифодаланади:

- а) лексик воситалар (лексемалар);
- б) морфологик воситалар;
- в) синтактик-стилистик усул;
- г) новербал усул (воситалар);
- д) нутқий ранг-баранглик.

Кўпчилик ҳолатларда мазкур усул ва воситалар аралаш қўлланади. Масалан, айрим нотиклар, актёрлар, қизиқчилар ўз фаолиятларида ижтимоий ҳурмат мазмунини аниқ, тўлиқ ва таъсирли ифодалашда ҳам лисоний (вербал), ҳам нолисоний (новербал) усуллардан аралаш ва унумли фойдаланадилар.

Ижтимоий ҳурмат нутқи таҳлили ва қўлимиздаги далиллар шуни кўрсатдики, ҳурмат маъноси уч хил усулда ифодалади:

- Лингвистик (лисоний-нутқий) усул.
- Экстралингвистик (нолисоний) усул.
- “Лисоний + нолисоний” усуллар.

Оилавий-маиший ҳурмат нутқи

Оилавий-маиший ҳурмат нутқи меҳр-оқибат, иззат-икром, севги-муҳаббат, бурч-масъулият каби туйғулар билан йўғрилган бўлиб, оилавий ҳурмат, оилавий одоб, оилавий маданият, оилавий хулқ, оилавий нутқ каби бирикмалар билан ҳам аталиши мумкин. Лекин *оилавий-маиший ҳурмат* тушунчаси билан боғлиқ барча белгилар, хатти-ҳаракатлар, ижтимоий ва шахсий муносабатлар, барибир, лисон воситасида воқеланади, мазкур тушунчани ифодаловчи махсус лексик-семантик, грамматик (морфологик-синтетик) ва интонацион воситалар мавжуд. Кексаларни, катталарни, улуғларни ҳурмат қилиш азалий одат, ҳатто “Авесто”да ҳам мавжудлигини таъкидланган.³⁴

³⁴ Ҳомидов Х. “Авесто” файзлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. –Б. 27-28.

Мазкур туйғу улуғларни (оиладаги катта ёшдагиларни) ҳурматлашдан бошланади. Унинг йўналишлари жуда кўп, ҳар бир йўналиш ўз ичида яна кичик-кичик тармоқларга ажралади.

Оила-маиший ҳурмат нутқи қуйидаги йўналишларда воқеланади.

- Кексаларга, қарияларга, буваларга, бувиларга ҳурмат кўрсатиш нутқи;
- Аёл ва эркекларга ҳурмат кўрсатиш нутқи;
 - эрнинг ўз аёлига ҳурматини ифодаловчи нутқ;
 - хотиннинг ўз эрига ҳурмат кўрсатиши нутқи;
- Фарзандларнинг ўз ота-оналарига ҳурмат кўрсатиши ва аксинча;
- Ёшларнинг ўзидан катталарга ҳурмат кўрсатиши;
- Қариндош-уруғларга эътиборли ва ҳурматда бўлиш;
- Кишининг ака-укалари ва опа-сингилларига ҳурмати;
- Аёл ва эркекнинг бир-бирларига, қариндош уруғларига ҳурмати (эътибори);
 - а) қайинона ва қайинотага эътибор;
 - б) қайинэгачи ва қайиноғаларга эътибор;
 - в) қайинсингил ва қайининиларга ҳурмат;
 - г) овсинларнинг бир-бирига эътибори;
- Тоғаларнинг ўзаро ва тоға-жиянларнинг ўзаро эътиборли, ҳурматли бўлиши.
- Холаларнинг ўзаро ҳурмат туйғулари ва хола-жиянларнинг ўзаро эътиборли, ҳурматли бўлиши.
- Аммалар ва уларнинг ўзаро ҳурмат туйғулари, унинг нутқий кўринишлари.
- Куёвлар ёки поччаларнинг ўзаро ҳурмати, унинг нутқий кўринишлари.

Юқоридаги йўналишлардан кўриниб турибдики, оилавий-маиший ҳурмат туйғуси тилда кўплаб лексемалар ва ранг-баранг грамматик воситалар иштирокида реаллашади. Масалан, нутқда тоға ёки отахон сўзларининг

қўлланиши ҳурматнинг, эътиборнинг кимга йўналтирилганини кўрсатади: *Отахон*, мана бу ўриндиққа ўтиринг. *Тоғам* завод директори бўлиб ишлайдилар каби.³⁵

Бу ўринда лексик-семантик жиҳатдан икки нарсани таъкидлаш жоиз: биринчидан, она (ая, эна, буви, момо), ота (ада, дада, бобо, бува), опа, ака, амма, хола, тоға, почча, амаки, эгачи, овсин каби сўзлар сўзловчининг ўз қариндошларига ҳурматини ифодалайди.³⁶ Бунда *аслий ҳурмат* ифодаланади – ҳурматнинг бу турини *аслий ҳурмат* деб аташ мумкин. Иккинчидан, мазкур сўзлар бегона кишиларга қарата, сўзловчи ўзига яқин олиб, ҳурмат юзасидан *онахон, отахон, аяжон, амакижон* шаклларида ишлатиши мумкин. Бунда *нисбий ҳурмат* маъноси ифодаланади. Ҳурматнинг бу турини *нисбий ҳурмат* деб аташ мумкин.

Аслий ҳурматда муайян сўз ўз асл маъносида (туғишган, қондош ота маъносида) қўлланган бўлади; *нисбий ҳурматда* эса муайян сўз бошқа, бегона сўз ўрнида, унинг вазифасида қўлланган бўлади. Бунда тилдаги вазифадошлик қонунияти амал қилган бўлади.

Демак, шахс, яъни сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ҳурмат ўз мазмуний-вазифавий йўналишига қараб, генетик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

Аслий ҳурмат-қавм-қариндошчилик муносабатлари жиҳатидан:

- қондошлик атамалари (ота, она, эр, хотин...) воситасида ҳурматлаш ;
- қариндошлик атамалари (ота-бола, она-бола, ака-сингил...)воситасида ҳурматлаш ;
- қон-қариндошлик атамалари (тоға, амаки, хола, амма...) воситасида ҳурматлаш;

³⁵ Қаранг: Ҳурмат ифодаловчи сўзларнинг лексик таҳлили ишнинг “Ҳурмат нутқининг лексик семантик ифода усули” қисмида берилган.

³⁶ Қариндош-уруғчилик атамаларининг таҳлили хусусида тадқиқотнинг “қавм – қариндошлошлик атамалари воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши қисмида берилган”.

- қавм-қариндошлик атамалари (қуда, тутинган ота, тутинган она...) воситасида ҳурматлаш;

Нисбий ҳурмат -қариндош бўлмаган шахсларга ҳамда, ўзига яқинлаштирилган нарса - предметларга муносабати жиҳатидан:

- бегона шахсларни яқин олиб, ёшини ҳурматлаб ота, она, амаки, хола каби қавм-қариндошлик атамалари воситасида ҳурматлаш;
- эл-юртга, Она Ватанга ҳурмат;
- миллий қадриятларга ҳурмат;
- касб-кор –меҳнатга ҳурмат;
- борлиқ ҳодисаларига ҳурмат.

Она-Ватанга, эл-юртга, табиатга ҳурмат нутқи

Она-Ватанга ҳурмат нутқи йўналиши бизни ўраб турган она-табиатга, табиатнинг ноз-неъматларига, табиий бойликларга, сув, ҳавога ва она-Ерга бўлган муносабатимизни қамраб олади. Бинобарин, кейинги йилларда экологик муаммолар дунё миқёсидаги глобал таҳдид сифатида баҳоланмоқда. Демак, табиатга ҳурмат, авваламбор, инсон учун ҳаётий зарур бўлган табиий захираларни асраб-авайлаш, табиатнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, табиатни, табиийликни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиш, курашиш туйғуларидан таркиб топади. *Табиатга ҳурматни* ифодалашда махсус лексик воситаларга, кўпроқ синтактик бирликларга мурожаат қилинади. *Табиатга нисбатан ҳурмат, ардоқ ҳис-туйғулари даъват, чақирув маъносидаги* шиорлар, кўтаринки руҳдаги маърузалар, шунингдек, махсус ташкил этилган тадбирлар, айтилиш мавзуга бағишланган кўрсатувлар, рекламалар орқали тарғиб этилади. Масалан, ҳозирги кунда телевизор орқали намоиш этилаётган рекламалар орқали сувни тежаш, атроф-муҳитни ифлослантормаслик ғояси тарғиб этилмоқда.

Она-Ватанга ҳурмат туйғуларини тилда акс эттиришнинг имкониятлари кўп. Она-Ватанга ҳурмат нутқи шеърятда яққол кўзга ташланади. Ўз туғилган юртига, заминга, миллатга ҳурмат, ифтихор туйғуси, ўз элига ҳурмат:

Фахр этарман, она халқим³⁷,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон, ўзбегим.
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидирман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим...
Қайга бормай бошда дўппим
Ғоз юрарман, гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим. (Э.Воҳидов)
Улуғ бир донишманд оламини шарҳлаб,
Ахийри танибди тукқан элини.
Забон бахш этганга эҳтиром сақлаб,
Она, деб атабди илк бор тилини
Дунё шоирлари Ватан шаънига
Сифат ахтармишлар қатор ва қатор.
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:
Она Ватан дея битмишлар ашъор.

³⁷ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Тошкент, 1969. – 154 б.

Бисёр бўлса агар бол ҳам бекадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном! (А.Орипов)

Табиатга ҳурмат туйғуси, ҳисси (нутқи) борлиқ дунё асосларидан саналмиш, *тупроқ, сув, ҳаво, олов* каби тўрт муқаддас (илоҳий) тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, унинг лисоний-нутқий йўналишлари, ифода усуллари, тасвир воситалари, шакллари, қўлланиш усуллари жуда хилма-хилдир.

Табиатга ҳурмат туйғуси ўз-ўзига ҳурмат нутқи билан узвий боғланади: Ҳар бир кимса ўз она-Ерини, киндик қони тўкилган тупроқни (масканни), ўсиб-унган, улғайган, мусаффо ҳавосидек, кўм-кўк ва зилол сувидан, шириндан шакар полиз экинлари ва меваларидан баҳраманд бўлган гўзал масканни улуғлайди ва муқаддас билади. Шунинг учун ҳам “Ватан-остонадан бошланади” деган нақл ҳар вақт ёдимизда бўлади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз кулбасини (уйини) “Ватан ичра кичик ватан” дея эъзозлайди: дунёга келибдики, ўз бошпанаси бўлишини истайди. Элсеварлик, юртпарварлик туйғулари шу нуқтадан бошланади ва шунда камол топади, десак муболаға бўлмас.

Табиатга ҳурмат турлича кўринишларда бўлиши мумкин; буларнинг ҳаммаси она-табиат гўзаллиги, нафислиги, беғуборлиги ҳиссиёти билан боғлиқ.

- Она табиатнинг ўзига ҳурмат;
- она-Ватанга ҳурмат;
- она– Ватан элига ҳурмат;
- она табиат ҳайвонот оламига ҳурмат;
- она табиат ўсимликлар оламига ҳурмат;
- она табиатнинг ер ости ва ер усти бойликларига ҳурмат.

Умуман, жамият тараққиётининг энг мукаммал ютуқларидан бири бўлган демократиянинг омилларидан бири ҳам шахсларнинг ҳақ-

ҳуқуқларини, эркинлигини ҳурмат қилишга асослангандир. Лекин бу, ўзгаларнинг дини, эътиқоди, миллати, урф-одатлари, анъаналарини беҳурматлик қилиш, оёқости қилиш кабиларни чеклаш, чегаралашни ҳам қамраб оладики, айрим бу сингари ахлоқий нормаларнинг бузилиши ҳуқуқбузарлик сифатида судда кўрилиши ҳамда айбдор саналган шахс ёки гуруҳ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин³⁸. Демак, ҳурмат, эҳтиром тушунчаси маълум маънода қонуний кучга эга тушунчалардан бири, деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг мафкуравий бўшлиқ юзага келди, шу сабаб истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкурани яратиш масаласи долзарб бўлиб қолди. Зеро, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мақсад³⁹га, миллий истиқлол ғоясига кучли эҳтиёж юзага келган эди. Пировард - натижада халқимизнинг кўп асрлик эзгу орзуларини, жамиятимиз олдидаги олий мақсад ва вазифаларни қамраб олган, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик, одамийлик фазилатларини улар қалбига пайванд қилишга йўналтирилган ҳамда ҳар қандай миллатчилик, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, камситишдан ҳоли миллий истиқлол ғояси шакллантирилди.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг юксак маънавияти, анъана ва удумларига таянади, адолат, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйғуларни акс эттиради. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий тамойиллари, фалсафий негизлари халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари билан, яъни тарихий илдизлари билан уйғунлашиб кетган. Шу маънода, “Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган

³⁸ Ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –239 б.

³⁹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Тафаккур. –Тошкент, 1998. –№ 2.

асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир”⁴⁰. Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар ва тамойилларга асосланади, шу билан бирга, халқимизнинг юксак маънавияти анъана ва удумлари, улуғ бобоқолонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Миллий истиқлол мафкурасининг қоидаларидан бири, хусусан, “миллати ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради”⁴¹. Кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга риоя қилинаётгани кўзга ташланади. Зеро, миллий истиқлол мафкураси ўзбек халқининг ўзига хос табиати, орзулари, интилишларини акс эттирувчи бир қатор миллий хусусиятларни бойитишни мақсад қилади. Мазкур миллий хусусиятлар орасида ота-она, маҳалла кўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат ва эътибор, каттага – ҳурмат, кичикка – иззат; меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотиға эҳтиром алоҳида ўрин тутди⁴². Халқимизнинг неча асрлардан бери шаклланиб, сайқалланиб келган, асраб авайланаётган қадриятлари мавжуд бўлиб, улар ўзлгимизнинг, онгимизнинг, менталитетимизнинг ажралмас бўлаги сифатида қаралади. Айни қадриятларга амал қилмаслик эса халқимиз тарафидан беодоблик, тарбиясизлик, ҳаттоки тассаввурга сиғдириш мушкул бўлган, шарқона, ўзбекона маданият, этикет масалаларига зид ҳолат тарзида қораланади. Халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё, андиша билан бир қаторда соф ўзбекона ҳурмат-эҳтиром ҳиссиётлари мавжудки, айна туйғулар, демак, ўзбекона одоб-ахлоқнинг асосий меъёрларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Ҳурмат категорияси умуминсоний моҳиятга эга, бироқ у миллий менталитетга, урф-одатларга, анъаналарга асосланган ҳолатда намоён

⁴⁰ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б.117.

⁴¹ Ўша асар. –Б. 119.

⁴² Ўша асар. –Б.120.

бўлади. *Соф ҳурмат* туйғуси ушбу ҳиссиёт йўналтирилган объектга ёки предметга ёхуд шахсга боғлиқ ҳолда фарқланади, шу боис, ҳурмат туйғусини моҳиятига кўра қуйидагича гуруҳлаштиришимиз мумкин: Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳурмат, оилавий-маиший ҳурмат, табиатга ҳурмат.

Шунингдек, тадқиқ этилаётган туйғуни юзага келтирувчи омиллар асосида унинг икки тури – *ҳақиқий ҳурмат* ва *сохта ҳурмат* туйғуларини фарқлашимиз мумкин.

Ҳақиқий ҳурмат самимий муносабатлар заминида пайдо бўлади. Ҳақиқий ҳурмат чин дилдан изҳор этилади. Масалан, *Ойижон, илоҳим умрингиз узун бўлсин, бахтимга ўлманг* (Шухрат).

Одатда бадий асарларни ўқиш жараёнида матндан кўрсатилаётган ҳурматнинг чин дилдан экани ёки унинг тилёғламалик экани англашилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романидан олинган лавҳага эътибор қилайлик: «*Қори гавдасига номуносиб ингичка бир товуш чиқариб кулди: - Ҳай-ҳай мендан гап қоладими, Бўтабой ака...*» Ушбу асар лавҳасида қўлланган *гавдасига номуносиб ингичка бир товуш чиқариб кулмоқ* ҳаракат бажарувчисининг муносабати носамимий эканини тушунилади. Айни ҳолат бадий тилда *сохта ҳурматни* ифодалаш усулидир. Шунингдек, мажбурият юзасидан ҳурмат сақлаш ҳам *сохта ҳурматни* билдиради. Мисол учун қуйидаги ҳолатларни кўриб чиқайлик: «*Зунунхўжа ёлғондан қаттиқ кулди: -Бундан чиқди, биз золим бою сиз батрак экансиз-да?* Айни лавҳада Зунунхўжанинг жаҳли чиққани, бироқ ҳурмат юзасидан ўзини тутаётгани матндан маълум, яъни сўзловчининг «ёлғондан кулиб» билдирган мулоҳазасида кесатик, киноя мазмуни мавжуд. Ёйинки: «Сидиқжон қайнонасида бу хилдаги таъналарни кўп эшитган, лекин ҳеч гап қайтармаган эди, бу сафар заҳарханда қилди: - *Ўзи тўймаганнинг салқити қорин оғритади, онажон, сиздан ортади-ю, бизга жир битардимиз!* -деди». Сидиқжон одатга мувофиқ қайнонасини ҳурмат

қилишга мажбур, шунинг учун мурожаатда *онажон* лексемасини қўллаяпти, бироқ аччиқ-кесатиб, ҳам матндан, шунингдек, гапириш тарзи, оҳангидан ҳам билиниб турибди.

Ахлоқ-одоб қонун-қоидаларининг айримлари қонуний кучга эга, яъни маълум бир ахлоқ категорияларига амал қилиш қонун доирасида белгиланган. *Жумладан, ҳурматнинг муайян типлари ҳам ҳуқуқий тушунча сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ҳуқуқ кодексларидан ўрин олган.* Зеро, қонунда белгилаб қўйилган шахс, объектлар, тушунчаларни беҳурмат қилиш, оёқости қилиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Ҳурматни тилда ва нутқда ифодалашнинг бир қанча воситалари мавжуд. Тадқиқ этилаётган ҳурмат тушунчаси лексемалар, бирикмалар, фразеологизмлар, мақол ва маталлар воситасида англашилади. Ўзбек тилида ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш маъносида маълум бир *отлар, сифатлар, феъллар, олмошлар* қўлланилади ҳамда бу сўз туркумларининг синонимик каторлари услубий жиҳатдан, қўлланилиш ўрни, вазиятига кўра фарқланади. Ҳурмат, эҳтиром тушунчасини эмоционал-экспрессив тусда, сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабати асосида ифодалашда фразеологизмлар қўл келади. Ўзбек халқининг ҳурматга бевосита ёки билвосита алоқадор мақоллари ва маталлари эса ота-боболаримизнинг бой тажрибасини умумлаштирган ҳолда, кимни, қачон, қандай ҳурмат кўрсатиш, сохта ва ҳақиқий эҳтиром кўрсатиш каби масалаларни қамраб олади.

Ҳурмат категорияси ижтимоий-лисоний ҳодиса

Тадқиқот объекти бўлган ҳурмат категориясини ифода этишнинг вербал ва новербал (имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар) усуллари кенг қўлланилади, яъни сўзловчи-тингловчи-ўзга муносабатида намоён

бўладиган ҳурматни юзага чиқаришнинг жисмоний – ножисмоний воситалардан кенг фойдаланилади.

Ҳурмат категориясининг воқеаланиш ҳолатлари таҳлили шуни кўрсатадики, унинг тилдаги ифодаси турли даражада реаллашади. Албатта, ўзбек миллатининг менталитетига хос бўлган ҳурмат тушунчаси бошқа миллатлардаги айти тушунчани англашдан анчайин фарқ қилади. Бу ҳолда, сўзсиз, новербал спецификлик мавжуд. Шу билан бирга, ифодаланиш усули, ўрни, шаклига кўра ҳам ўзбек тилидаги ҳурмат категориясида ўзига хослик кузатилади. Бу ўринда ўзбекона ҳурмат ва сизлаш тушунчалари, ҳурматнинг даражаланиши, унда миллий мулоҳаза, анъана, урф-одатларнинг аҳамияти алоҳида эътиборни тақозо этади.

Ҳурмат категориясининг лисоний-нутқий тавсифи

Ҳурмат категорияси шаклланиши ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда муайян ахлоқий-руҳий туйғуни, тушунчани, ижобий модал муносабатни ифодалайди. Ёшларнинг ҳурмати – қарз, қарининг ҳурмати – фарз» (мақол) ҳикматининг ўзиёқ ҳурмат энг қадимий умумахлоқий, умуминсоний туйғулардан бири эканлигини кўрсатади. *Ҳурмат – юксак инсоний бурч, одоб, ахлоқ, маънавият ва маданият сифатида шакланган: инсонни сизлаш, улуғлаш ва ҳурматлаш; инсоннинг меҳнатини, эл-юрт олдидаги хизматларини ҳурматлаш; инсоннинг илмини, билимини, касб-корини, ҳунарини, ижодкорлигини, иқтидорини, имонини, зукколигини, ишбилармонлик, тадбиркорлик, элсеварлик, юртпарварлик, бағрикенглик, саховатпешалик каби юксак фазилатларини ҳурматлаш.*

Ойбекнинг «Нур қидириб» асарида қуйидаги ҳикматни ўқиймиз: «*Меҳнатга ҳурмат ахлоқнинг энг юксак дастурларидан биридир*».

Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеърида ҳурмат тушунчаси ва унга оид маънолар энг аввало инсон, унинг меҳнат фаолияти ва гўзал фазилатлари билан боғлиқлиги яна бир бор таъкидланади:

Мулки борлиқ ичра *бир маҳал*,

Кўрксизгина *олам яралган*.

Бермоқ учун *оламга сайқал*,

Оламаро *одам яралган*.

Шундан бери *инсон тинмайин*

Шу ер узра *тер тўкар ҳамон*.

Ерни гўзал қилгани учун

Гўзал бўлур ўзи ҳам инсон!

Унинг гўзал фазилати – гўзал меҳнатидадир; меҳнат – барча гўзалликлар манбаи. Демак, ҳурматнинг асосий бир қисмини гўзаллик туйғуси ташкил этади. Инсоннинг ҳар доим ҳурматда, ҳар доим иззатда, ҳар доим эътиборда бўлишининг бош сабаби мана шунда – ҳалол меҳнатидадир; ҳурмат категориясининг моҳиятини ойдинлаштирувчи далилларни кўплаб келтириш мумкин. Кўринадики, инсонга бўлган улкан ҳурмат даставвал унинг бунёдкорлик ва ижодкорлик меҳнати эвазигадир. Шунинг учун инсон меҳнати асосий ҳурмат белгиларидан ҳисобланади.

Ҳурмат категорияси кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг у ёки бу қирралари, юқорида кўрганимиздек, бошқа фанлар билан ҳам узвий алоқадор. (Бу ҳақда қисман юқорида гапирилди). Биз мавзудан кўп узоқлашмаслик мақсадида унинг лисоний-нутқий жиҳатлари ҳақида қисқа фикр юритиш билан чекланамиз.

Азим Ҳожиёв томонидан тузилган “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да ҳурмат категорияси билан боғлиқ қуйидаги маълумотларни учратамиз:

“*Ҳурмат, иззат, эҳтиром*. Ўзганинг (ўзгадаги) кадрлаш, улуғлаш сезгиси ва шу сезгининг ифодаси. *Эҳтиром* оддий сўзлашувда қўлланмай, китобий тилда ҳам кам қўлланилади.

Ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ, иззат қилмоқ, сийламоқ. Иззат-ҳурмат ҳисси билан муносабатда бўлмоқ. *Сийламоқ* маънони кучсизроқ даражада ифодалайди.

Ҳурматли, иззатли, муҳтарам. Ҳурматга лойиқ, иззат-обрўга эга. *Иззатли* сўзи ҳурматли сўзига нисбатан кам қўлланади. *Муҳтарам* сўзи китобий”.⁴³

Келтирилган далиллардан олинадиган хулоса шундаки, луғатда ҳурмат категориясига хос жиҳатлар синонимия таълимоти асосида қисқа, аммо лўнда қилиб кўрсатилган: ҳурмат категориясини ифодаловчи воситалар уч хил синонимик қаторда кўрсатилган:

- а) отли синонимик қатор (ҳурмат – *доминанта*);
- б) феълли синонимик қатор (ҳурматламоқ - *доминанта*);
- в) сифатли синонимик қатор (ҳурматли – *доминанта*).

Ҳар бир синонимик қаторни тилимизнинг ҳозирги тараққиёти даражасини ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантириш ва бойитиш мумкин. Чунки *эҳтиром* каби сўзлар кундалик турмушда ҳам, оддий сўзлашувда ҳам кенг қўлланмоқда; *Муҳтарам* сўзи эса китобийликдан чиқиб, умумқўлланиш меъёрига ўтмоқда;

Энг муҳими, *ҳурмат доминантасининг* синонимик қатори *эҳтиром, эъзоз, икром, иззат, азиз, қадрдон* каби лексемалар билан кенгаймоқда ва бойимоқда. Айниқса, *ҳурмат* маъносини *бўрттириш, ҳурмат даражасини орттириш* мақсадида *ҳурмат* семали сўзларнинг жуфт ҳолда қўлланиши диққатга лойиқдир: *ҳурмат-иззат, иззат-икром* каби в.б. Мисол: Доим *иззат-икромда* юравериб ўрганиб қолибсиз шекилли, сиркангиз сув

⁴³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –Б. 272.

кўтармаяпти. (О.Ёкубов). Маҳалламизда нуронийлар *ҳурмат-иззатда*, камолатчилар эса хизматда (газетадан).

Ҳурмат категорияси ва унинг воқеланиши тил қурилишининг барча сатҳларида учрайди. Ушбу категория кўп қиррали ижтимоий-лисоний ҳодиса бўлганлиги учун унда муштарак ҳолатлар кўп учрайди. *Ҳурматли устозим, мўътабар онахонлар, муҳтарам ҳожилар, азиз ҳамкасблар* каби қўлланишларда ҳурмат маъноси *синтактик усулда*, сўз бирикмалари шаклида ифодаланган бўлиб, *ҳурматли, мўътабар, муҳтарам, азиз* каби сўзлардаги ҳурмат маъноси *устоз, она, ҳожи ва ҳамкасб* лексемаларининг маъноси билан уйғунлашиб кетган. Шунингдек, *-им эгалик аффикси*, *-хон* аффиксоиди ва *–лар* аффикслари ҳурмат даражасининг ортиши учун хизмат қилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбек тилида ҳурмат категориясининг ифодаланиши нутқнинг лисоний (лингвистик) ва нолисоний (экстралингвистик) жиҳатлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Лисоний ва нолисоний омиллар кўпроқ муштарак ҳолда иштирок этади.

Демак, ҳурмат ифодаловчи воситаларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

а) лисоний воситалар: аффикслар, аффиксоидлар, лексемалар, фраземалар, синтаксемалар (сўз бирикмалари ва гаплар) ва бошқалар.

б) нолисоний воситалар: нутқий вазият, омил ва имкониятлар, жест-мимика ҳаракатлари, ранг-тасвир воситалари) в.б.

Қиёсланг: а) *ҳурматли отахон!* (ҳурмат маъноси, даражаси лисоний имконият яъни лексик-грамматик воситалар орқали бўрттириб ифодаланган); б) *отахон, қани, тўрга (юқорига) марҳамат!* (ҳурмат даражаси, лисоний-нутқий имконият, шароит ва вазият, матн қуршови воситалари бўрттириб ифодаланган. Келтирилган *ҳурматли отахон* мисолида *соф ҳурмат* маъноси тўлиқ даражада *–ли* қўшимчаси ва *–хон* аффиксоиди воситаларида воқеланган; иккинчи мисолда эса ҳурмат

даражасини янада орттириш учун *қани, тўрга* лексемалари иштирокида муҳим нутқий вазият, лисоний омил вужудга келган: натижада ҳурмат мақоми тўрт карра бўрттириб ифодалангандир.

Ҳурмат категорияси асосан инсонга самимий муносабат, *уни эъзозлаш, улуглаш, азизлаш* муносабатини билдиради. Инсонни *эъзозлаш* муносабати турлича йўналиш ва хилма хил усулларда ва шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- *Сизсираш, сизлаш* усулида: Бу саволга сиз жавоб бера қолинг.
- *Эркалаш* усулида: Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати ўғилгинам.
- *Рағбат, мақташ* усулида: Сиз жамоамиз ишончини тўла оқладингиз.
- *Кўнгил кўтариш* усулида: *Аёлларга гул тақдим этиш*;
- *Севинч, хурсандчилик* усулида: Раҳмат, сиздан жуда миннатдормиз.
- *Байрамларда табриклаш*: Азиз онажонлар, опа-сингиллар, байрамингиз қутлуғ бўлсин.
- *Беморлардан хабар олиш*: Сиз, албатта соғайиб кетасиз, бардам бўлинг.
- *Кексаларни зиёрат қилиш*: Отахон, умрингиз узоқ бўлсин, фарзандларингиз камолини кўринг.
- *Эътибор бериш, қадрлаш* йўсинида. Сизнинг қилган ишларингиз эътиборга лойиқ топилди.
- *Севиш, суюш* йўсинида. Бунда *ҳурмат ва муҳаббат* сўзлари бири-бирига синоним бўлиб қолади; севги йўналишда белгиланган ҳурмат туйғуси *муҳаббатга* айланади; чин, соф инсоний севги-муҳаббат илоҳий, самовий ҳурмат билан боғланади (яқунланади).

Мазкур миқдорни (тартибни) янада давом эттириш мумкин: чунки ҳурмат маъносини ифодаловчи лисоний ва нутқий шакллар тилимизда турлича кўринишларда кўплаб учрайди, улар миқдорини чексиз давом эттириш мумкин.

Хурматлаш ва сизлаш тушунчалари

Хурмат категорияси тарихан *сизлаш*, *сизсираш* муносабатларининг туғилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Бироқ хурмат тушунчаси олдин пайдо бўлганми, ёки *сизлаш*, *сизсираш* тушунчасими? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Аммо *хурмат ва сизлаш* муносабатлари ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, тафаккур маҳсули саналади, тилда воқеланади, нутқда реаллашади⁴⁴. Қўлимиздаги далилларнинг дастлабки таҳлили шуни кўрсатадики, *хурмат тушунчаси ва муносабати сизсираш*, *сизлаш* тушунчаларига нисбатан кенгроқ қўлланади: хурмат ҳар уч шахсга нисбатан қўлланади, *сизлаш*, *сизсираш* кўпроқ иккинчи шахс билан боғланади. Бу – масаланинг бир томони, холос. Хурматлаш ва сизсираш, *сизлаш* туйғулари модал маъно сифатида баробар (параллел) ривожланган. Бу эса – алоҳида муаммо!

Илмий адабиётларда таъкидланишича⁴⁵, хурмат формаси –лар эгаликнинг II шахс кўплик шаклидаги –з (-из) ўрнига келган: -нгиз, -ингиз – нингизлар/ингизлар –нглр, -инглр⁴⁶ -з (-из) аффикси тарихан *иккилик кўплик* кўрсатгичи сифатида қўлланган; -лар эса *энг янги кўплик* аффикси саналган.⁴⁷ Демокчимизки, хурмат формаси –лар нинг эгалик категорияси билан ҳам, сон категорияси билан ҳам боғлиқлик жиҳатлари мавжуд. Қиёсланг: Тошкент ш.: бувимла келдила / бувим келдилар.

Фарғона ш.: бувимлар келишди /бувим келишди. Демак, хурмат формаси –лар ҳар икки, яъни сон ва эгалик категориялари билан узвий алоқадор; *иккилик сон кўрсатгичи*, яъни кўпликнинг *архаик формаси* –з

⁴⁴ Юсупов Б. Юкоридаги асар. –Б. 19, -21,- 25.

⁴⁵ Дмитриев Н.К. Категория принадлежности. ИСГТЯ, Ч.П. -М., 1956. –33 с.; Назаров К. Ўзбек халқ шеаларида эгалик аффикслари.: Филол.фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1963. –316 б.

⁴⁶ Қаранг: Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. -Тошкент, 1994. -56 б.; Ўзбек тили грамматикаси. 2 жилдлик, –Тошкент: Фан, 1975. 1-ж, -Б. 187-188.

⁴⁷ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1975. 1-ж, -Б. 87-189.

нинг ҳам ҳурмат, ҳам кўплик маъноларини ифодалаши юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Маълум бўладики, ҳурмат маъноси сиз тушунчаси ҳамда эгалик, кўплик, шахс-сон, майл категориялари билан узвий боғлиқ. Унинг эгалик категорияси билан узвий ва яқин алоқада бўлиши, ундан ўсиб чиққанлиги мазкур категорияда тарихан *нисбатлаш усули* кенг ҳукмрон бўлганлигини кўрсатади.

Бинобарин, ҳурмат категорияси сўзловчининг тингловчи ва ўзга шахсга ижобий муносабатини муайян усулда ва турли даражада ифодаладиган ҳамда қўлланиши, вазифаси ва мазмуни ижтимоий омилга боғлиқ бўлган формалар тизимидир. Ҳурмат категориясининг семантикаси ва функцияси (қўлланиши, вазифаси, мазмуни ва шаклланиши) отлардаги сон,⁴⁸ эгалик,⁴⁹ субъектив баҳо шакллари,⁵⁰ феъллардаги шахс-сон, майл, замон категориялари билан узвий боғлиқдир. Ҳурмат категорияси юқорида саналган ва бошқа лексик-грамматик ҳодисалар билан муштарак жиҳатларга ҳам эгаки, буни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бинобарин, тилдаги бирон бир ҳодисани унинг қуршови билан бўлган муносабатини таҳлил қилмай туриб, тушуниб ҳам тушунтириб ҳам бўлмайди⁵¹.

Ҳурмат категориясининг воқеланиш омиллари

Ўзбек тилидаги ҳурмат категориясини махсус илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганиш XX асрнинг 90-йилларидан бошланди, десак хато бўлмайди⁵².

⁴⁸ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент, 1944. –56 б.

⁴⁹ Назаров К. Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари.: Филол.фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 1963. –316 б.

⁵⁰ Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1980. –165 б.

⁵¹ Икромова Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик-аналитик ва функционал формалари. –Тошкент: Фан, 1985, –120 б.

Хурмат ижтимоий-лисоний категория бўлганлиги учун унинг мазмун-моҳияти ва функцияси (вазифаси, қўлланиши, шаклланиши) *ижтимоий омил* билан белгиланади⁵³. *Ижтимоий омил* деганда энг аввало нутқ акти аъзоларининг статуси, яъни ижтимоий ва ижтимоий-демографик турғун белгилари ҳамда ижтимоий роли назарда тутилади⁵⁴. *Ижтимоий рол* деганда коммуникатив муносабат (нутқ акти, мулоқот хулқи, фикрлашув, алоқа-аралашув) аъзоларининг шарт-шароит (матн) ва вазият билан боғлиқ белгилари тушунилади. *Шунга кўра коммуникация аъзоларининг қайси синф, табақа, гуруҳга мансублиги, ёши, касби, жинси, маълумоти* каби ижтимоий белгилар биринчи даражали омил ҳисобланади; *бошлиқ-ходим, раҳбар-хизматчи, устоз-шогирд, ота (она)-фарзанд, эр-аёл, дўст-дўст, таниш-нотаниш, кекса-ёш, қуда-қуда, қуда-қудагай, маҳалла-маҳалладош* каби белгилар иккинчи даражали омил саналади; коммуникациянинг *вақти, ўрни, шароити, вазияти* кабилар эса учинчи даражали омилдир. Хурмат категориясининг мазмуни, шакли, ифодаси ва усули биринчи навбатда ана шу факторлар билан белгиланади. Шу муносабат билан ҳурмат категорияси ҳақида берилган қуйидаги *таърифни* эътиборга олиш айтиш муддао бўлар: “Хурмат категорияси сўзловчининг тингловчи ва ўзга шахсга ижобий муносабатини турли даражада ифодаладиган ҳамда қўлланиши ижтимоий омилга боғлиқ бўлган формалар системасидир”.⁵⁵ Таъриф ҳурмат категориясининг моҳиятига анча мос келади: бу, - биринчи қадам. Лекин биз тўплаган далиллар ва уларнинг таҳлилига кўра, тилимизнинг кейинги 15 (ўн беш) йиллик тараққиёти, айтиқса, кишиларимиз ҳаётидаги (онги, тасаввури, ижтимоий-сиёсий савиясидаги) дунёқарашидаги туб ўзгаришлар, маданият, маърифат, маънавият ва диний-маърифат оламидаги ислохотлар),

⁵² Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси, –Тошкент: Ған, 1990. –111 б.; Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусиятлари.: Филол.Ғанлари номзоди... дис. 2001. –130 б.

⁵³ Қаранг: 1-илова.

⁵⁴ Зикриллаев Ғ. Юқоридаги асар, –Б. 22.

⁵⁵ Зикриллаев. Ғ. Ўша асар. –Б. 23.

озодлик, тинчлик, барқарорлик, сахийлик, бағрикенглик каби миллий истиқлол гояларининг кенг тараннум этилиши ҳурмат категориясининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ролини оширди ва қўлланиш доирасини янада кенгайтирган. Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ҳурмат бошқа ҳодисалар каби, оппозиция – диалектик зиддият асосида ривожланади: ҳурматнинг таркибида ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида *ижобий ва салбий* семалар мавжуд бўлади: *обрўли шахс-беобрў шахс* каби ҳурмат маъноси дастлаб нейтрал ҳолат билан қиёсланади: *отам* (оддий даражали ҳурмат), *ҳурматли отам* (I даражали ҳурмат маъноси), *ҳурматли отажоним* (II даражали ҳурмат маъноси), *ҳурматли отажонгинам* (III даражали ҳурмат маъноси), *ҳурматли жондан азиз, отагинам* (IV даражали ҳурмат маъноси). Ҳурматли, азиз отажонгинам (V даражали ҳурмат маъноси). Кўринадики, ҳурмат маъноси ўз ичида ҳам табақаланмоқда⁵⁶. Яна қиёсланг: *қадрдон дўстим – қадрли дўстим* (ҳурмат семаси қадрдон сўзида кучлидир). Демокчимизки, таърифдаги “*ижобий муносабат*” ибораси ўрнига “*модал муносабат*” ибораси ишлатилса, таъриф янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Модал муносабат салбий ва ижобий муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Ҳурмат эса модал муносабатнинг *асосини*, катта бир қисмини ташкил этади. Демак, ҳурмат муносабати сўзловчи, тингловчи ва ўзга шахслар ўртасидаги модал муносабатдир.

Ўзбек тилида ҳурмат-ҳурматсизлик муносабатининг ифодаланиши. Ҳурматда оппозиция

Ҳурмат категорияси ва унинг воқеланиши ҳам зиддият қонуниятига асосланади. Шунинг учун ҳурмат категориясининг зидди бўлмиш *ҳурмат-*

⁵⁶ Қаранг: 6- илова.

сизлик ҳодисаси ҳақида гапиришдан аввал *ҳурмат оппозицияси* ҳақида қисман тўхтаб ўтишни жоиз кўрдик.

Юқорида таъкидланганидек, *ҳурмат* категорияси “*сўзловчи-тингловчи-ўзга*” шахслар ижтимоий-аралашув муносабатларининг *диалектик боғлиқлиги*, алоқадорлиги заминиди вужудга келади ва ривожланади. Бунда ўзига хос *ҳурмат оппозицияси* мавжуд бўлиб, турли хил йўллар билан воқеланади, хилма-хил усулларда (лексик-семантик, грамматик, синтактик-стилистик каби) ва шаклларда воқеланади. Жумладан, *бообрў-беобрў, обрў-ли-обрўсиз: эътиборли-эътиборсиз...* каби қўлланишларда *ҳурмат семантик зидлаш* оппозицияси; Қани *қўзичоқ*, қўлингни ювиб олгин... (С.Зуннунова). Йиғлама, *бекачим*, - деди Тўйбека. (А.Қодирий). Тирикми-сан, *бўталогим...* (Х.Тўхтабоев) кабиларда *морфологик зидлаш* (“Эркалаш-кичрайтириш”) оппозицияси; “Қизим *жажжигина* экан (А.Қодирий), *...вазифани Салимгина уддалай олди*” кабиларда “эркалаш - таъкид” ёки “эркалаш-ажратиш” – услубий оппозициялар мавжуд.

Ҳурмат категориясида “*ҳурматлилик-ҳурматсизлик*”, “*сизлаш-сенлаш*” оппозициялари етакчи ўринда туради ва турлича кўринишларда учрайди.

Ҳурматдаги оппозиция (чоғиштириш, қиёслаш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш, зидлаш, улуғлаш, мақташ каби ва бошқалар) ижобий-салбий муносабатлар заминиди қурилади ва ижтимоий-лисоний жиҳатга эга бўлади.

Жамиятда инсонлар ўзаро ижтимоий-ахлоқий, иқтисодий, маданий, фалсафий, ҳуқуқий, маърифий ва маънавий каби турлича муносабатларда бўладилар. Бу муносабатлар ўзининг табиатига кўра ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Бу сифатлар бир ҳодисанинг ажралмас икки томони бўлиб, ўнг ва сўл жиҳатни ташкил этади.

Ҳар икки муносабат ҳам оилада шаклланиб, жамиятда ривож топади. Ҳурмат-ҳурматсизлик муносабатлари, ахлоқ-одоб тарбияси билан боғлиқ. Ҳурмат тушунчаси маънавиятнинг гултожи саналади. Мазкур ўринда биз ҳурматсизликнинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари қисқача бўлса-да,

ёритишга ҳаракат қиламиз. Шундагина ҳурматнинг моҳияти аниқроқ ва кенгроқ намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Тил одамлар орасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситаси бўлганлиги учун қандай бўлмасин хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин - барчаси улар тилида, нутқида реаллашади.

Кишилар орасидаги бу хилдаги муносабатларни (субъектив муносабатларни) ўзбек тилида баъзи морфологик кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаш мумкин. Ҳурматсизлик-кесатиш, киноя, пичинг, камситиш, менсимаслик, таҳқирлаш каби маънолар ҳам айрим морфологик кўрсаткичлар, матн қуршови ва интонация (оҳанг) ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бунда ҳурматсизлик воситалари ва маънолари ҳурматга зид қўйилган бўлади, уларнинг ҳурматсизлик даражаси унга нисбатан белгиланади.

Ҳурмат воситалари *баъзан* ҳурматсизлик учун қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, ҳурмат кўрсаткичи – *лар аффикси* баъзан камситиш, кесатиш, пичинг, киноя маъносини ифодалаш учун ишлатилиб, сўзловчининг воқеликка муносабатини билдиради⁵⁷.

...Бу манман, ғийбатнинг уяси бўлган одамни кўриб, *ана кутиб олинглар, табиати нозик одамлар келишди...* (Саодат)

Бир бой ўзига мақбара солдирибди. Мақбара битгандан кейин устани чақириб: *“Қани айт, бу иморатнинг мукамал бўлиши учун яна нима етишмайди”* - деб сўрабди.

Шунда уста:

- Фақат *жасадлари*, холос,-деб жавоб берибди. (Афанди латифаларидан).

- лар кўрсаткичи асосан кўплик маъносини ифодалайди. Унинг ҳурмат-ҳурматсизлик маъноларини ифодалаши матн қуршовидан, нутқ вазиятидан англашилади. Бу қонуният бошқа грамматик воситалар учун ҳам тааллуқлидир. Чунончи, кичрайтириш қўшимчаларининг ҳурматсизлик маъноси ҳам юқоридагидек матн қуршови, нутқ вазияти ва лексема шакли асосида

⁵⁷ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент, 1944. –56 б.

белгиланади. Булар таҳлилга тортилган қуйидаги мисолларда очик кўринади:

- *ча* *аффикси*⁵⁸ маълум контекстда манманлик, такаббурлик, кесатиш, ҳазил аралаш камситиш, киноя маъноларини англатади.

Масалан: ... *Хуш кептилар, ойимча*. (Ғ.Ғулом).

Ишдан қайтиб, *хотинчамиз* қачон келаркинлар деб, эшик пойлаб ўтирар эканмиз-да (Оғзаки нутқ).

Эй-й, Содиқча, сен ҳали нимани кўрдинг-ку, нимага ишондинг.... (А.Қодирий).

Кесимлиликини кўрсатувчи – *сиз морфемаси* ҳам интонация (оҳанг) ёрдамида ўрни билан камситиш, киноя, масхаралаш каби маъноларни англатиши мумкин.

Масалан: *Хон афандига қозидан “Сиз аҳмоқ одам эмассиз”* - деб кечирим сўрашни тавсия этганда Афанди розилик билдириб: *“Қози, сиз аҳмоқ одам эмассиз”* - деб кечирим сўраган экан. (Афанди латифаларидан).

- *м* *аффикси*⁵⁹ ҳам баъзи ўринларда беҳурматлик, камситиш, пичинг каби маъноларни ифодалайди. Феъл ҳам -лар кўрсаткични олади.

Масалан: ... *“Хўш оинам, бунисига нима дейдилар”*, - деди пичинг ва ғазаб билан. (А.Қаҳҳор).

“Хўш сизга нима қилиш керак, ўқимишли акам”, - деди киноя билан Йўлчи. (Ойбек).

Азизим, сиздақаларни мен ҳаётда кўп учратганман. ... (Шуҳрат).

- *жон аффиксоиди*⁶⁰ ўрни билан матн қуршовида интонация ёрдамида

⁵⁸ Ҳозирги ўзбек тилида –ча аффикси икки хил вазифада қўлланади. а) сўз ясовчи сифатида равиш ясайди: ўзбекча, форсча, янгича; б) форма ясовчи сифатида отларнинг кичрайтириш-эркалаш, ҳурматсизлик каби шакллари ҳосил қилади: уйча, китобча, қизча, ойимча, хонимча, хотинча...каби. Бу ҳақда тўлароқ маълумотни ўзбек тили грамматикасига оид илмий адабиётлардан, хусусан, Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясаши. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –80 б.; Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари.. –Тошкент: Фан. –120 б. китобларидан олиш мумкин.

⁵⁹ -м (-им) 1 шахс эгалик аффикси. Бу ҳақда тўлиқ маълумотни ўзбек тили грамматикасига оид илмий асарлардан олиш мумкин.

⁶⁰ Бу ҳақда қаранг: Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. –Б. 41.

пичинг, камситиш, киноя каби маъноларни англатиши мумкин.

Масалан: *Ҳамма бало шу укажонимиз Нодиржондан чиқди.*

Анваржон катта бўлибдими, ўзи битта шу кам эди. (А.Қодирий).

- *лоқ аффикси*. Баъзан бу аффикс орқали ясалган шакл матнда ёш жиҳатдан кичикликни қайд этиш билан бирга, сўзловчининг унга нисбатан паст назар билан қараши, менсимаслиги каби маъноларни ҳам беради: Одамларга ҳам ҳайронсан, кўзларига фаришта бўлиб кўриндими дейман, бу қизалоқ... (Шарқ юлдузи, 1990).

- *хон аффиксоидди*⁶¹ матн қуршовида ва интонация ёрдамида ҳурматсизлик маъноларини ифодалаши мумкин.

Масалан: *Хўш, акахон қалайсиз энди.* (Т.Малик).

Шоҳида, Шоҳидахонлигингизга бориб, зап иш қилдингизда, ҳаммамиз бирваракайига мулзам бўлдик. (Оғзаки нутқ).

Юқорида таҳлилга тортилган мисоллардан аён бўлдики, ҳурматсизлик-бетакаллуфлик, менсимаслик, киноя, пичинг, камситиш, таҳқирлаш маъноларини англатувчи махсус аффикслар, яъни синтетик birlikлар ўзбек тилида ўрганилган эмас. Мисолларда келтирилган аффикс ва аффиксоидлар англатган маънолар уларнинг асосий маъноси эмас. Шуларни эътиборга олиб, ўзбек тилида ҳурматсизлик маъносини берувчи махсус синтетик birlikлар ҳали аниқланган эмас, десак бўлади.

ҲУРМАТ КАТЕГОРИЯСИНИНГ МОРФОЛОГИК - ГРАММАТИК ИФОДАЛАНИШИ

Ҳурмат нутқини ифодаловчи восита ва шакллар

Ҳурмат нутқи коммуникатив birlik сифатида ўз лисоний-нутқий омиллари, имкониятлари ва турлича воситаларга эга. Ҳурмат маъносининг

⁶¹ Икромов Р. Ўша китоб. –Б. 48.

ифодаланишида ўзига хос парадигматика мавжуд. Қуйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрайлик.

Ўурматли онажоним келдилар.

Бу ҳурмат нутқи парчаси атов бирлиги сифатида уч сўздан (лексемадан) ташкил топган; ҳурмат маъноси *ҳурматли, жон, -им* ва *-лар* кўрсаткичлари воситасида ифодаланган; лексемалар сифат, от ва феъл туркумларига мансуб бўлиб, ҳар бирида ҳурматни муайян даражада акс эттирувчи белгилар мавжуд.

- Ҳурматли она (оддий ҳурмат)
- Ҳурматли онажон (1 даражали орттирилган ҳурмат)
- Ҳурматли онажоним (2 даражали орттирилган ҳурмат)
- Ҳурматли онажоним келдилар (3 даражали орттирилган ҳурмат)

Мазкур коммуникатив бирлик муайян лисоний қолип (формула) асосида вужудга келган: “ҳурмат йўналтирилган лексема + эгалик аффикс + предикат лексема + ҳурмат аффикси”: онам келдилар.

1-жадвал

Лексема	эгалик аффикси	Предикат лексема	ҳурмат аффикси
она	- им	Келди	-лар

Бунда ҳурматнинг нисбатланиши қуйидагича бўлади.

Бирлик

- I ш. Онам келдилар
II ш. Онанг келдилар
III ш. Онаси келдилар

Кўплик

- Онамиз келдилар
Онангиз келдилар
Оналари келдилар

Ҳурматнинг ушбу лисоний модели чексиз микдордаги нутқий кўринишларга эгадир. Масалан, синтактик усулдаги оддий ҳурмат шакли *ҳурматли она*: меҳрибон она, жонажон она, эътиборли она, жонкуяр она,

иззатли она, мўътабар она, мухтарам она... каби кўплаб кўринишларда воқеланади.

Яна: Хурматли *онажон* // *онажоним* // *онажонгинам*

Хурматли *онахон* // *онахоним* // *онахонгинам*

Хурматли *онаш* // *онашим* // “она-бибиш”) // *онашгинам*

Маълумки, эгалик категорияси нарса-предметнинг уч шахсдан бирига қаратилганлигини, тегишли эканини билдиради; бундай ҳолларда ҳурмат субъектга (сўзловчига) тегишли бўлган предмет орқали (воситасида) йўналтирилади: а) эгалик аффикслари сўзловчининг шахс ва сонини билдиради. б) ҳурмат маъноси эса ҳурмат ифодаловчи грамматик восита (*ҳурматли* лексемаси) орқали ифодаланмоқда.

Агар “Онажоним келдилар” шакли бўлса, ҳурмат *–лар* воситасида ифодаланган бўлади.

Бундай ҳолларда, яъни ҳурмат маъноси *ҳурмат кўрсаткичи –лар* воситасида воқеланганда, ўзга воситалар ҳурмат даражасининг ошириш, таъкидлаш, бўрттириш каби нисбий (қўшимча) маъноларни ифодалайди: демак, соф ҳурмат билан нисбий ҳурмат уйғунлашади;

Шартли равишда лисоний-нутқий жиҳатдан ҳурмат воситаларини иккига бўлиш мумкин.

а) соф ҳурмат воситалари: *–лар* ҳурмат формаси; *–ингиз*; сизлаш формаси; «эгалик қўшимчаси+–лар»; «шахс-сон қўшимчалари+–лар»;

б) нисбий ҳурмат воситалари: - юқоридаги саналгандан бошқа воситалар: лексемалар, кичрайтириш – эркалаш аффикслари в.б.

“Меҳрибон онажонгинам келдилар” мисолида *–лар* – соф ҳурмат кўрсаткичи, *меҳрибон*, *–жон*, *–гина*, *–им* лар эса нисбий ҳурмат кўрсаткичи ҳисобланади. (Булар ҳақида қуйида батафсил гапирилади).

Ҳурмат маъносининг II ва III шахс кўплик сонда ифодаланишида айрим ўзига хос жиҳатлар, услубий айримликлар, нозикликлар мавжуд. Булардан баъзиларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

II шахс кўпликдан *Онангиз келдилар* нутқий бирлик, онангизлар келдилар, онангизлар келди, онанглар келди, онанг келдилар шаклларида ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ҳолларда –из қўшимчаси *сизлаш* маъносини, -лар эса ҳурматни билдираверади.

III шахс кўпликда ҳурмат нутқ вазияти, усули, имконияти ва шартига қараб онаси келдилар, оналари келдилар, оналари келди каби шаклларда ҳам учрайди. Фарғона тип шеваларида онаси келишди // *оналари* келишди шакли ҳам учрайди.

Юқоридаги таҳлил қаторлари (парадигмалар) шуни кўрсатадики, ўзбек тилида ҳурмат категориясининг лисоний-нутқий ифодаланиш имкониятлари кенг; бир лисоний модел (қолип) ўндан ортиқ нутқий шаклда намоён бўла олади. Синтактик усулда қолипланган **а з и з у с т о з** бирикмасини нисбатлаб кўрайлик.

Азиз устоз (нейтрал ҳурмат)

Азиз устоз	Бағрикенг устоз
Мўътабар устоз	Элсевар устоз
Муҳтарам устоз	Юртпарвар устоз
Табаррук устоз	Саховатли устоз
Қадрдон устоз	Саховатпеша устоз
Қадрли устоз	Одил устоз
Ҳурматли устоз	Адолатпеша устоз
Суюкли устоз	Эътиборли устоз
Меҳрибон устоз	Эътиқодли устоз
Жонкуяр устоз	Эъзозли устоз
Раҳмдил устоз	Хушмуомала устоз
Талабчан устоз	Кўнгилчан устоз
Ишчан устоз	Ширинсуҳан устоз
Билимдон устоз	Дилбар устоз
Зукко устоз	Куйинчак устоз

Агар ушбу қаторни, нейтрал ҳурмат-шаклнинг эгалик категорияси заминида нисбатлаб, шахс ва сон жиҳатларини ўргансак, ўзбек тилида ҳурматнинг лисоний-нутқий шакллари кўплаб учрашининг гувоҳи бўламиз.

2-жадвал

Ҳурмат нутқий бирлиги	Эгалик аффикси билан нисбатлаш		
	Шахс	Бирлик	Кўплик
Азиз устоз	1-шахс	Азиз устозим	Азиз устозимиз
	2-шахс	Азиз устозинг	Азиз устозингиз
			Азиз устозинглар
			Азиз устозингизлар
			Азиз устозларинг
	3-шахс	Азиз устози	Азиз устози
			Азиз устозлари
Эътиборли она	1-шахс	Эътиборли онам	Эътиборли онамиз
	2-шахс	Эътиборли онанг	Эътиборли онангиз
			Эътиборли онанглар
			Эътиборли онангизлар
			Эътиборли оналарингиз
	3-шахс	Эътиборли онаси	Эътиборли оналари

Ҳурмат нутқи парчасини «Азиз устоз келдилар» шаклида – предикатив бирлик тарзида олиб, эгалик категорияси билан нисбатласак, ҳурматнинг нутқий ифода усуллари ва шакллари кўплаб эканлиги намоён бўлади:

Азиз устозим (устозимиз) кеча келдилар.

Азиз устозинг (устозингиз), (устозинглар), (устозларинг) кеча келдилар.

Азиз устози (устозлари) кеча келдилар.

Мисоллардан маълум бўлдики, ҳурматнинг отларда эгалик категорияси билан воқеланиши унинг феъллардаги сон ва шахс категориялари билан ифодаланишидаги сингари кўплаб турли туман шаклларда учрайди.

Хурматнинг маъноси ифодаланишининг лисоний-нутқий усуллари

Хурмат категорияси ижтимоий-руҳий-лисоний ҳодиса бўлганлиги учун тил қурилишининг барча сатҳларида учрайди. Бироқ унинг воқеланиш усули, лисоний-нутқий воситалари, имкониятлари, шароитлари ҳар бир сатҳда ўзига хос хусусиятга эга бўлади, ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Хурмат маъносини ифдаловчи воситалар бўйича тўпланган фактик материаллар таҳлиliga кўра, хурматнинг реаллашувида асосан қуйидаги усуллар қўлланилади:⁶²

- **Морфологик ёки синтетик усул.** Айни усулга кўра хурмат мазмуни қўшимчалар ва аффиксоидлар орқали юзага чиқади. Масалан, ўзбек тилидаги – лар қўшимчаси, эгалик қўшимчалари -им, -м, -инг, -ингиз; -ш(-ч), -ча кай (й) каби аффикслар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўзбек тилида сўзловчининг турли даражадаги хурмат, эҳтиром туйғуларини ифдалаш учун аффиксоидларга мурожаат қилинади. Аффиксоидлар (-жон, -хон, -ой, -ийзор...) воситасида хурмат, эҳтиром маъноси эркалаш, эъозлаш, суйиш, севиш туйғулари билан биргаликда англашилади. Масалан, отахон, отажон сўзлари таркибидаги аффиксоидлар бевосита матнга боғлиқ равишда хурматнинг турли шакллари англатади.

- **Лексик-семантик усул.** Бунда сўзловчи хурмат маъносини англатиш мақсадида лексемалардан фойдаланади. Бундай лексемалар асосан от, сифат, феъл шунингдек, олмош сўз туркумларига мансуб бўлади (Масалан, опажон, акажон, мухтарам, азиз, улуғламоқ, эъозламоқ ва ҳоказо).

- **Синтактик-стилистик усул.** Айни усулда сўз бирикмалари ва гаплар ёрдамида хурмат, эҳтиром маъносини англатиш назарда тутилади. Ўзбек тилидаги мисоллар таҳлили асосан хурмат маъносини ифдалашда битишув йўли билан бириккан, “сифатловчи+сифатланмиш” муносабати орқали ҳосил

⁶² Қаранг: 4-5 илова.

қилинган сўз бирикмалар қўланишини кўрсатда. Масалан: Мана, ниҳоят, кечамизга узоқ кутилган меҳмонларимиз, қадрли дўстларимиз ташриф буюрдилар. (О.Ё.) Келтирилган гапда ажратиб кўрсатилган “узоқ кутилган меҳмонимиз”, “қадрли дўстимиз” бирикмалари сўзловчининг модал муносабатини акс эттирган. Содда ёки қўшма гаплар воситасида ҳурмат мазмунининг англашилиши мақоллар, ҳикматларда кузатилади. Масалан: Онангни бошингда тутсанг, синглингни кафтингда тут. Ушбу мақол аёлларга нисбатан ҳурмат билан қараш, уларни авайлаш, асраш, эъзозлаш нақлини ўзига жо этган.

Синтетик-стилистик усул воситаси сифатида фразеологизмларни ҳам кўрсатишимиз мумкин. Масалан, *Соясига кўрпача солмоқ; Бошига кўтармоқ...* каби фразеологизмлар одатда ҳурматламоқ, эъзозламоқ, сийламоқ каби феълларнинг турли тусли синонимлари сифатида нутқда намоён бўлади.

Яна шу ўринда фикримизча, табриклар, табрикномалар, диалоглар воситасида билдириладиган ҳурмат мазмуни тушунилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан дипломатик алоқа ўрнатилди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон ва Германия, Франция, Япония, АҚШ, Англия, Хитой, Малайзия каби кўплаб мамлакатлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ривожланмоқда. Шунинг учун республикамизнинг давлат ва миллат байрамларида дунёнинг турли чеккаларидан табриклар, табрикномалар келади. Мазкур табрик ва табрикномалар матни бошдан-оёқ ҳурмат, эҳтиром туйғуси билан йўғрилган бўлади. Зеро, бу, дипломатик муносабатнинг асосий тамойилларидан биридир. Масалан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон байрами муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклар йўллаш менга мамнуният бағишлайди.

Қодир Аллоҳдан Рамазон ойида қилган дуои ибодатларимизни қабул қилишини, дўст халқингиз ва барча мусулмонларга барака ато этиб, хайр-саховатларини инъом этган ҳолда, бундай саодатли дамларни биз учун такрор ва такрор насиб этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз Бутефлика

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

Ушбу матндан кўринадики, табрик кўтаринки руҳ ва юксак ҳурмат, эҳтиром билан ёзилган. Биринчидан, мактуб йўлловчи шахс мурожаат қилинувчи шахсга «Жаноби Олийлари» деб мурожаат қилади. Матнда самимий табрик, саодатли дамлар, такрор ва такрор насиб этмоқ каби иборалар сўзловчининг ҳурматини акс эттиради. Айни пайтда сўзловчи ўз кадр-қимматини билади, ўзини ерга урмаган, камситмаган, лаганбардорлик қилмаган ҳолда самимий муносабатини ифода этади.

Ҳурмат маъносининг морфологик-синтетик ифода усули

Ҳурмат сўзловчининг борлиққа, воқеа-ҳодисаларга, биринчи навбатда инсонларга ўз ижодий муносабатини билдиришидир. Тилда ижобий ёки салбий муносабат турли хил грамматик шакллар, қурилмалар, айрим сўз-лексемалар, синтактик бирикмалар, сўзформалари ва лексик-морфологик кўшилмалар ҳамда интонация ёрдамида воқеланади. Ҳурматнинг эркалашулуғлаш, иззат-икром, сийлаш-эъозлаш каби семаларининг турли хил аффикслар-морфемалар ёрдамида ифодаланиши ўзбек тилида нисбатан кенг тарқалган. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида айрим морфологик кўрсаткич-

ларнинг ҳурмат маъносини ифодалаш хоссаларини аниқлаш ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Мазкур бўлимда ҳурмат шаклларнинг қўлланиши ва ҳурматлаш маъносининг қандай ифодаланиши ҳақида сўз юритилади. “*Ҳурматлаш маъносини ифодаловчи воситалар*” ўзбек тилида илмий жиҳатдан ҳали чуқур тадқиқ ва таҳлил этилмаган масала, шу боис бу ҳақда дастлабки фикрларимизни қисқача баён қиламиз.

Аффикслар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши

-ЛАР ҳурмат аффикси.

XX асрнинг 70-йилларига қадар яратилган кўпчилик адабиётларда *–лар* кўп маъноли битта аффикс сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув тарихий-этимологик нуқтаи назардангина тўғри. Ҳозирги тил грамматик қурилиши тизимидан келиб чиқсак, илмдаги сўнгги хулосаларга асослансак, ягона *–лар* аффиксиники деб келтириладиган баъзи маънолар ҳам мазмун, ҳам вазифа жиҳатидан мустақиллик кашф этганини кўрамыз. Ана шундай маънолардан бири – *ҳурмат маъноси*. Мисолларни таҳлил қилиш кўрсатадики, *ҳурмат маъносини ифодаловчи –лар* алоҳида аффикс деб, сон категорияси ва эгалик категорияси системасидан ташқарида турувчи мустақил форма деб қаралиши лозим⁶³.

Ҳурмат шакли –лар – инглар, -ингизлар аффикслари асосида юзага келган. Аммо *–лар ҳурмат шакли* сон категориясининг кўплик формасидан эмас, балки эгалик аффикси билан биргаликда қўлланган *–лар* кўрсаткичидан ўсиб чиққан.⁶⁴ Сон категориясига мансуб *–лар аффикси* кўплик маъносини ва шунга боғлиқ бир неча маънони ифодалашга хизмат қилади, аммо ҳурмат маъносини ифодаламайди. Эгалик аффикси таркибидаги сон кўрсаткичи эса

⁶³ Ўзбек тили грамматикаси, 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1975. 1-жилд. Морфология. –Б. 187.

⁶⁴ Ўша асар. – Б. 187.

икки хил маънони – *кўпликни, сизлашни (ёки сенлашни)* – ифодалайди. Масалан, *-нгиз* аффикси II шахс кўпликка нейтрал нисбатлашни ёки II шахс бирликка *сизлаб* нисбатлашни билдиради. Кўринадики, бу эгалик аффиксида кўплик ифодаланса, сизлаш ифодаланмайди, аксинча, бирлик ифодаланса, сизлаш ифодаланади. Демак, кўплик ва сизлаш маъноларининг ўзаро боғлиқлиги эгалик аффиксларида мавжуд⁶⁵.

II шахс эгалик аффикси таркибидаги *–из* сон кўрсаткичини *–лар* билан алмаштириш мумкин. Бу имкониятдан сизлаш маъносини ифодалашда фойдаланилган: (*сизларнинг*) *китобингиз – китобинглар*. Кўринадики, *–из* кўрсаткичини *–лар* кўрсаткичига алмаштиришда кўплик маъноси сақланади ва шунинг устига *сизлаш маъноси* қўшилади. Қариндошлик билдирувчи от негизга қўшилганида эса *–нглр* таркибидаги иккинчи қисм кўплик, сизлаш маъносини эмас, балки ҳурмат маъносини ифодалаш учун хизмат қила бошлайди. Демак, эгалик аффикси таркибидаги сон кўрсаткичида маъно тараққиёти воқе бўлади: кўплик – сизлаш – ҳурмат. Мазкур ҳолатни кўпликнинг архаик шакли⁶⁶ *–з (-из)* нинг ривожига кўриш мумкин.

Кейинчалик бу *ҳурмат маъноси* шахс маъносидан ажралиб, мустақиллик кашф этади. Натижада *–нглр* эгалик аффикси ҳам иккига *–нг* эгалик аффиксига ва *–лар* ҳурмат формасига – ажралади (морфологик қайта бўлиниш юз беради)⁶⁷. Юқоридаги маъно тараққиёти йўлини шундай белгилаш мумкин: *китобингиз* (кўплик ёки сизлаш) – *китобинглар* (кўплик ва сизлаш) – *аканглр* (фақат ҳурмат). Охирги *–лар* аффикси мустақиллик кашф этгач, I шахс эгалик аффиксидан кейин ҳам қўшила бошлайди. Бир шахс доирасидан чиқиши бу *–лар* аффиксини мустақил грамматик форма даражасига кўтаради: *аканглр – акамлар*.

⁶⁵ Ўша асар. - Б. 187.

⁶⁶ Ўша асар. - Б.187.

⁶⁷ Севортян Э.В. К проблемы частей речи тюркских языках // Вопросы грамматического строя. –М., 1960. –С. 146-154.

Акангизлар каби ишлатишда *–лар* аффикси ва эгалик аффикси таркибидаги *–из* кўрсаткичи, ўз-ўзидан, бошқа-бошқа грамматик маънони (*–из* эгалик аффиксининг таркибий қисми сифатида шахсга сизлаб нисбатлашни, *–лар* эса ўзи қўшилган негиз англатаётган кишига ҳурматни) ифодалайди. Шу сабабли бу икки хил модал маъно (сизлаш ва ҳурмат) ўз ифодасини бир сўз структурасида топиши мумкин. Демак, бу ўриндаги *–лар* эгалик аффикси таркибидаги элемент эмас, балки мустақил аффикс. Шунга кўра эгалик аффиксининг ўзгариши ҳурмат формасига таъсир қилмайди. Ҳурмат шакли ва эгалик категорияси параллел грамматик ҳодисалар бўлиб, биринчиси иккинчисидан фарқли ҳолда нисбат берилаётган шахсга қараб мослашмайди: *акамлар, аканглар, акангизлар* каби⁶⁸.

Бундан ташқари, *–лар* аффикси ўрни билан эгалик аффиксидан олдин келса, кўплик маъносини, кейин келса, ҳурмат маъносини ифодалайди. Ҳурмат формаси вазифасини ўтовчи *–лар* эгалик аффикси билан ўрин алмашадиган кўплик формаси эмас, балки ўз ўрнида келган аффикс: эгалик аффикси таркибида сон кўрсаткичи одатда шахс кўрсаткичидан кейин жойлашади. Асли ҳурмат формаси эгалик аффикси таркибидаги сон кўрсаткичини ўз ўрнидан ортга томон силжитиш натижасида юзага келган деб изоҳлаш мумкин: аввал эгалик аффиксининг иккинчи қисми ҳолатида бўлиб, кейин эса эгалик аффиксининг ҳар икки қисмидан сўнг қўшилувчи аффикс ҳолатига ўтган.

Яна бир нуқтага аҳамият беринг: бунда *–лар* аффикси эгалик аффикси таркибига кирувчи сон кўрсаткичи ўрнига (*–нг + из – -нг + лар* каби) келмай, шундай сон кўрсаткичидан кейин (*акангиз+лар* каби) қўшилади. Бу хусусиятни ҳурмат формаси вазифасидаги *–лар* аффикси сон формалари системасидан ажралиб чиққанини, уларга параллел, омонимик вазият кашф этганини, алоҳида грамматик форма – ҳурмат формаси сифатида шаклланиб етганини тасдиқлайди. Демак, ҳурмат ва сизлаш семалари эгалик аффиксларининг ўзи-

⁶⁸ Ўзбек тили грамматикаси. 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1975. 1-жилд. – Б. 188.

да ҳам мавжуд бўлиб, - лар кўрсаткичи қўшилганда ҳурмат даражаси у ёки бу жиҳатдан бўрттирилади.

Эгалик аффикслари ва ҳурмат аффикси -ларнинг ўзаро узвий алоқадорлигини жадвалда қуйидагича кўрсатиш мумкин.

3-жадвал

Шахс	Бирлик	Кўплик
I шахс	Дадамларнинг машинаси	Дадамизларнинг машинаси
II шахс	Дадангларнинг машинаси	Дадангизларнинг машинаси
III шахс	Дадаларининг машинаси	Дадаларининг машинаси

Бундай ҳурмат формаси ва эгалик аффикслари қатнашган от сўзнинг лисоний тузилиши қуйидагича:

4-жадвал

Шахс	Бирлик	Кўплик
I шахс	Дадамларнинг ишхонаси	Дадамизларнинг ишхонаси
II шахс	Дадангларнинг ишхонаси	Дадангизларнинг ишхонаси
III шахс	Дадасининг ишхонаси	Дадаларининг ишхонаси

Бундай қўлланиш илмий-назарий жиҳатдан мақбул, аммо нутқий жиҳатдан, амалий жиҳатдан ўзгача шаклларга ҳам эга бўлади. Айниқса, учинчи шахсдаги номутоносиблик ҳам синтетик қуршовда ойдинлашади.

5-жадвал

Шахс	Бирлик	Кўплик
I шахс	Дадамларнинг ишхоналари	Дадамизнинг ишхоналари
II шахс	Дадангларнинг ишхоналари Дадаларининг ишхонаси	Дадангизларнинг ишхонаси Дадаларингизнинг ишхоналари
III шахс	Дадасининг ишхоналари	Дадаларининг ишхоналари

Бунда, биринчидан, ишхона орқали дадага ҳурмат билдирилган: бу ерда –лар аффикси соф ҳурматни бўрттириб, аниқлаб кўрсатмоқда; иккинчидан, иккинчи шахс бирлик ва кўпликда эгалик аффикслари билан ҳурмат

формасининг ўрин алмашиб қўлланиши учун омил яратилмоқда; учинчидан, бошқа воситалар ҳурмат даражасини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Адабий тилда *–лар* ҳурмат формаси бирлик сон формасини ва бирлик эгалик аффиксини олган негизларга қўшилади: *акалар, аканглар* каби. Сўзлашув нутқида, айниқса, ўзбек халқ шеваларида *–лар* ҳурмат формаси бирлик сон формасини ва кўплик эгалик аффиксини олган негизларга ҳам қўшилади: *ака + миз + лар, ака+миз+ла, ака+миз+а, ака+ негиз +лар, ака+ларинг + лар ака+лар+ингиз, ака+лар+из; ака+лар+ий+ла (р) каби.*

Кўринадики, ҳурмат ва эгалик аффиксларининг биргаликда қўлланиши, лисонда муайян мезон ва тартибларга асосланади, нутқда эса анча эркинлик мавжуд.

Юқоридаги баёндан англашиладики, ҳурмат шаклининг ишлатилишида маълум қонуният мавжуд: а) фақат от негизларга қўшилади, б) шунда ҳам отларнинг маълум маъно турига – қариндошлик билдирувчи от негизларга – қўшилади, в) одатда бирликдаги негизга қўшилади, г) эгалик аффикси билан бирга (I, II шахсларда эгалик аффиксидан кейин, III шахсга эса эгалик аффиксидан олдин) ишлатилади (етақчи ҳолат эгаликдан кейин қўшилиши албатта).

–ча ҳурмат маъносини ифодаловчи аффикси.

Ҳозирги ўзбек тилида –ча аффикси уч хил вазифада қўлланади:

- *–ча* ясовчи шакл. Равиш яшаш учун хизмат қилади: *ўзбекча, тожикча, лотинча ва бошқалар.*
- *–ча* Отларнинг субъектив баҳо формаларини ясайди: *айвонча, болача, қизча, куракча, йигитча ва бошқалар.*
- *–ча* ҳурмат ифодаловчи восита:

–ча қўшимчасининг ясовчилик ва субъектив баҳо (кўпроқ кичрайтириш) маъноларини ифодалаши ҳақида кўп гапирилган.

Р.Қўнғуров фикрича, *–ча* аффиксининг сўз ясовчилик, сўз ўзгартирувчилик ва форма ясовчилик хусусиятлари билан бир қаторда матн (контекст) лексик-грамматик қуршов, негиз англатган маъно билан боғлиқ

равишда кичрайтиш билан бирга субъектив баҳо стилистик бўёққа ҳам эга бўлади. Яъни сўзловчи нутқи қаратилган предметни кичрайтириш билан бирга уни ўз нуқтаи назаридан ё ижобий, ё салбий томондан баҳолайди⁶⁹.

Бу хусусда С.Усмонов, А.Ҳожиев, Р. Қўнғуров, Р. Икромовалар билдирган фикрлар эътиборга лойиқдир⁷⁰. Бизнинг мақсадимиз *–ча* қўшимчасининг ҳурмат маъносини ифодалаш жиҳатларини аниқлашдан иборат. Тўғри – *ча* қўшимчаси кичрайтириш-эркалаш маъносида қўлланиши кўпдан маълум. Бироқ бу кичрайтиш-эркалашнинг ўзида ҳам ҳурмат маъноси борлиги сезилади.

Қиёсланг: а) *болача* - кичрайтиш-эркалаш;

б) *ўғилча* - ҳурматлаш-улуғлаш-эркалаш;

в) *хотинча* - ҳурматсизлик, киноя...

Кўринадик, *–ча* аффиксининг қандай маъно ифодалаши нутқ вазиятидан, интонациядан, матн қуршовидан билинади. Мезон белгилашда эса у ёки бу маънонинг ифодаланиш даражаси ҳисобга олинади.

Усмонов С. фикрича, *–ча* аффикси кичрайтиш, ҳазил аралаш эркалаш-суйиш, камтарлик, камситиш, ўксиниш маъноларини, А.Ҳожиевинг фикрича кичрайтиш, эркалаш ва ҳурматлаш, камситиш маъноларини ифодалайди.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бу аффикс сўз ясаш ва сўз ўзгартириш хоссаларига боғлиқ ҳолда кичрайтиш, кичрайтиш-эркалаш, маъноларидан ташқари ҳурмат ва ҳурматсизлик каби маъноларни ҳам ифодалаш учун хизмат қила олар экан.

Масалан: *Ҳа, отинча, йўл бўлсин?* (С. Аҳмад).

Ишимизнинг табиатидан келиб чиқиб, биз *–ча* аффиксининг *ҳурмат ва ҳурматсизлик* маъноларини ифодалаши ҳақида тўхталамиз.

⁶⁹ Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. –Б. 64-67.

⁷⁰ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлари 1964. 2-ж. –Б. 121-123; Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.–Б.29.; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. –Б. 64-75; Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б.10-18.

Илгариги вақтларда юқори табақа кишиларига ҳурмат изҳор қилиш мақсадида *хоним, ойим, хонимча, ойимча* сўзлари исмларга қўшиб ишлатилган. Ўзбек халқ достонларида, тарихий асарларда бундай мурожаат шакллари учратиш мумкин. Масалан:

“Тўй бўлди *Барчин ойимча...*” (Ф.Йўлдош, “Алпомиш” достони).

“Шоҳаншоҳ қабулингизга *Наргиз хонимча* ташриф буюрдилар”... (Шарк юлдузи, 1990).

Ҳозирги ўзбек тилида бундай шакллар ҳурматсизлаш-камситиш, киноя, менсимаслик каби маъноларни англатади:

Хуш кептилар, ойимча. (Ғ. Ғулом).

Ким бу, хонимча-деб сўради. (А.Қаҳҳор).

Баъзан айрим кишилар ўзлари ёш бўлишларига қарамасдан ота, она, буви, бува бўлишлари мумкин. Ана шундай кишиларга нисбатан ҳазил аралаш ҳурмат маъносида сўзлашув услубида *отача, онача, бувича, бувача* каби шакллар қўлланади.

Масалан: *Ҳорманг энди, отача (онача). Ўғилчангиз катта бўляптими. Бувича (бувача) ? Неваралар муборак бўлсин.* (Оғзаки нутқ).

Ҳурмат ва ҳурматсизлик маънолари бир-бирининг антиподи ҳисобланиб тилимизда параллел ҳолда мавжуд.

-ча аффикси орқали ясалган сўзлар матнда ҳурматсизлик-манманлик, такаббурлик, киноя маъноларини англатиши мумкин. Бу каби салбий муносабат турларини ифодаловчи маънолар оғзаки нутқда матн ва интонация кўра аниқланади.

Масалан: *Қачон хотинчамиз ишдан келаркан, қачон бу уйга сон кираркан деб кутиб ўтирарканмиз-да.* (Оғзаки нутқ).

Ҳожи она: *Хўш, бой, хотинчангизга раҳмингиз келдими?* (Х.Ҳ. Ниёзий). *-ча* аффикси атоқли отларга қўшилиб келиб ҳам ҳурматсизлик маъносини бериши мумкин.

Масалан: *Эй-й Содиқ-ча, сен ҳали нимани кўрдинг-ку нимага ишондинг.* (А. Қодирий).

-гина ҳурмат аффикси.

– *гина (-кина, қина)* эркалатиш оттенкасини ифодалашдаги энг маҳсулдор аффикс. Эркалатиш, севиш маъносида асосан булар оғзаки сўзлашув нутқида ва бадий нутқда фаол ишлатилади⁷¹.

Бу аффиксининг асосий вазифаси кичрайтиш-эркалаш, эркалаш-суйиш, ачиниш, таъкид, камситиш, кесатиш маъноларини ифодалашдир. Бу хусусда А. Ғуломов, Р. Қўнғуров каби олимларнинг билдирган фикрлари аҳамиятга моликдир⁷². Кузатишларимиздан маълум бўлдики, бу аффикс ҳурмат маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қила олади.

Сўзловчи ўзидан катталар билан муносабатда бўлганда ёки уларни эслаб тилга олганда ана шу шахсларга нисбатан ўзининг ҳурматини, эҳтиромини ифодалаш мақсадида бу аффиксни I шахс эгалик аффикси билан бирга қўллайди (-гина+м).

Масалан: *Қуда мана шу деворни поччангиз урган эди. Чолгинам урган.* (А. Қаҳҳор).

-гина+м аффикси эгалик аффикси билан қўшилиб (-гина + -м), ҳурмат-суйиш маъносини беради:

Жонгинам, сиздан умидларим катта эди.

Болагинам, умрингиздан барака топинг.

-гина аффикси сўзловчи нутқида қариндошлик номларини англатувчи сўзлар билан бирга ёш жиҳатидан ўзидан кичик шахсларга нисбатан мурожаатда қўллаганда ҳурматлаш маъноси англашилади:

Ўзимни онагинам, меҳрибоним...

Отагинам, тушунинг ахир, бу ишингиз ноқонуний.

⁷¹ Ғуломов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. : Автореф.дис.... док. филол.наук. –Ташкент, 1955. – 48 б.; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – Б.85.

⁷² Қаранг: Ғуломов А. Юқоридаги асар; Қўнғуров Р. Юқоридаги асар.

Укагинам келинг, гина-қудуратни қўййлик.

Онагинам зап кепсиз-да, бир чакчақлашадиган бўлибмиз.

-гина аффикси –жон+гина+м тарзида қўлланиб ҳам ҳурмат маъносини ифодалай олади:

Меҳрибоним, онажонгинам илоҳим умрингиз узоқ бўлсин.

Отажонгинам сиздан бутун умр миннатдорман. (Оғзаки нутқ).

-кай(-кай, -й) – ҳурмат аффикси.

-КАЙ аффикси англатган маънолар ҳақида кўплаб олимлар турли хил фикрлар билдирганлар. А.Ғуломов, С.Усмонов кичрайтиш-эркалаш аффикси деб⁷³, Р.Икромов кичрайтиш, кичрайтиш-эркалаш, *ҳурмат, ҳазил аралаш ҳурмат* маъноларини ифодаловчи аффикс деб кўрсатади⁷⁴.

Биз бу олимларнинг фикрини маъқуллаган ҳолда Р.Икромов билдирган фикрга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

-кай аффиксининг қисқарган *–й шакли* ўзбек тилида *бобо, момо* баъзан *она* сўзига қўшилиб келиб ҳурмат маъносини ифодалаш учун хизмат қилади.

Масалан:

- *Соф ҳурмат маъноси: Бобой хўп яхши одам эди-да.*
Биз қайтгунимизча момойдан хабар олиб туринглар.
- *Ҳазил аралаш ҳурмат маъноси: Шундай қилиб, бобой, Ҳизрга йўлиқдим денг. Ҳа, чоли тушмагур-эй. (Шарқ Юлдузи, 1980)*
- *Ҳазил аралаш ҳурмат-эркалаш маъноси: Кел, опой, сен ишла, мен болангни боқай. (Ойбек).*

-Ш (-Ч) ҳурмат аффикси.

Бу аффикс ҳозирги ўзбек тилида *ота, она* сўзларига қўшилиб келиб, эркалаш, суйиш, ҳурматлаш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади.

⁷³ Ғуломов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Аффиксация. Часть первая, Словообразование имен.: Автореф.дисс... док. фил.наук. –Ташкент, 1955. –48 б.; Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари .: Филол.ф.д.-ри... дис. – Тошкент, 1964. –372 б.

⁷⁴ Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 30-32.

Ф.Абдуллаев кўрсатишича, *-и* аффикси генетик жиҳатдан *–и* аффиксига боғлиқ⁷⁵. Ҳозирги ўзбек тилида оташ, онаш баъзан отач, онач шаклидаги сўзларни учратиш мумкин. Бу хилдаги формалар ҳақида Маҳмуд Қошғарий ҳам фикр билдирган. Унинг кўрсатишича, бу форма қизларни эркалаш учун қўлланади⁷⁶.

Агар сўзловчи бу шаклни ўзидан кичик шахсга нисбатан қўлласа, эркалаш-суйиш йўсинидаги ҳурмат маъносини беради; катта ёшдаги кишилар ўз тенгқурларига нисбатан қўлласалар, сизсираш йўсинидаги *ҳурмат маъноси* англашилади.

Қиёсланг:

- *Онаш қизим, кел ёнимга ўтиргин.*
- *Онаш, энди сиз гапиринг, сўз сизга.*

Биринчи мисолда эркалаш-суйиш маъноси; иккинчи мисолда ҳурмат маъноси ифодаланган.

Бу форма ўзбек тилида кадимги даврларда ҳам қўлланган. Подшоларнинг қизлари, аёлларига нисбатан эркалаш, суйиш, ҳурматлаш мақсадида *–и* билан ясалган шакллар ишлатилган. Фикримизнинг далили сифатида халқ достонларида учрайдиган *бибиш*, *бувиш* формаларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан:... *бибишим қизлар қатори келсам, ҳеч ким*

билмас,- деб изига қайтиб кетди. (Ислом шоир).

Умид қилма Ойбарчиндек бувишдан.

Асл тулпор экан ўзбекнинг оти... (Фозил Йулдош).

Эй бибишим, мени десангиз Чамбилга борманг. (Ислом шоир).

Ўзбек тилида ҳурмат маъносини ифодаловчи аффикслар каторида *–м* биринчи шахс эгалик аффиксини ҳам кўрсатиш жоиздир.

Ҳурмат ифодаловчи биринчи шахс бирлик, эгалик аффикси *–м* ҳақида.

- М I шахс эгалик аффикси.

⁷⁵ Абдуллаев Ф. Киши отларнинг қисқартиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1960. – № 3. –Б. 38.

⁷⁶ Қошғарий М. Девону луғатит турк. –Тошкент: Фан, 1960. –Б. 86.

Аслида эгалик аффикслари предметнинг уч шахсдан бирига қарашлилигини ифодаловчи формалар⁷⁷ бўлиб, таркибида ҳурмат семаси ҳам мавжуд: бу маъно нутқий қуршовда билинади.

Эгалик аффикслари берадиган маънога матн имконияти ёки экспрес-сивлик нуктаи назаридан ёндошсак, баъзи, хусусан I шахс бирлик эгалик аф-фикси -м нинг *ҳурмат маъносини* ифодалаш учун хизмат қилишини кўрамиз.

Агар сўзловчи ўзидан кичик ёки бегона бўлган шахсларга мурожаатда қариндошлик, яқинлик маъноларини ифодаловчи *ота, она, оға, ака, ука, сингил, биродар, дўст* каби сўзларга I шахс бирлик эгалик аффикси –м ни қўшиб қўлласа, ҳурмат маъноси англашилади:

Отам, хўш, бизга нима хизматлар бор.

Онам, сизни ўз *онамдек* кўриб эъзозлайман.

Раҳмат сизга, бугундан эътиборан сизни *оғам деб*, биродарим деб биламан.

Укам сиздан беҳад хурсандмиз.

Синглим ушбу муродбахш дамларда сизга бахт-саодат тилайман.

I шахс эгалик аффикси –м (-им) баъзан касб-ҳунар, амал маъноларини билдирувчи отларга қўшилиб *ҳурматлаш маъносини* ифодалаш мумкин. Яъни матнда сўзловчининг модал муносабати синтетик омил ва имкониятлар асосида ҳурмат маъноси тарзида воқеланади.

Масалан: Майли, ман тезроқ уйга бори, кеч қосам *докторимдан* балога қоламан. Кечиксам, ошпазим овқат берми қўяди. (Оғзаки нутқ).

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ўзбек тилида ҳурмат маъносининг ифодаланиши ўз ранг-баранг кўринишларига, ўз илмий-амалий усулларига ва бой нутқий-лисоний далилларига эгадир. Унга ўзбек ёзма ва оғзаки ижодиёти намуналаридан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

⁷⁷ Бу ҳақда қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 258.

Биз ўрганган манбалар ва тўплаган далиллар ҳурмат маъносининг морфологик усулда ифодаланиши кенг тарқалганлигидан далолат беради. Биз ҳурмат формаларидан –лар, -ча, -гина, -кай, (-кай, -й), -ш, -м (-им), -инг каби аффиксларига тўхталиб ўтдик холос.

Аффиксоидлар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши

Ҳурмат маъносини ифодаловчи синтетик формалар аффиксоидлар ёрдамида ҳам ясаши мумкин. Тилшуносликда *аффиксоид* деб ҳисобланган морфемалар аффикс, аффикс вазифасидаги сўз, аффикслашган сўз, қўшимча сўзлар каби турли номлар билан аталиб келинади.

Аффиксоид том маънода аффикс деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган, баъзан ўз лексик маъносида ҳам қўлланадиган, кўпинча эса ё сўз ясовчи ё форма ясовчи аффикс вазифасида ишлатиладиган, яъни аффикслашиш жараёнида бўлган морфемадир.

- *Жон ширин-а, жон ширин.*
- *У болажон, меҳрибон одам эди.*
- *Хотинжон кел, шу жанжални қўйгин.*

Биринчи мисолда - *жон* мустакил сўз; иккинчи мисолда – *жон* сўз ясовчи аффикс; учинчи мисолда – *жон* форма ясовчи аффикс.

Ўзбек тилида аффиксоидлар қаторига кирган морфемалар кўпчиликни ташкил этади.

Р.Қўнғуров: “Субъектив баҳо ифодаловчи шундай формалар ҳам борки, улар фақат кишиларнинг атоқли отлари, қавм-қариндошликни билдирувчи сўзларга қўшилади ва сўзловчи ёки ёзувчининг объектга муносабатини билдиради”⁷⁸.

– *ЖОН аффиксоиди.*

⁷⁸ Қўнғуров Р. Ўша асар. –Б. 117.

Бу аффиксоид аслида форс тилидаги *жон* (*душа*) сўзидан келиб чиққан. Ўзбек тилида бу аффиксоид уч хил маънода қўлланади:

- Мустақил сўз – а) *юрак, кўнгил* маъносида; б) *киши, одам* маъносида (*оилада беш жонмиз*); в) *жаҳлланмоқ* маъносида (*жон чиқди-фразеологик бирикма*).
- Сўз ясашда - *жонажон, роҳатижон...*
- Форма ясовчи аффиксоид сифатида - Отажон, онажон, Умиджон. Бундай вазифада қўлланганда отларнинг эркалаш-суюш йўналишидаги хурмат формаларини ясайди. Далиллар ва уларнинг таҳлили унда хурмат семаси устунлигини кўрсатмоқда.

Тилшунослар бу аффиксоид ифодаляйдиган маъноларни турлича талқин этганлар. А.Ғуломов, К. Шарафуддиновалар фикрича, *-жон* эркалаш маъносини⁷⁹; А.Кононов, В.Решетовлар кўрсатишича, кичрайтиш-эркалаш формасини⁸⁰; З. Маъруфов кўрсатишича, *-жон* эркалаш, севги изҳор қилиш учун бадий восита⁸¹; М.Шамсиеванинг фикрича, ўрни билан эркалаш ва хурмат маъносини⁸²; С.Усмонов фикрича, эркалаш ва хурмат маъносини⁸³.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, *-жон* аффиксоиди ҳозирги ўзбек тилида баъзан сўз ясайди, кўп ҳолларда сўзнинг лексик маъносига асосан, эркалаш, эркалаш-суйиш, хурмат баъзан хурматсизлик каби маъноларни қўшади. Бундай маънолар одатда матн доирасида реаллашади.

Қуйида биз *-жон* аффиксоиди ёрдамида ясалган хурмат формалари ҳақида тўхталамиз:

- - *жон* аффиксоиди шахсни билдирувчи отларга қўшилиб хурмат маъносини ифодаляйди:

⁷⁹ Ғуломов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка.: Автореф.дисс. ... док.филол. наук. –Ташкент., 1955. – 48 б.

⁸⁰ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского языка. –М.-Л.: Наука, 1960. –С. 127; Решетов В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент: Учитель, 1965. –103 с.

⁸¹ Маъруфов З. Сўз состави. От ва сифат. – Тошкент: Фан, 1956. –Б. 44-45.

⁸² Шамсиева М. Ўзбек тилида субъектив баҳо билдирувчи отлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. –Тошкент, 1961. 2-китоб. –Б. 245-250.

⁸³ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари. Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. 42-жилд. – Тошкент, 1964. –Б. 124-128.

Собиржон, Олимжон, Умиджон, Анваржон...

-Бобиржон, Сиз... Сиз ўшанда мендан ранжигансиз!... (П. Қодиров).

Қодиржон баракалла, йигит деган шундай бўлибди.

- Бу аффиксоид қавм-қариндошлик номларини англатувчи турдош отларга кўшилиб ҳам ҳурмат маъносини англатади:

Отажон, онажон, укажон, сингилжон, опажон, акажон...

Тушларимда, майли, бошим

Силаб тургин, *онажон*.

Қолганларга энди умр

Тилаб тургин, *онажон*. (А. Орипов).

Мендан хафа бўлманг, *опажон*.

Холажон, келинг мана бу жойга ўтиринг.

Укажон, раҳмат сизга.

Тоғажон шу ростми? Ростми-а?

Бувижон (буважон) ёшингиз нечада?

–Хон аффиксоиди.

Бу аффиксоид ҳақида Р.Қўнғуров аёллик ва эркаклик жинсини билдирувчи сўзларга, атоқли отларга кўшилиб, эркалишти маъносини ифодаловчи форма деган фикрни билдирган⁸⁴.

Аслида бу аффиксоидни *қоон*, *хоқон* сўзидан келиб чиққан деб кўрсатилади. *–Хон* ўзбек тилида кенг қўлланади. У билдирган маънолар ҳақида тилшунос олимларнинг турли хил фикрлари мавжуд. С.Усмонов *–хон* ни ҳурмат маъносини ифодаловчи аффиксоид деб⁸⁵, А.Н.Кононов кўпинча ҳурмат, баъзан кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодаловчи аффикс деб⁸⁶,

⁸⁴ Қўнғуров Р. Ўша асар. –Б. 128.

⁸⁵ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари //Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. 42-жилд. – Тошкент, 1964. –Б. 126-127.

⁸⁶ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка.-М.-Л.:Наука. -128 с.

А.Ғ.Ғуломов кўрсатишича, - *хон* субъектив баҳо ифодаловчи⁸⁷, яъни ижобий муносабат – ҳурмат билдирувчи аффикс деб қаралди.

Ҳозир ўзбек тилида - *хон*:

- Мустақил сўз - ҳеч кимга тобе эмас маъносини беради:
- *Ўзига хон қўланкаси майдон.* (Мақол)
- –*Хон* аффиксоиди форс-тожик тилидан кириб келган бўлиб, сўз ясовчи аффикс вазифасини бажарад.: *Китобхон, газалхон, муштумхон, шеърхон...*
- Форма ясовчи -*хон* аффиксоиди отларнинг ҳурмат, эркалаш, суйиш баъзан кесатиш, пичинг каби маъноларини ифодалаш учун хизмат килади.

а)–хон аффиксоиди шахс номини билдирувчи атоқли отларга қўшилиб, сўзловчининг бу шахсга нисбатан ҳурмат эҳтиромини ифодалайди.

- *Бизниям ярлақайдиган кун бор экан, Робияхон!* (Ў.Хошимов).

Нодирахон раҳмат сизга синглим.

б)–хон аффиксоиди ҳозирги ўзбек тилида эркалар исмига ҳам қўшилиб ишлатилади ва ҳурматни билдиради: *Қодирхон, Олимхон, Саидхон, Орифхон...*

Бу ўринда шуни эътибордан қочирмаслик лозимки, азалдан хўжа авлодига мансуб шахсларга ҳоҳ у аёл киши бўлсин, ҳоҳ эрка киши -*хон* аффиксоиди улар исмига қўшиб ишлатилган. Бу шу шахсни хўжа авлодига мансублигини кўрсатувчи белгилардан саналган.

Нуриллохон эшон деганингиз ўтқир азайимхон экан. (Ҳ.Ҳ. Ниёзий).

Ҳа, Аҳмадхон сиз шу ерда экансиз, - деди. (А. Қодирий).

в) –хон аффиксоиди қавм-қариндошлик номларини англатувчи сўзларга қўшилиб ҳам ҳурмат маъносини англата олади.

Масалан: *Отахон, онахон, акахон...*

Отахон, чарчадингизми, бироз дам олинг.

⁸⁷ Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка.: Автореф.дис. ... док.филол. наук. –Ташкент. – 48 с.

“Акахон, - дедим, - айб ўзингизда, кўрқоқлик билан узоққа бориб бўлмайди” (Т. Малик).

–*ой* *аффиксоиди*.

“- *ой* *морфемаси* планета ва вақт ўлчов бирлиги маъносини англатувчи *ой* нинг омоними, -*гул*, -*бону*, -*хон* каби формаларнинг синоними ҳисобланади. Асосан, аёлларнинг атоқли отларига қўшилиб, субъектив баҳо – ижобий баҳо – ҳурмат тусига эга бўлади”⁸⁸.

Бу аффиксоиднинг келиб чиқиши ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Масалан: -*ой* аффикси –*ай*,- *кай*, -*кок* каби кичрайтиш аффиксидан келиб чиққан⁸⁹, бу аффикс *ой* сўзидан келиб чиққан⁹⁰, -*ой* аффиксоиди *ой* мисоли гўзалликка ишора сифатида юзага келган⁹¹.

Ўзбек тилида бу аффикснинг ишлатилиши хусусида шу кунгача билдирилган фикрларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкин:

- Ҳозирги ўзбек тилида *ой* мустақил сўз сифатида қўлланиб, *ой* (*луна*), *ой* (*месяц*) маъноларини билдиради.
- Бу сўзга аффикс қўшиб янги сўз яшаш мумкин: *ойлик*, *ойдек*.
- У форма ясовчи аффиксоиди сифатида қўлланади:

а) –*ой* аффиксоиди хотин-қизлар исмларига қўшилиб эркалаш маъносини беради⁹²: *Фароғатой*, *Фазилатой*, *Кароматой*...

б) шахсни билдирувчи турдош отларга қўшилиб, ҳурмат, эркалаш-суйиш маъноларини беради⁹³:

Келинойнинг ҳарир экан рўмоли,

Тўлинойдек жилваланар ой жамоли. (Г. Жўраева).

⁸⁸ Қўнғуров Р. Ўша асар. –Б. 134.

⁸⁹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М.-Л. – 128 б.

⁹⁰ Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка.: Автореф. дис. ... док. филол. наук. - Ташкент. –48 б.

⁹¹ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. 42-жилд. –Тошкент, 1964. –Б.126-127.

⁹² Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари, – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 52.

⁹³ Икромов Р. Ўша асар. – Б. 53.

в) –*ой* аффиксоиди хотин-қизларнинг исмларига қўшилиб келиб ҳурмат, эркалаш-суйиш маъноларини *ифодалайди*:

Гулишаной анча тузук бўлиб қолдиларми? (Саодат, 1990).

-бой (вой) аффиксоиди.

Р.Қўнғуров фикрича, *-бой* аффиксоиди, асосан, кишиларнинг атоқли отларига қўшилиб келади ва эркалатиш йўналишидаги ҳурмат тусига эга бўлади⁹⁴.

С.Усмонов таъкидлашича, «...*бой* сўзи ўтмишда кишиларни ижтимоий қатламлардан бири бўлган мулкдорларга мансублигини, шу билан боғлиқ улуғлашни билдиради», демакки ҳурматни ифодалайди.⁹⁵ Р.Икромова таъкидлашича⁹⁶:

- Ўзбек тилида *бой* мустақил сўз сифатида *мулкдор (богатый)* маъносини беради: *Бой бойга боқар сув сойга оқар.* (Мақол)
- Форма ясовчи аффиксоид сифатида ҳурматлаш, ҳазил аралаш эркалаш-суйиш маъноларни ифодалайди. Бу ўринда унинг – *вой* шакли ҳам қўлланади:

Каримбой, Обитвой, Собитбой, Ботирбой, Мирзакаримбой...

Қобилбой, ўғлим, менга ёрдам беринг... (Саодат, 1990)

Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам... (Ойбек).

Иним, Содиқбой, сизга яна хизмат бор. (А. Қодирий).

-ниса (-нисо) аффиксоиди.

Р.Қўнғуров – нисо аффиксоиди ҳақида сўз юритиб, субъектив баҳо оттенкасини ифодалайди; алоҳида хотин-қизлар атоқли оти сифатида ҳам учрайди; кўпроқ атоқли отлар таркибида эркалатиш формаси сифатида ишлатилади, деган фикрни билдирган⁹⁷.

⁹⁴ Қўнғуров Р. Ўша асар. – Б.127.

⁹⁵ Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзларнинг морфологик тузилиши // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. 42-жилд.1-китоб. – Тошкент, 1963. –Б. 210-211.

⁹⁶ Икромов Р. Ўша асар. – Б. 53.

⁹⁷ Қўнғуров Р. Ўша асар. –Б. 135.

–*нисо* арабча сўз бўлиб «*хотин*», «*аёл*» маъносини англатади.² Ўзбек тилида –*ниса* аффиксоиди тор доирада қўлланади. У куйидаги маъноларни ифодалайди:

- Хотин-қизлар исмига қўшилиб ҳурмат, эркалаш-суйиш маъноларини билдиради: *Зебиниса, Хайриниса, Меҳриниса...*

Зайнабниса, - деди, - Зайнаб қаради, - бу кишини ташқарига чиқиб кетишига қўйманг, хўпми? (А.Қодирий).

- Турдош отларга қўшилиб ҳурмат маъносини беради:

Қалай Хомидбой ишлар ўнгиданми, пошшанисага энди совчиликка бораверасизми? (А.Қодирий).

- –*ниса, -нисо* аффиксоиди атоқли отларнинг баъзилари таркибида ажралмас қисмга айланиб қолган. (*Ойниса, Буниса, Моҳиниса...*). Агар бундай отлардан – ниса олиб ташланса, сўзнинг атоқли отлиги қолмайди.

–*зор аффиксоиди.*

Бу аффиксоиднинг генетик жиҳатдан келиб чиқиши «*зориқиш*», «*зорланиш*» сўзларига бориб тақалади⁹⁸.

Бу аффиксоидни форс-тожик тилидан ўзлашган ўрин-жой маъносидаги (*гулзор, лолазор, дарахтзор, майсазор...*) сўзларни ясовчи –*зор* аффиксидан фарқлаш даркор; ҳурмат формаси деб кўрсатиш мақбулдир.

Ўзбек тилида бу аффиксоид тор доирада қўлланади. *Ота, она* сўзларига қўшилиб ортиқ ачиниш тусига эга ҳурмат, эҳтиром маъноларини ифодалайди:

Онаийзор кўнгли бўшми, ўзини тутуми йиглаб юборди. (Тошкент шеваси, сўзлашув услубида).

Отаийзор ўглининг доғида бутун умр куйиб ўтди. (Тошкент шеваси).

Онаийзор кўз ёшларини тўхтата олмади. Оғир мусибат... (Саодат).

– *биби аффиксоиди.*

⁹⁸ Шамсиев П., Иброхимов Ш. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: Фан, 1953, –Б. 452.

- Биби - қавм-қариндошчиликни билдирувчи мустақил сўз⁹⁹. “Қавм-қариндошчиликнинг билдирганда ва алоҳида мустақил қўлланганда нейтраль қимматга эга бўлади. Атоқли отлар билан биргаликда келганда ҳам у қавм-қариндошликни билдиради. Лекин бунда ҳурмат, иззат қилиш, эъзозлаш, оттенкаларига ҳам эга бўлади”¹⁰⁰.

Биби форс-тожик тилида «хоним», «ойим», «уй бекаси», «хотин» маъносини ифодалайди¹⁰¹. Қадимда бу сўз подшоларнинг хотинлари, қизларига нисбатан *ҳурмат маъносида* қўлланган. Шу туфайли у *хоним*, *ойим*, *бекам* сўзларига синоним бўлган бўлиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида бу аффиксоиди: а) хотин-қизлар исмига қўшилиб ҳурмат, муҳаббат маъноларини ифодалайди.

...Лекин ман ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай Олтунбиби деб атамоқ фикрига тушдим... (А.Қодирий).

Синглимиз Раънобибига салом айтурсиз. (А. Қодирий).

б) баъзан –*биби* аффиксоиди турдош отларга ҳам қўшилиб ҳурмат, эркалаш маъносини беради:

Меҳмонни вазифаси, - деди, - Раъно жавобан, - иззати билан ўтириш ва олдига қўйган нарсани мақтаб ейишдир. - Тўғри айтасиз *Отинбиби*, деди Анвар. (А. Қодирий).

в) ўзбек тилида –*биби* нинг –*буви* варианты ҳам учраб туради:

Бирга кетамиз отинбуви. (Ҳ. Шамс).

– *БОНУ аффиксоиди.*

- бону аффиксоиди субъектив баҳо оттенкасини ифодалайди¹⁰².

Бону - қавм-қариндошликни билдирувчи мустақил сўз¹⁰³. “Қавм-қариндошликни билдирганда ва алоҳида мустақил қўлланганда нейтрал қимматга эга бўлади. Атоқли отлар билан биргаликда келганда ҳам у қавм-

⁹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилдлик,- М.: Рус тили, 1981. 1-ж. –210-б.

¹⁰⁰ Қўнғуров Р. Ўша асар. – Б. 135.

¹⁰¹ Миллер В.Б. Персидско-русский словарь. -М., 1950, -134-б.

¹⁰² Қўнғуров Р. Ўша асар. – Б.135.

¹⁰³ Узбекско-русский словарь. –М.: ГИС, 1959. – 839 с.

қариндошликни билдиради. Лекин бунда ҳурмат, иззат қилиш оттенкаларига ҳам эга бўлади.”¹⁰⁴

*Бону “хоним”, “ойим” маъносини англатади*¹⁰⁵. Аффиксоид сифатида у хотин-қизларнинг исмларига қўшилиб ҳурмат, эҳтиром, иззат-эътибор, маъноларини англатади:

Йўқ, йўқ Офтоббону, - деди, - сизга жавоб берсам-да, Кумушга йўқ!
(А. Қодирий).

Наргизабону қизим, сизни келин эмас қизим деб янглишмаганман, умрингиздан барака топинг, болам. (Саодат, 1990).

- *пошша* аффиксоиди

“Ўзбекча-русча луғат”да пошша сўзи шундай изоҳланади:

“Пошша хотин-қизларга хушмуомалалик ва ҳурмат билан қилинадиган мурожаатга ёки у ҳақида эслатилганда қўшиладиган сўз”¹⁰⁶.

-пошша *аффиксоидининг қўлланиш тарихи қадимги синфий айримликлар билан боғлиқ ҳодиса. Насабга алоқадорликни билдириш ва шу билан боғлиқ улуглаш, ўзини юқори тутиш, ҳурматлаш маъносини ифодалаш учун эркаклар номига –хон, -тўра, -саид, -хўжа аёллар номларига эса –хон, - пошша аффиксоидлари қўшиб ишлатилган.*

Шунингдек *хоним, ойим, бекам* каби формалар ҳам «аслзода» аёлларга нисбатан қўлланилган¹⁰⁷. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффиксоид кўпроқ оғзаки нутқда аёлларга *ҳурмат билан мурожаат қилганда* қўлланади:

Салтанатпошша, ҳорма, кизим.

Олтинпошша, бери кел, болам, умрингдан барака топ. (Оғзаки нутқ).

Ўзбек тилида бу аффиксоиднинг атоқли отларнинг ажралмас қисмига айланган ҳоллар ҳам мавжуд. Бунда ҳеч қандай субъектив муносабат

¹⁰⁴ Қўнғуров Р. Ўша асар. – Б.135.

¹⁰⁵ Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент, - Б. 52.

¹⁰⁶ Узбекско-русский словарь. –М.: ГИС, 1959. – С. 332.

¹⁰⁷ Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик-аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан. – Б. 63.

ифодаланмайди, аммо ҳурматлаш излари мавжуд бўлади: *Ойпошиша, Норпошиша, Холпошиша, Пошишахон, Пошишаойим* каби.

Дастлабки ўз кузатишларимизни умумлаштириб шуни таъкидлашимиз мумкин: ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган ва «субъектив муносабат ифодаловчи формалар» деб ном олган синтетик birlikларнинг муайян гуруҳида ҳурмат семаси мавжуддир. Ҳурмат муносабати эса, *бир томондан* услубий-синтактик (стилистик-синтактик) ҳодиса сифатида, *иккинчи томондан*, мазмуний синтаксис ҳодисаси сифатида, учинчидан эса, шаклий-вазифавий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу уч жиҳат бир бутун ҳолда матн лингвистикаси назариясига асосланади.

Демак, ўзбек тилида ҳурмат маъноси лексик-семантик, лексик-морфологик, семантик-синтактик ва семантик-стилистик ҳодиса сифатида намоён бўлади ва муайян – мустақил *ҳурмат категориясини* ташкил этади.

Ҳурмат категорияси коммуникацияда (ижтимоий алоқанинг аралашувда, фикрлашувда, монолог ва диалогларда) мулоқот хулқи кўринишида воқеланади. Ўзбек тилида ҳурмат маъносини ифодаловчи ва шакллантирувчи лисоний-нутқий воситалар жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, муайян тизимни ташкил этади. Мазкур тизим заминида ҳурмат нутқи ётади, демак, ҳурмат категорияси барча лисоний-нутқий қирралари билан ҳурмат нутқи кечимида воқеланади.

Ҳурмат нутқи бирлиги бўлган сўз бирикмаси ҳурмат категориясига хос атов бирлиги сифатида қўлланилди. Ҳурмат нутқида ҳурмат категориясига хос ифода усуллари, тасвир воситалари (шакллари) ва лисоний-нутқий ранг-барангликлари мужассамлашган. Демак, ҳурмат нутқи ҳурмат маъносининг воқеланиш (ифодаланиш, шаклланиш) манбаи, лисоний-нутқий омили, имконияти, усули, шакли, вазияти ва бошқалар

Ҳурмат нутқида бошқалардан фарқли ўлароқ “муштарак ҳурмат” белгиси ҳам мавжуд. Сизлаш ҳодисаси бор жойда ҳурматлаш ҳам мавжуд

бўлади: сизлаш ва ҳурматлаш маънолари бир-бири билан узвий ва мантиқан боғлиқдир.

Ҳурмат категорияси ижтимоий-руҳий-лисоний ҳодиса бўлиб, тил қурилишининг барча сатҳларида учрайди. Бироқ унинг воқеланиш усули, лисоний-нутқий воситалари, имкониятлари, шароитлари ҳар бир сатҳда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Ҳурматнинг воқеланишининг асосий усуллари қуйидагилардан иборат: фонетик усул, морфологик усул // синтетик усул, лексик-семантик усул, синтактик-стилистик усул.

Ҳурмат нутқи коммуникатив бирлик сифатида ўз лисоний-нутқий омиллари, имкониятлари ва турлича воситаларига эга. Шартли равишда лисоний-нутқий жиҳатдан ҳурмат воситаларини иккига бўлиш мумкин: а) соф ҳурмат воситалари; б) нисбий ҳурмат воситалари. Ўзбек тилида ҳурмат категориясининг лисоний-нутқий ифодаланиш имкониятлари кенг; бир лисоний модел (қолип) ўндан ортиқ нутқий шаклда намоён бўла олади.

-лар ҳурмат шаклининг ишлатилишида маълум қонуният мавжуд: а) фақат от негизларга қўшилади, б) шунда ҳам отларнинг маълум маъно турига – қариндошлик билдирувчи от негизларга – қўшилади, в) одатда бирликдаги негизга қўшилади, г) эгалик аффикси билан бирга (I, II шахсларда эгалик аффиксидан кейин, III шахсга эса эгалик аффиксидан олдин) ишлатилади (етакчи ҳолат эгаликдан кейин қўшилиши албатта). Кўплик сон аффиксида эса бундай хусусиятлар йўқ.

Ўзбек тилида ҳурмат маъносининг ифодаланиш усуллари, воситаларини ўрганиш ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир. Инсонлар орасидаги ижтимоий-ахлоқий муносабатларни хусусан, ҳурматлаш муносабатини қай йўсинда ифодаланишини илмий асосда ўрганиш ўзбек тили амалий грамматикасининг ифодалилигини, услубий жилваларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган ва «субъектив муносабат ифодаловчи формалар» деб ном олган синтетик бирликларнинг муайян гуруҳида ҳурмат мавзуси мавжуддир. Ҳурмат муносабати эса бир томондан услубий-синтактик (стилистик-синтактик) ҳодиса сифатида, иккинчи томондан эса мазмуний синтаксис ҳодисаси сифатида, учинчидан шаклий-вазифавий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу уч жиҳат бир бутун ҳолда матн лингвистикаси назариясига асосланади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲУРМАТ НУТҚИНИНГ ЛЕКСИК - СЕМАНТИК ВА СИНТАКТИК - СТИЛИСТИК УСУЛЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ҳурмат нутқининг лексик-семантик ифода усули

Ҳурмат маъносининг ифодаланишида лексик-семантик усул алоҳида ўрин эгаллайди. Семантик қирралари турлича бўлган лексик воситалар мустақил ҳолда ёки матн қуршовида ҳурмат маъносини англатиш учун хизмат қилади. Бу ўринда лексеманинг синтактик-стилистик хусусиятлари ва матн қуршови омиллари муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, матн таҳлилида лексик қатламга хос бирликларни лексема, фразеологик қатламга хос бирликларни эса фразема деб номлаган маъқул кўрилади¹⁰⁸. Агар лексема (фразема ҳам) моносема бўлса, лексема (фразема) билан семемага тенг келади; агар полисема бўлса, бир лексемага (фраземага) бир неча семема бирлашади; шунда бу семалардан ҳар бири ўзича (ҳар бир лексема, ҳар бир фразема) мустақил тил бирлиги (луғавий бирлик, лексик бирлик, фразеологик бирлик) деб қаралади. Матн қуршовида лексеманинг у ёки бу қирраси (семаси) синтактик-стилистик талабга кўра, валентлик

¹⁰⁸ Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилнинг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1986. – №3. – Б.16-21.

қонунияти асосида ҳурмат маъноси учун реаллашади: *Отахоним келдилар. Азиз устозларимиз келишди*. Биринчи мисолда ҳурмат кўрсаткичларидан лексема (отаконим), ва морфологик восита (-лар) I шахс бирликка ҳурмат учун ишлатилган; иккинчи мисолда эса азиз, устозларимиз лексемалари ва кесимдаги –ш қўшимчаси ҳам кўплик, ҳам ҳурмат учун ишлатилган.

Нутқий хосланиш белгиси, яъни нутқий қўлланувчанлик белгиси лексема ва фраземаларда луғавий маънога нисбатан белгиларда фарқланиш, одатда, синоним бирликлар доирасида алоҳида аҳамият касб этади.

*Демак, ўзбек халқида ҳурмат алоҳида, ўзига хос ўрин тутувчи туйғу, ҳаттоки категория статусига эгадир.*¹⁰⁹ Шу сабаб бу туйғуни, тушунчани ифодалашда ўзбек тилида турли воситаларга мурожаат қилинади. Айни тушунчани ифодалашда от туркумидаги *ҳурмат, эҳтиром, эъзоз, икром, иззат* каби сўзлар кўпроқ қатнашади.

Ўзбек тилида *ҳурматнинг* юксак *даражасини*, иззат, икром маъносини ифодалашда *эҳтиром* сўзига мурожаат қилинади. Масалан, *эҳтиром билан* тилга олмоқ ибораси воситасида сўзловчининг гап объектига бўлган юқори даражадаги ҳурмати билдирилади. Шу билан бирга, ушбу ибора таркибида *эҳтиром* сўзидан аввал зўр лексемасининг келтирилиши орқали қайд этилган маънога урғу берилади, кучайтирилади (*зўр эҳтиром билан тилга олмоқ*).

Эҳтиром сўзининг мазкур семаси туфайли ўзбек адабий тилида мактубларда, шунингдек, муаллифларнинг автографларида *камоли эҳтиром ила* ибораси фаол қўлланилади. Бу ибора форсий изофа ва *ила* кўмакчиси ёрдамида ҳосил қилинган бўлиб, ёзувчининг *алоҳида эътибори, баланд ҳурмати* маъносини англатади. Зеро, камол лексемасининг семантик хусусиятига боғлиқ равишда *эҳтиромнинг тўлиқ, кам-кўстсиз, юқори даражаси* экани тушунилади.

¹⁰⁹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 120.

Хурмат сўзининг маънодошларидан бўлган *эъзоз* сўзи “хурмат, иззат” семаси билан бир қаторда “ардоқлаш, қадрлаш” маъносида ҳам келиши мумкин.¹¹⁰ Иззат сўзи “кимсага кўрсатилган ёки кимса сазовор бўлган хурмат, эҳтиром” маъносини билдиради. Масалан: *Нури учун эмас, балки қайнона иззати учун айланиб-ўргилиб кўришди.* (Ойбек).

Икром лексемаси китобий сўз бўлиб, хурмат, иззат сўзларига хос маънода ишлатилади.¹¹¹

Хусусан, қайд этилган синонимик қатордан хурмат, эъзоз сўзлари аёлларнинг ва эркакларнинг исмлари сифатида¹¹², *иззат* ва *икром* сўзлари эркакларнинг исми тарзида қўлланилиши мумкин¹¹³. Халқимизнинг бу сўзлардан *исм қўйишда* фойдаланиши, одатда, фарзандининг доим иззат-икромда бўлиши, унинг ардоқланиши, қадрланиши, хурматга, эътиборга сазовор бўлиши тилагига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўзбек тилида хурмат маъносининг турли оттенкаларини ифодалаш имконияти ниҳоятда кенг. Масалан, хурмат маъносини ифода этишда ишлатилувчи, *хурмат*, *эҳтиром*, *эъзоз*, *икром*, *иззат* сўзларининг маълум бирлари жуфтлашиб келиши ва сўзловчининг юқори даражадаги хурмати маъносини ифодалаши мумкин. Масалан: Доим *иззат-икромда* юравериб ўрганиб қолибсиз шекилли, сиркангиз сув кўтармаяпти. О.Ёқубов.

Ўзбек тилидаги хурмат маъносини ифодаловчи сўзларнинг ўзига хос (махсус) белгиларидан бири – улар мурожаат пайтида намоён бўлади. Чунончи, сўзловчи мурожаат чоғида тингловчи ёки тингловчиларга бўлган хурматини, эътиборини кўрсатиш учун махсус сўзлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, президентимиз Ислон Каримов ўз нутқларининг бошида махсус сўзлар ва ибораларни қўллайдилар. Уларни мазмунига, қўлланилиш ўрнига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

¹¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. М.: Рус тили, 1981. 2-ж. – Б. 458.

¹¹¹ Ўша асар. – Б. 320.

¹¹² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. -М.: Рус тили, 1981, 2-ж. – Б. 458.

¹¹³ Ўша асар. - Б.: 316, 317, 320.

- Махсус мурожаат сўзлари: *хонимлар, жаноблар* ва ҳоказо.
- Умумга қаратилган мурожаат сўзлари: *мажлис қатнашчилари, мажлис иштирокчилари, ватандошлар, юртдошлар, биродарлар, дўстлар, меҳмонлар, жамоа* ва ҳоказо.

а) эгалик аффикси -им қўшилиши билан ҳурмат маъноси янада бўрттирилади: юртдошларим, қондошларим, биродарларим, ватандошларим.

б) ҳурмат билдирувчи лексема – “таянчи лексема”+ “ҳурмат қаратилган субъект ёки объект”: “ҳурматли ватандошлар”, “ҳурматли ватандошларим”.

Бу каби қўлланишлар табрикномалар матнларида кўплаб учрайди.

- Касб-корга, лавозимга боғлиқ мурожаат сўзлари: *депутатлар, халқ ноиблари, сенаторлар, президентлар, давлат бошлиқлари, давлат вакиллари, уруш фахрийлари, спортчилар, раис, Ижроия Кенгаши аъзолари, Хоразм аҳли* ва ҳоказо.

Қайд этилган мурожаат сўзлари ва сўз бирикмалари (биринчи гуруҳдаги сўзлардан ташқари) *ҳурматлов, қадрлов* маъносини билдирувчи сифатлар иштирокида келиши мумкин. Масалан, Президентимиз И.А.Каримов “ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи нутқи”да “Ҳурматли Ижроия Кенгаши раиси! Муҳтарам Бош директор – Федерико Майор жаноблари! Хонимлар ва жаноблар!” мурожаати билан ўз нутқларини бошлаганлар.¹¹⁴ Ушбу мурожаатда *ҳурматли, муҳтарам* белги билдирувчи сўзлари қўлланган бўлиб, бу лексемалар сўзловчининг юксак эҳтиромини ифода этишга хизмат қилган. Президентимиз нутқида, хусусан, *қадрли, азиз* сифатлари ҳам кенг қўлланилади. Қайд этиш лозимки, ҳурмат маъноси қўшимча тарзда сўзловчининг меҳри, муҳаббати туйғуларига йўғрилган бўлса, бу маъно таъкидланса, кучайтирилса, мазкур ҳолат эгалик категориясининг биринчи шахс бирлик қўшимчаси орқали реаллашиши

¹¹⁴ Каримов И. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 32.

мумкин. Масалан: *Азиз юртдошларим!*¹¹⁵ *Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!*¹¹⁶ Шунингдек, расмий нутқда мурожаат қилингувчининг лавозимини билдирувчи сўз ёки бирикмадан сўнг жаноблари лексемасини келтириш орқали юксак ҳурмат-эҳтиром маъносига урғу берилади. Масалан: *Муҳтарам Раис жаноблари! Муҳтарам Бош котиб жаноблари!*

Ўзбек тилида *ҳурмат*, *эҳтиром* маъносини ифодалашда *жаноби олийлари (олиялари)*, *зоти олийлари (олиялари)*, *ҳазрати олийлари (олиялари)* каби бирикмалар ҳам ишлатилади. Бу бирикмалар форсий изофа орқали ясалган бўлиб, асосан тарихий асарларда давр колоритини акс эттиришда қўлланилади. Масалан: *Бош устига, ҳазрати олийлари!* О.Ёқубов. Бироқ ҳозирги даврда ушбу бирикмалар расмий доираларда, нутқ қаратилган давлат вакилининг унвонига боғиқ равишда қўлланилиши мумкин, президентимиз И.А.Каримовнинг нутқлари бунинг яққол далилидир. Хусусан, тилга олинган *ҳурмат*, *эҳтиромни* ифодаловчи бирикмалар расмий ёки норасмий мактубларда ишлатилиши мумкин.

Қайд этилган бирикувлар таркибидаги сўзларнинг таҳлилига эътибор қилайлик. *Жаноб* сўзи араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, кўпинча жаноблари, жанобингиз шаклида ҳам қўлланилади. Бу сўз қуйидаги маъноларни ифода этиши мумкин:¹¹⁷ а) амалдорлар унвони ёки уларни улуғлаш формаси. Масалан: Демак, *жанобларининг* ҳукмлари жиддий? б) юқори табақаларга мансуб кишилар, улуғ шахслар исми ёки мансабларига қўшилиб, ҳурмат ифодалайди: Мудир *жаноблари*, мен тарбия бобида ҳеч қандай хато қилганим йўқ. (Ойбек).

Зот сўзи “бир бобокалондан, аждоддан тарқалган насл, авлод”, “бирор фазилати билан ажралиб турувчи шахс”, “*жинс, нав*” маъноларини билдириш учун қўлланилади¹¹⁸. *Зоти олий* ибораси бевосита айна сўзнинг

¹¹⁵ Каримов И. Ўша асар. – Б. 410.

¹¹⁶ Каримов И. Ўша асар. – Б. 183.

¹¹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. -М.: Рус тили, 1981. 1-ж. – Б. 273.

¹¹⁸ Ўша асар. – Б. 309.

иккинчи маъноси орқали вужудга келган бўлиб, “олий зот, улуғ инсон” деган мазмунни ифода этади. Зоти олий ибораси умуман ҳар қандай киши, шахсга нисбатан ишлатиши, шунингдек, бирор табақа аҳлига қарата қўлланилиши ва кучли ҳурмат маъносини англатиши мумкин. Масалан: Зоти *олийларининг* истаклари ҳар доим вожиблигидан хабардормидингиз? (П.Қодиров.)

Ҳазрат сўзи “Аллоҳ, пайғамбар каби муқаддас зотларни улуғлаш учун уларнинг исми олдидан қўлланиладиган” лексемадир. Бу сўз “подшоҳ, хон, бек каби олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун “*жаноби олийлари*” маъносида” ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, айна лексема фан, санъатда шуҳрат қозонган буюк кишиларни улуғлаш учун ва умуман ҳурматни ифодалаш учун тахаллус ва номларга қўшилиб келиши мумкин. Масалан: *Навоий ҳазратлари, ҳазрати Жомий*¹¹⁹.

Олий сифати “мавқеи, мартабаси, раҳбарлик роли ва ш.к. жиҳатидан энг юқори; бош”, “сифат жиҳатдан энг юқори, энг яхши”, “тараққиётнинг энг юқори даражасига эришган, баркамол”, “маориф системасида: ўрта мактабдан баланд”, “юқори, мураккаб”, “юқори, сўнгги” мазмунларини ташиши мумкин¹²⁰. Бу сифат-лексема ва *жаноб, зот, ҳазрат* каби отларнинг форс изофаси орқали бирикишидан юзага келадиган иборалар “олий табақага мансуб ёки олий мансабга эга бўлган киши (подшоҳ, хон, амир, бек ва ш.к.) ва уларнинг номини улуғлаб айтиладиган мурожаат формаси” бўлган бўлса-да, ҳозирда қўлланилиш доираси кенгайган бўлиб, президентлар, давлат раҳбарлари, катта ташкилот раҳбарлари, чет эллик ҳурматли шахсларга нисбатан кенг ишлатилмоқда.

Демак, *жаноби олийлари, зоти олийлари, ҳазрати олийлари* бирикувларининг лексик-семантик таҳлили шуни кўрсатадики, айна бирикувлар таркибидаги биринчи компонент мазмунан ҳурмат, улуғлаш

¹¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. –М.: Рус тили, 1981. 2-ж. - Б. 674-675.

¹²⁰ Ўша асар. – Б. 532.

мақсадида қўлланиладиган махсус лексемалар қаторига киради. Иккинси компонент – *олий* сифати эса бу сўзларнинг маъносига кўтаринкилик, баландпарвозлик оттенкаларини юклайди.

Бадий асарларда ёки оғзаки нутқда *жаноби олийлари, зоти олийлари, ҳазрати олийлари* иборалари кесатиқ маъносида ишлатилиши мумкин. Бунда сўзловчи одатда ўзига бино қўйган, димоғдор, ўзини ҳаддан зиёд, ёшига, лавозимига номуносиб тарзда катта олувчиларга киноя билан мурожаат қилишда, сўзлашда салбий муносабатини ифодалаш учун ишлатади. Масалан: *Жаноби олийларига яна нима кам?*

Демак, сўзловчининг ҳурматини таъкидлаб ифода этиш учун ўзбек тилида бир қатор сифат лексемалар кўпроқ ишлатилади. Хусусан, *ҳурматли, иззатли, муҳтарам*¹²¹, *азиз, қадрли, қадрдон, қимматли*¹²² белги маъноли сўзлар айнан шу мақсадда қўлланилади. Ва албатта, бу сўзларнинг ўзига хос қўлланилиш ўринлари ва вазиятлари мавжуд: *ҳурматли, иззатли, муҳтарам* сўзлари “ҳурматга лойиқ, иззат-обрўга эга” маъносини ифодалашга хизмат қилади. А.Ҳожиёв гарчи *муҳтарам* сўзини китобий лексема¹²³ сифатида баҳолаган бўлса-да, ҳозирги пайтда ушбу сўз расмий доираларда қўлланилувчи, сўзловчининг юксак ҳурмат-эҳтиромини ифодаловчи лексик восита сифатида кўп қўлланилиши кузатилмоқда, *азиз, қадрли, қадрдон, қимматли* сўзлари, А.Ҳожиёвнинг эътирофича, кадр-қиммат билан боғлиқ муносабатларни, кўнгилга яқин муносабатларни ифодалайди. Бу лексемалар *қадрли, қимматли* сўзлари доимо аниқланмишни талаб этади. *Қадрдон* сўзи эса аниқланмиш билан ҳам аниқланмишсиз ҳам бемалол сўзловчининг ҳурматини кўрсатувчи сўз сифатида ишлатилиши мумкин. *Азиз* лексемаси вазифасига кўра *қадрли, қимматли* сўзлари сингари аниқланмишни талаб этса ҳам, нутқда ҳурматни ифодалашда отлашиши, эгалик қўшимчаларини олиши ҳамда якка ўзи

¹²¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1971. – Б. 272.

¹²² Ҳожиёв А. Ўша асар. – Б. 16.

¹²³ Ҳожиёв А. Ўша асар. – Б. 16.

мурожаат шакли сифатида қўлланилиши кузатилади. Ўзбек сўзлашув тилида, шунингдек, *азизим* сўзининг қаттиқ мунозарага киришилган вақтда, сўзловчининг ўз фикрини маъқуллаши мобайнида ҳамсухбатига ҳурматини кўрсатишда, муносабатнинг ёмонлашувининг олдини олишда ишлатилиши ҳам кузатилади. Масалан: *Азизим, сиз қаттиқ янглишаяпсиз*.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, улар лексема ҳурмат маъносини ифодалашда умумий жиҳатларга эга бўлишдан ташқари, ўзаро фарқланувчи хусусий белгиларга ҳам эга. Бу лексемаларнинг маълум маъно қирраларини инобатга олган ҳолда 4 та гуруҳга бўлишимиз мумкин.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да¹²⁴ *ҳурмат маъноси билан боғлиқ* юздан ортиқ лексема берилган. Булардан 50 таси таҳлилга тортилди. Улар ҳурмат маъносини ифодалашда умумий жиҳатларга эга бўлишдан ташқари, ўзаро фарқланувчи хусусий белгиларга ҳам эга. Бу лексемаларнинг маълум маъно қирраларини инобатга олган ҳолда 4 та гуруҳга бўлишимиз мумкин.

- Муомала одобида, хусусий муносабатда, мулоқот ҳулкида (коммуникацияда) ҳурмат маъносини англатишга хизмат қилувчи сўзлар: *азиз, айланай, биби, мулла, ҳазрат, тақсир, хоним* ва бошқалар;
- Китобий – тасвирий нутқда қўлланиб, ҳурмат маъносини англатувчи сўзлар: *ардоқламоқ, такаллуф, ҳурматламоқ, сизламоқ, эъозламоқ* кабилар.
- Луғавий маъноси ҳурматни билдирувчи лексемалар: *қадрли, муҳаррам, муҳтарам, мўътабар, ҳурматли* кабилар;
- Маълум матн ёки нутқ вазиятида ҳурмат маъносини ифодаловчи лексик бирликлар: *бой, биби, бек, бузруквор, нуфузли* кабилар.

Юқоридаги тўрт гуруҳ лексемалар иштирокида тузилган гапларни *ҳурмат нутқи деб аташ* маъқул кўринади.

Ҳурмат нутқида «таянч лексемалар» иштирок этади, қайсики аксарият улар ҳурмат нутқи асосини ташкил этади. Масалан: *ҳурматли, азиз, муҳтарам, табаррук, ардоқли...* кабилар.

¹²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. М.: Рус тили, 1981. 1,2-ж.

Азиз. Сифат лексема, Улуғворлик йўналишида ҳурмат ифодалайди. Иззат-ҳурматга сазовор, қадрли, қимматли, муҳтарам сўзларига синоним ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу лексеманинг беш хил маъноси кўрсатилган¹²⁵.

- Азиз – суюш йўналишида ҳам ҳурмат ифодалаши мумкин:
Фарзанд азиз – одоби ундан азиз.

Ардоқламоқ - феъл лексема.

- Улуғворлик йўналишида ҳурмат ифодалайди.

Ҳурматламоқ, улуғламоқ, эркаламоқ, сийламоқ, иззат-икром кўрсатмоқ каби сўзларга синоним бўла олади.

Фозил ота эл иззат-икром қилиб, ардоқлаб, кўкларга кўтарган одам эди.

- Эркалаш йўналишидаги ҳурмат маъноси:

Мен сени ардоқлаб вояга етказдим

- Авайламоқ йўналишидаги ҳурмат маъноси: Кўз қорачиғидай сақламоқ.
У она-Ватан тупроғини ардоқлаб кўзига суртди.

*Бузруквор*¹²⁶ – от лексема; Улуғ ҳурматга лойиқ, муҳтарам маъносида ишлатилади: *Падари бузруквор* – улуғ ҳурматга лойиқ, муҳтарам ота.

Устозингга минг раҳмат! – дедилар падари бузрукворимиз.
(С.Анорбоев. “Ҳаётга йўлланма”).

*Мукаррам*¹²⁷ – сифат лексема.

Улуғворлик йўналишидаги ҳурматни билдиради. Иззату икром қилинувчи, иззатли муҳтарам, улуғ каби синонимлар қаторида кўриш мумкин:

Элда азизу муҳаррам бўл, асло хор бўлма.

*Мулла*¹²⁸ – от лексема.

Зиёкорлик, маърифат йўналишидаги ҳурматни билдиради.

¹²⁵ Ўша асар. I-ж. –Б. 30.

¹²⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-ж. – Б. 477.

¹²⁷ Ўша асар, – Б. 488.

¹²⁸ Ўша асар, – Б. 488.

Хурмат юзасидан мурожаатда ўқимишли кишилар исмига қўшиб ишлатилади.

Дунёнинг иши шунақа экан, Мулла Алим, - деб уни юпатиб қўйди.

(А.Қодирий. “Ўтган кунлар”)

Обрў – от лексема.

Хурмат, нуфуз маъносини беради.

Ахир менинг ҳам ўзимга яраша обрўйим бор. Тошкентда кимсан Юсуфбек хожининг ўғлиман. (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”).

*Сиз*¹²⁹ – олмош (II шахс, кўплик) лексема.

Ўзидан катта кишига ва умуман ҳар қандай шахсга нисбатан сизлаш йўли билан ҳурмат билдириш шакли: *Айланай сиздан, пошшақиз! Мирзакаримбойнинг ҳовлилари шуми?* (А.Қодирий, Ўтган кунлари)

*Сизламоқ*¹³⁰ – феъл лексема.

Ўзидан каттага ёки ҳар кимсага ҳурмат юзасидан “сиз” деб гапирмоқ, сизсирамоқ: Собиржонқорининг эшигида бирга ишлаб хасратлашиб юрган вақтларида Сидиқжон уни сенсирар “Ҳайдар” дер эди, қачондан бери уни сизлайдиган, ўзидан бир ёки икки ёш кичик бўлишга қарамай “Ҳайдарали ака” дейдиган бўлди? (А.Қаҳҳор. “Қўшчинор чироқлари”).

Хурмат маъносини ифодаловчи лексик-семантик воситалар борасидаги кузатишларимиз қуйидагиларни қайд этишни тақозо этади.

- Хурмат маъносини билдирувчи лексемалар тузилишига кўра туб ва ясама бўлиши мумкин (Азиз - туб, эътиборли ясама).
- Бундай лексемалар асосан от, олмош, сифат, феъл, сўз туркумига мансуб бўлади (хоним-от, сиз-олмош, мўътабар-сифат, ардоқламоқ-феъл).
- Бундай лексемалар ўзаро синоним бўлиши мумкин (Азиз, мўътабар, ҳурматли, қадрли).

¹²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. –Тошкент: Рус тили, 1981. 2-ж. – Б. 44.

¹³⁰ Ўша асар. – Б. 44.

- Бундай лексемаларнинг қўлланиш доираси тор ёки кенг бўлиши мумкин (Азиз-кенг доирада; Бузруквор - тор доирада).

Қавм-қариндошчилик атамалари воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши

Маълумки, қавм-қариндошчилик муносабатларининг заминида ҳурмат ётади, унинг куртаклари, япроқлари ва мевалари ҳурмат томиридан озикланади, шу йўналишда барқ уради. *Каттага ҳурмат, кичикка иззат*, улуғларга эҳтиром хис-туйғулари оилади ёшликдан сингдирилади. Баркамол авлод тарбияси шу йўсинда қарор топади. *Каттага ҳурматда – кичикка иззатда* нақлидан ҳурмат томири озикланади, яъни *кичикнинг ҳурмати қарз – кексанинг ҳурмати фарз* каби ижтимоий-лисоний омил ҳурматнинг қавм-қариндошчилик йўналишида ривожланади ва мустаҳкамланади. *Куёвни пайғамбарлар сийлайди, келин-оиланинг янги аъзоси–фаршита* каби муносабатлар *келин-куёв ҳурмати* энг қадимий қадриятлардан эканлигини кўрсатади.

Ҳар қандай атама каби қавм-қариндошчилик атамалари ҳам нечоғлик турғун бўлмасин, вақт ўтиши жамиятнинг ўзгариши, оила, никоҳнинг янги шакллари ва унинг ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши билан ишлатилиб келинаётган қавм-қариндошчилик атамаларининг маъно доираси ҳам кенгаяди, янги турлари пайдо бўлади.

Ўзбек халқи ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида турли тизимда сўзлашувчи кўпгина халқлар билан бақамти ҳаёт кечирди. Шунинг натижасида ўзбек тили – мураккаб шароитда шаклланди ва унинг луғат қатлами, хусусан, қавм-қариндошчилик атамалари ҳам бошқа тилларнинг лексик унсурларини-атамаларини ўз ичига олган ҳолда ривожланди. Лекин шундай шароитда бўлса-да, ўзбек тилининг асосий қавм-қариндошчилик атамалари сақланиб қолди ва маъно доирасини кенгайтирди.

Ҳозирги ўзбек тилидаги қавм-қариндошчилик атамалари ўзининг келиб чиқиши ва маъносига кўра 3 та катта гуруҳга бўлинади¹³¹:

- Қон-қариндошчилик атамалари (ота, она, ака, ука, тоға, хола, амма, амаки, бува, буви кабилар).
- Никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик атамалари (эр, хотин, келин, куёв, қайин она, қайин ота, куда, почча, божа).
- Яқинлик номлари (тутинган ота (+-м), тутинган она (+-м), тутинган ака (+-м), тутинган ўғли (+-м) каби.

Қавм-қариндошчилик атамалари тарихий-этимологик таркиби жиҳатидан 4 (тўрт) гуруҳга бўлинади:

- а) қондошлик атамалари: ота, она, эр, хотин...
- б) қариндошлик атамалари: ота-бола, она-бола, ака, опа, сингил...
- в) қон-қариндош атамалари: тоға, амаки, хола, амма...
- г) қавм-қариндошчилик атамалари : куда, тутинган ота, тутинган она, ўғай она, ўғай ота, ўғай ўғил, ўғай қиз...

Ўзбек тилидаги бу турдаги атамалар грамматик тузилишига кўра учга бўлиш мумкин:

- Содда сўз билан ифодаланадиган атамалар – ота, она, ўғил, қиз бола, бува, буви, бобо, неvara. ...
- Қўшма сўзлар билан ифодаланадиган атамалар – катта ойи, катта буви, қайин ота, қайин она, куда хола. ...
- Жуфт сўз билан: ифодаланадиган куда-анда, келин-куёв.

Ўзбек тилида қон-қариндошчилик атамалари соф лексик ҳолатда ва турли аффикс, аффиксоидлар қўшилиши билан ҳурматлаш маъносини ифодалайди.

Она атамаси

¹³¹ Исмоилов М. Туркий тилларда қавм-қариндошчилик терминлари. –Тошкент: Фан, 1966. - Б. 10-11., Нарзиева М. – Қон-қариндошлик номларининг // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986. –№ 5. –Б.47-49; Исмоилов И. Ўзбек тилидаги қавм-қариндошчилик терминларига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. –№ 3. – Б. 40-43.

- Бегона ўрта ёшдаги аёл кишига “шахсга” нисбатан қўлланганда ҳурмат маъносини беради.
- *Она, сиз бу ерда янгимисиз?* (Ш.Холмирзаев).
- Она, ая атамалари атоқли отлардан кейин келиб, у шахсни ҳурматлаш маъносини кучайтиради.
- *Саломат ая хўп яхши аёлда, мен уларни ўз онамдек кўраман.* (“Саодат”, 1990).
- –Жон, -хон, -жонгинам, - ийзор морфологик кўрсаткичлари она атамасига қўшилиб ишлатилиши натижасида ҳурмат маъноси кучаяди.

Азиз онажонлар, аяжонлар, бувижонлар байрамингиз билан қутлаймиз. (“Гунча”, 1997).

-жон+гина+м кўринишидаги мураккаб шакл:

Эй, онажонгинам қани энди шуларнинг ҳаммаси туш бўлса. (Шухрат).

Онахон айбга буюрмаймиз, сизни танимай турибман. (Газетадан).

-ий+зор аффиксоиди¹³² она атамасига қўшилиб ҳурмат маъносини беради.

Онаийзор уни қораси ўчгунча орқасидан термулиб қолди. (Ғ.Ғулом “Ёдгор”).

Ота атамаси.

- Бирор бегона шахсга нисбатан мурожаатда шу шахсни ҳурматлаш маъносида қўлланади:
- *Ота, хуш келибсиз, марҳамат тўрга ўтинг.* (С.Аҳмад, “Қирқ беш кун”).
- Айни атама атоқли отлардан кейин қўлланиб ҳурмат маъносини ифодалаш учун хизмат қилади:
- *Қосимжон ота зап шинаванда одамда.* (Газетадан).

¹³² Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг аналитик ва функционал формалари. –Тошкент: Фан, 1985.– Б. 60.

- Касб номларини англатувчи турдош отлардан кейин келиб ҳурмат маъносини ифодалайди:
- *Деҳқон ота, ўз меҳнатидан мамнун, сўзида давом этди.* (Газетадан).
- Ота атамасига –жон, -хон аффиксоидлари қўшилиши натижасида ҳурмат маъноси янада кучаяди:
- *Отажон, сиздан миннатдорман, менга ҳақиқий оталик қилдингиз.* (Газетадан). *Отахоннинг ҳиммати баланд.* (С.Аҳмад, “Қирқ беш кун”).
- Ўзбек тилида ота маъносини берувчи ада, дада атамалари ҳам бор. Улар –жон аффиксоиди қўшилганда, яъни *адажон, дадажон* кўринишидаги сўзлар ўз отасига бўлган ҳурматни билдиради.

Ўғил атамасига I шахс эгалик аффикси қўшилиб бегона шахслар томонидан ўз боласи тенги бўлган ёшларга қарата мурожаатда қўлланганда ҳурмат маъноси англашилади. Бу вақтда бегона шахс ўз ўғли эмаслиги матнда англашилади.

Ўғлим, адашган кўринасиз, сизга ким керак? (Газетадан).

Қиз атамаси I шахс эгалик аффикси қўшилиб бегона қари чол, кампирлар нутқида мурожаат қилинувчи қиз ўз қизлари тенги бўлганда шу қизга нисбатан ҳурмат, ўзига яқин тутиш маъноси англашилади.¹³³

Қизим, кўзимга иссиқ кўриндингиз, кимнинг қизисиз? (Оғзаки нутқ).

Ўзбек тилида ака, оға атамалари умуммаънога эга бўлиб, бегона ўзидан катта ёшдаги шахсларга нисбатан ҳурмат нуқтаи назаридан мурожаат қилинган кўпинча шу шахснинг шахсий исмига, унинг касбини, маълум хусусиятини кўрсатувчи белгиларга қўшилиб келади.¹³⁴

Фазлиддин ака бизникига кириб ўтинг, отам йўқлагандилар. (Газетадан).

Бу киши кимингиз бўладилар, бек ака? (А.Қодирий “Ўтган кунлар”).

¹³³ Қаранг: Исмоилов И. Туркий тиларда қавм-қариндошлик терминлари. –Тошкент: Фан, 1986. –Б. 44.

¹³⁴ Ўша китоб. – Б. 55.

Ака+ -жон ёш жиҳатидан ўзидан катта бўлган бегона шахсга нисбатан қўлланганда ҳурмат, яқин олиш маъноларини ифодалайди.

Акажон, мен, бир зумда қайтамиз. (Оғзаки нутқ).

Акажон, қилганингиз жуда савоб иш бўлдида. (Газетадан).

-жон аффиксиоди *ога, биродар* атамаларига қўшилиб келиб ҳам ҳурмат маъносини англатиши мумкин. Ўзбек тилидаги биродаржон шакли икки шахснинг, дўстнинг бир-бирига нисбатан ҳурматини ифодалаш учун ишлатилиши билан бирга, бегона шахсга нисбатан мурожаат маъносида қўлланади. Бу шакл нисбатан камроқ учрайди.¹³⁵

Ини, ука атамалари ёш жиҳатидан ўзидан кичик шахсларга нисбатан яқин олиб, ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда ишлатилади.

Иним, сизни учратганим зап яхши иш бўлдида. (Газетадан).

Ука, барака топинг. (Ш.Холмирзаев).

Ука+ -жон шаклида ҳурмат янада кучаяди.

Укажон, мусофирчилик қийин, бу кеча меникида тунайсиз. (“Саодат” 1990).

Опа, ая, эгачи атамалари.

- Ўзидан катта бегона аёлларга нисбатан мурожаатда қўлланганда ҳурмат маъноси англашилади:

Опа, сиз ҳам келинг, бир чой ичамиз. (Оғзаки нутқ).

Вой эгачи, ҳали биз сиз билан опа-сингилдек бўп кетамиз. (“Саодат” 1993).

Ая, катта савобни тагида қолдилар. (“Саодат” 1993).

- Бирор жамоат ташкилотининг раҳбари аёл киши бўлса, унинг бошчилигида ишлайдиган кишилар шу аёл ҳақида гапирганда “опа” деб ҳурмат юзасидан тилга олишади.

Опа бугун келмадида, тинчликмикин!? (Оғзаки нутқ).

- Кичикларга мурожаатда опа атамаси атоқли отлардан кейин келиб ҳурмат маъносини англатади.

¹³⁵ Қаранг. Исмоилов И. Туркий тилларда қавмғариндошлик терминлари. –Тошкент: Фан, 1966. – Б. 59.

Озода опа ўзи ёш бўлса-да жамоамизда ҳурмат қозонган аёл. (Газетадан).

- Ўзидан кичик бўлган бегона шахсга нисбатан (аксарият ҳолларда исмини билмасдан) ҳурмат юзасидан опа деб мурожаат этилади.¹³⁶

- Опа+ -жон шакли ҳурматни кучайтиради.

Опажон, сиз хўп десангиз бўлди, бу ишни ўзимиз дўндирамыз. Қизингиз кўнади, мен кафил. (“Саодат”, 1993).

Сингил атамаси I шахс эгалик аффиксини қўшиши билан ёш жиҳатидан ўзидан кичик бўлган бегона аёл кишига нисбатан мурожаатда қўлланганда ҳурмат маъносини англашилади.

Синглим, ёш экансиз, ҳаётда ҳали кўп қоқиласиз.

Ўзингиздан битта ортиқ кўйлак йиртганларнинг сўзига киринг. (“Саодат”, 1993).

Кам бўлманг, барака топинг синглим. (Шухрат “Бир кеча фожиаси”).

Буви атамаси қари кампирларнинг исмларига қўшилиб, уларга бундай ҳурматни ифодалайди.

Собирабуви, Норбуви Меҳри буви...

Нисо буви беш кун деганда ишининг натижасини кўрди (А.Қаххор “Бошсиз одам”).

Бува атамаси шундоқ ўзини ёки –жон аффиксоиди қўшилган *буважон* шаклида қари, кексайган кишиларга нисбатан ҳурмат юзасидан мурожаатда қўлланади.

Бува ёшлигингиз ҳақида ўртоқларимга суйлаб беринг. (Гулхан. 1990)

Буважон биз сизга ёрдамга келдик. (Ғунча. 1997)

Бува, бобо атамалари.

- Атоқли отларга қўшилиб келиб ҳурмат маъносини ифодалайди.

Ҳозирги кунда Шариф бобо набиралари даврасида мазза қилиб, қарилик гаштини сураяпти. (Газетадан).

¹³⁶ Исмоилов И. Ўша китоб. – Б. 67-70.

- Касб-хунарни ифодаловчи баъзи сўзларга қўшилиб ҳурмат ифодалайди.

Менга бу воқеани бир деҳқон бобо ҳикоя қилиб берган. (Гулхан, 1999).

Хола атамаси. Бегона аёл кишига ҳурмат юзасидан мурожаатда *хола* (*хола+жон*) атамаси ҳам қўлланади. Бунда *хола* (*холажон*) ўз ҳолича ёки атоқли отлар кетидан ишлатилади.

Хола сиз шу ерда ўтира тулинг мен ҳозир билиб бераман. (Оғзаки нутқ).

Шарифа хола рўмолининг учи билан юз-кўзларини артиб, ҳикоясида давом этди. (Саодат, 1995).

Амма атамаси. *Амма+* –жон аффиксоиди қўшиб қўлланганда ҳурмат маъноси англашилади.

Аммажон, келдингизми? Сизни жуда соғиндим. (Оғзаки нутқ).

Амаки атамаси.

- Ўз маъносидан ташқари бегона шахсга нисбатан уни ўзига яқин тутиш ва ҳурмат юзасидан мурожаат учун ишлатилганда энг маҳсулдор сўз ҳисобланади¹³⁷.

Амаки, келинг бу ерда жой бор. (Сўзлашув).

- Атоқли отларга қўшилиб ҳам ҳурматлаш маъносини ифодалайди.

...Бошқа хил айтганда, Зиё амакининг фикрлари қисман тўғри. (А.Қодирий. “Ўтган кунлар”).

- *Амаки+* –жон шаклида қўлланиб ҳам ҳурмат маъноси ифодалаш мумкин.

Амакижон мен адашиб қолдим, уйимни, ойимни соғиндим. (Оғзаки нутқ).

Келинойи, кеннойи, келиная атамалари.

¹³⁷ Исмоилов И. Ўша китоб. – Б. 88.

- Ўзидан катта бегона, лекин таниш бўлган шахс-хотинига нисбатан ҳурмат юзасидан мурожаат қилинади. Келинойи Шавкат акам уйдадилар? (Оғзаки нутқ).

- Бегона шахслар томони, ёш келинчакларга *келинпоиша* деб мурожаат қилганда ҳам ҳурмат англашилади.¹³⁸

Келинпоиша янги уйларга ўрганиб қолдингизми? (Оғзаки нутқ).

Почча атамаси. “(Қадимда) шахсларнинг мансабларига, амалига қўшиб – бой почча, суд почча, домла почча сингари формаларда ишлатилиб, шу шахсга нисбатан бўлган ҳурмат ва мурожаатни ифодалаб келган”¹³⁹.

Овсин (овсин+-жон) атамаси. Қўшниси, ўзи тенги аёлга нисбатан ҳурмат юзасидан ўзига яқин олиб мурожаат қилиш учун ишлатилади.

Ҳай, овсин, бери келинг, бир гап айтаман. (Оғзаки нутқ).

Мулла ака атамаси. “... Эрининг - акасига ва ўзининг катта укасига нисбатан ҳурмат нуқтаи назаридан *мулла ака* = *муллака* қўшма сўзи билан мурожаат қилинади”¹⁴⁰.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилида ҳурмат маъноси ифодаловчи воситаларни тадқиқ этиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга она тилимизнинг ифода имкониятларини ўрганишда ҳам муҳим омил саналади.

Қавм-қариндошчилик атамаларидаги ҳурмат даражаси ва унинг қўлланиш ўринлари ҳамда усуллари мулоқот омиллари, шакллари, воситалари нутқ вазиятига қараб белгиланади. Ҳурматнинг қавм-қариндошчилик йўналишида воқеланишида синтактик омил (усул) бош ролни ўйнади, -жон, -гина, -вой каби аффиксоидлар кўпроқ қўлланади.

Ҳурматнинг қавм-қариндошчилик йўналишида *сизсираш (сизлаш)*, ёшга қараб ҳурматлаш, қавм-қариндошчиликнинг узоқ яқинлигига қараб

¹³⁸Исмоилов И. Ўша китоб. – Б. 116.

¹³⁹ Ўша китоб. – Б. 120.

¹⁴⁰ Исмоилов И. Ўша китоб. – Б. 124.

(тоға ёки амаки, бува ёки буви) ҳурматлаш етакчи ўринни эгаллайди. Бува ёки бувига нисбатан яқинлик даражаси кўпроқ ота томонда бўлади, аслида отанинг онаси ҳам, онанинг онаси ҳам буви атамаси билан аталади, ҳурмат даражасида эса *бирдек, тенг мақомга, мартабага* эга бўлади. Муаммонинг бу томони социолингвистикада ўрганилади.

От туркумида аслий ҳурмат маъноси қавм-қариндошчилик атамаларида кўп қўлланади, нисбий ҳурмат эса нисбатан кам миқдорни ташкил этади.

Ҳурмат нутқининг синтактик-стилистик ифода усули

Юқоридаги билдирилган фикрлардан маълум бўлдики, ҳурмат маъносини ифодаловчи бирликлар тилнинг барча сатҳларида учрайди. Хусусан, ҳурмат маъноси синтактик-стилистик усулда ҳам ифодаланиши мумкин. Матнлар таҳлили жараёнида ўзбек тилида мавжуд кўпгина морфологик-грамматик, лексик-семантик воситалар қаторида сўз бирикмалари, содда ва қўшма гап конструкциялари – фразеологик воситалар, халқ ҳикматлари яъни мақолалардан ҳам ҳурмат маъносини ифодалашда нутқда кенг фойдаланилади. Миллий менталитетга хос хусусиятлар бу ўринда яққол намоён бўлади.

Агар *қадрли дўстим, қадрдон дўстим* бирикмаларидан ҳурмат ифодаловчи воситаларнинг синонимлик хусусиятига эга эканлиги намоён бўлса, *катта иззатда, кичик хизматда* иборасида ҳурмат категорияси тарихий-миллий қадриятлар билан боғлиқлигини, унинг тарихи, илдизи узоқ-узоқларга бориб, тақалишини кўрсатади, *ҳурмат қилсанг – ҳурмат кўрасан* мақоли эса ҳурмат категорияси ижтимоий муносабатда, мулоқот ҳулкида жуда катта маънавий-маърифий моҳият касб этишини билдиради.

Ҳурмат категорияси узоқ тарихий тараққиёт давомида ижтимоий-лисоний категория сифатида шаклланган, ўз лексик-грамматик, товуш-

талаффуз ва интонацион белгиларига эга. Ўзбек тили ҳурмат маъносини ифодаловчи лисоний-нутқий воситаларга ва усулларга бойдир.

Қиёсланг: а) ҳурматли отажоним (падари бузрукворим маъносидаги ҳурмат);

б) ҳурматли отажон, қандай юмуш билан келдингиз (ёшга нисбат, қарияликка нисбат йўли билан ҳурматлаш);

в) ҳурматли отахонлар иззатда, биз хизматда; Оталар сўзи-ақлнинг кўзи (нейтрал, бетараф ҳурмат).

Фраземалар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши

Ҳурматлаш, иззат-икром кўрсатиш амалларини ифодалашда ўзбек тилида қатор феъллар қўлланилади. Бу феълларга *ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ, иззат қилмоқ, сийламоқ* синонимик қаторини киритишимиз мумкин.¹⁴¹ Шу билан бирга, ҳурмат қилмоқ ҳаракатини таъсирчан ифодалаш, қайд этилган маънога урғу бериш учун ўзбек тилида қатор фразеологик ибораларга мурожаат қилинади. Масалан, *бошига кўтармоқ* феъл ибораси икки сўзнинг бошқарув йўли билан бирикувидан ҳосил бўлгандир. Мазкур ибора омоним фразема бўлиб, икки маъноси мавжуд. Биринчидан, ушбу фразема “кучли шовқин-сурон кўтармоқ, жанжал қилмоқ ёки баланд овозда гаплашмоқ, юқори овозда кулишмоқ” семаларини ифодалайди: *Вой-бу, шунақаям бўладими, кап-катта одамлар уйни бошларингга кўтаряпсанлар?* Иккинчидан, *бошига кўтармоқ* ибораси “юксак даражада иззат-икром кўрсатмоқ, эҳтиром билан муомалада бўлмоқ” мазмунини ташийди: *Сиз нима ғамдасиз-у, мен нима ғамдаман, Айтдим-ку, ўғлим мени бошига кўтаряпти деб.* Бу гапдаги бошига кўтармоқ ибораси орқали гапирувчи шахснинг фарзанди тарафидан ўта ҳурмат қилиниши маъноси тушунилади. Қайд этилган иборанинг иштироки эса сўзловчи

¹⁴¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1971. – Б. 272.

назарда тутган маънонинг даражаси юқори эканини ҳамда ушбу ҳолатга урғу берилаётганини кўрсатади.

Ўзбек тилида, шунингдек, ҳурмат-иззат қилмоқ маъносини берувчи *соясига кўрпача солмоқ* ибораси кенг истеъмолдадир. Мазкур фразема воситасида сўзловчи ҳаракат бажарувчининг ҳаракат йўналган шахсга бўлган чексиз ҳурмати, эҳтиромини ифода этади. *Соясига кўрпача солмоқ* ибораси контекстга кўра икки маънода – салбий ва ижобий мазмунда қўлланилади. Бу турғун бирикма воситасида синтактик қуршовига кўра ёки сўзловчи шахснинг салбий эмоционал муносабатига урғу берилади ёхуд унинг ижобий баҳосини таъкидлайди. Масалан: *Намунча, тилла топганми оёғининг тагидан, соясига кўрпача соляпти.* (О.Ёқубов). *Сиз келасиз-у қимирламай ўтираверамизми? Ахир тутинган акамсиз, соянғизга кўрпача солсак арзийди* (О.Ёқубов). Келтирилган мисолларнинг биринчисида соясига кўрпача солмоқ ибораси салбий оттенкага эга ва у “лаганбардорлик қилмоқ, арзимайдиган одамга ҳаддан зиёд ҳурмат кўрсатмоқ” мазмунини билдирган. Иккинчи гапда эса соясига кўрпача солмоқ фраземаси, аксинча, ижобий мазмунга эга ҳамда “ҳар қанча ҳурмат қилса ҳам арзимок, кам бўлмоқ” маъносини юзага чиқарган. Соясига кўрпача солмоқ иборасининг нисбий синоним бўлган тагига пахта қўймоқ турғун бирикмаси ҳам ҳозирда оғзаки нутқда фаол қўлланилади. Бу ибора салбий оттенкага эга бўлиб, “ҳаддан ташқари хушмуомала бўлмоқ, мулозамат кўрсатмоқ”, баъзида “лаганбардорлик қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ” мазмунларини ифодалаш мақсадида ишлатилади. Мазкур иборалар ўзбек халқининг менталитетига боғлиқ равишда юзага келган. Чунки, биламизки, ўзбекона, хусусан, шарқона маданият, одоб-ахлоқ нормалари имкон қадар ҳеч кимнинг, ҳаттоки душман саналувчиларнинг ҳам кўнлига озор етказмаслик, уларнинг ўзларини, фикр-мулоҳазаларини, хоҳишларини ҳурмат қилишни талаб этади. “Меҳмон отангдан улуғ” (ёки “Меҳмон отангдай улуғ”), “Меҳмон атойи худо” мақоллари ҳам бунинг яққол далилидир, яъни меҳмон ким бўлишидан қатъий

назар, ҳурмат ва юксак эҳтиромга лойиқдир. Шу билан бирга, айрим ўринсиз вазиятларда сабабсиз хушомадгўйлик ҳолатлари кузатилади, бунда салбий оттенкадаги соясига кўрпача солмоқ, тагига пахта қўймоқ ибораларига мурожаат қилинадики, иккинчи ҳолат аниқ, яққол салбий муносабатни ифода этади. Қайд этилган ибораларнинг антоними эса юзига оёқ қўймоқ кўринишига эга бўлиб, бу фразеологизм “оёқости қилмоқ, беҳурматлик қилмоқ” мазмунини англатади.

Қуйида ўзбек тилининг фразеологик луғатида¹⁴² берилган айрим турғун бирикмалар – фраземаларни таҳлилга тортиб, мисоллар билан мустаҳкамлаймиз.

*Бошига кўтармоқ:*¹⁴³

Ким (ўзининг) кимни юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ.

Улардан миннатдорман, мени “қизим-қизим” деб бошига кўтаришди. Ҳурматимни жойига қўйишди.

*Жон (и) дан азиз кўрмоқ*¹⁴⁴

Ким кимни юксак даражада қадрлаб, суйиб меҳр-оқибат кўрсатмоқ.
Вариант: *Жонидан ортиқ кўрмоқ.*

Сизни жонидан азиз кўргани учун шу ишни қилди.

Отам мени жонидан ортиқ кўрар эди.

*Жоним қоқай*¹⁴⁵ - Меҳр билан суйиб мурожаат қилишни билдиради.
(Катта ёшли аёллар нутқида ишлатилади, гапда ундалма бўлиб келади).

Майли, катта бувингиз, хафа бўлманг, жонимни қоқай.
(М.Исмоилий. “Фарғона тонг отгунча”).

*Жонини парвона қилмоқ*¹⁴⁶

Ўзгага иззат-ҳурмат билдирувчи хатти-ҳаракатлар қилмоқ.

¹⁴² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 379 б.

¹⁴³ Ўша луғат. – Б. 44.

¹⁴⁴ Ўша луғат. – Б. 97.

¹⁴⁵ Ўша луғат. – Б. 98.

¹⁴⁶ Ўша луғат. – Б. 99.

Унга ўзимни журналист деб таништирдим. Чиппа ишониб, жонини парвона қилди. (Саодат 1990).

*Обрўйи баланд*¹⁴⁷

Шахсининг катта нуфузга, иззат-икромга, эътиборга эга эканлигини билдиради. Варианти: *Обрўй – баланд*. Масалан: Жамоа орасида обрўйи баланд.

У кишини ҳамма танийди. (Сўзлашувдан)

*Обрў топмоқ*¹⁴⁸. Шахсининг нуфузга молик бўлмоқ, иззат сақламоқ, ўзини тутмоқ йўсинида ҳурмат топиши:

“Шу маҳмадона билан сўз уриштириб нима обрў топар эдим, нима кераги бор эди?” (А.Қахҳор. “Синчалак”).

*Садақа (си) кетай*¹⁴⁹. Мазкур фразема кимсанинг ҳурмати баланд эканини ифодалайди, кириш вазифасида келади.

Садақаси кетай, бу илм деганинг таги йўқ дарёй азим эканда-а?

(С.Анорбоев. “Ташвиш”).

Соя (си) га кўрпача солмоқ.¹⁵⁰

Шахсининг иззат-ҳурмат қилишни меъёридан ўтказиб юбормоқ, ҳурмат даражасини керагидан ортиқ оширмоқ, малол келадиган даражада.

Соясига кўрпача ёзмоқ; Соясига кўрпача тўшмоқ.

Ҳамма унинг соясига кўрпача солади.

*Қадр (и)га етмоқ*¹⁵¹

Ким кимнинг ёки ниманинг ҳурматини тегишлича қадрламоқ, қадр-қийматини, аҳамиятини тўғри баҳолай билмоқ.

Киши қийинчиликка дуч келмагунча асл дўстликнинг қадрига етмас экан. (О.Ёқубов. “Икки муҳаббат”)

¹⁴⁷ Ўша луғат. – Б. 184.

¹⁴⁸ Ўша луғат. – Б. 184.

¹⁴⁹ Ўша луғат. – Б. 231.

¹⁵⁰ Ўша луғат. – Б. 237.

¹⁵¹ Ўша луғат. – Б. 141.

Ҳикматлар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши

Ҳурмат категориясининг халқ оғзаки ижодиётида: дoston ва эртакларда, афсона ва ривоятларда, кўшиқ ва термаларда, мақол ва маталларда, топишмоқ ва ҳикматларда, шунингдек ўзбек халқ шеваларида қўлланиш жиҳатлари ҳар томонлама аҳамиятга моликдир. Чунки *эъзоз, эҳтиром, икром, иззат, эътибор ҳислари – ҳурмат туйғуси...* ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган, миллий қадрият даражасига кўтарилган туйғу бўлиб, у асрлар давомида сайқалланиб, такомиллашиб, тараққий этиб, бугунги босқичига эришган. Зеро, ўзбек тилидан мустаҳкам ўрин олган ҳамда ҳозирда ҳам кенг истеъмолда бўлган мақол ва маталларимиз бунинг яққол исбот-далилидир. Масалан: *Каттага ҳурматда бўл, кичикка – иззатда. Онангни бошингда тутсанг, синглингни кифтингда тут.*

“*Каттага ҳурматда бўл, кичикка – иззатда*” ҳикматининг мазмунига эътибор қилайлик. Мазкур ҳикмат моҳиятан барчага баравар ҳурмат билан муомала қилиш, кексаю ёшни ажратмаслик, уларга бир хилда эҳтиром кўрсатиш зарурати ғоясини илгари суради. Дарҳақиқат, миллий менталитетимиздан мустаҳкам ўрин олган урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг барчаси ҳам тилга олинган мақолнинг моҳиятини ифода этади. Масалан, турмушга чиққан келинлар (масалан, Тошкентда) хонадоннинг каттаю кичигига, ҳатто, гўдагига ҳам “*сиз*” деб мурожаат қилишга мажбур, зеро, эр тарафидаги қариндошларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар “*сен*” деб мурожаат қилиш ҳурматсизлик ҳисобланади.

“*Онангни бошингда тутсанг, синглингни кифтингда тут*” ҳикмати эса аёлларга ҳурмат билан қараш ғоясини илгари суради. Ва бу ўринда нафақат она, балки оиладаги бошқа аёлларнинг ҳам ҳурматга, эҳтиромга сазовор эканлиги қайд этилади.

Эркакларнинг ор-номуси, гап-сўзи, ирода кучи ўзбек халқида алоҳида қийматга эга бўлиб, у ўта юқори баҳоланади, қадрланади ва сўзсиз ҳурматга

лойиқ саналади. Бу ҳолат ҳам ўзбек ҳикматларида ўз аксини топган. Масалан: “*Йигитнинг сазоси сингунча, ҳўкизнинг шохи синсин*”¹⁵² мақолига кўра йигит кишининг истаги, хоҳиши, тилаги – сазоси ота-боболаримиздан қолган одатга биноан қайтмаслиги, ерда қолмаслиги лозим, яъни бу ҳикматда йигитларни ниҳоятда ҳурмат қилиш маъноси билдирилган. “Куёвни пайғамбарлар сийлабди”¹⁵³ ҳикмати ҳам оилада куёвлар ҳар доим айрича ҳурмат-эҳтиромга сазоворлиги, ўзбек оилаларида қариндош-уруғлар ҳамиша куёв бўлмишни (ёшидан қатъий назар) сийлаб, ҳурматлашлари мазмунини англатади.

Мақол ва маталларимизни, яъни ҳикматли сўзларимизни таҳлил қиладиган бўлсак, икки вазият кўзга ташланади. *Биринчидан*, ҳурмат тушунчасига бевосита боғлиқ мақол ва маталлар (уларга юқорида тўхталдик), *иккинчидан* ҳурматга билвосита боғлиқ бўлган мақол ва маталлар. Масалан, “*Оталар сўзи – ақлнинг кўзи*”¹⁵⁴ ибораси оталарнинг кўпни кўрган, тажрибали, оқ-қорани таниган, кўп нарсани билувчи шахслар сифатида баҳолайди ва уларнинг фикрларига қулоқ солиш зарурати борлигини билдиради, ва айни чоғда оталарнинг фикрларини, демакки, ўзларини ҳам ҳурмат қилишга, уларни қадрлаш, иззат-икром билан муносабатда бўлишга ундайди. Айни мазмун “*Қари бор уйнинг зари бор*”¹⁵⁵ мақолида ҳам уқтирилади, яъни кекса ота-оналари борлар энг бахтли, бой-бадавлат одамларга тенглаштирилади ва уларга ҳурмат кўрсатиш кераклиги эътироф этилади. Умуман, қарияларни ҳурматлаш мазмуни эса “*Ёш келса - ишга, қари келса – ошга*”¹⁵⁶ мақолидан яққол англашилади.

Ўзбекона маданият, анъаналар, урф-одатлардаги ҳурмат масаласи “*Бир кун туз ичган жойингга - қирқ кун салом*”¹⁵⁷ мақолида ҳам акс этган. Бу

¹⁵² Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси, 1990. – Б. 188.

¹⁵³ Ўша китоб, – Б. 219.

¹⁵⁴ Ўша китоб, – Б. 319.

¹⁵⁵ Ўша китоб, – Б. 481.

¹⁵⁶ Ўша китоб, – Б. 133.

¹⁵⁷ Ўша китоб, – Б. 42.

мақол орқали яхшиликка доим яхшилик билан жавоб қайтариш лозимлиги, бир кун бўлса ҳам меҳмон бўлган хонадонига, хонадон аҳлига ёмонлик тиламаслик, уларни доимо ҳурмат қилиш кераклигини ифодалаш учун қўлланилади.

Каттани ака де, кичикни ука де” матали ҳам пурмаънодир. Биринчидан, ушбу матал воситасида каттаю кичикни, ёши, мол-мулки, лавозими, мансабидан қатъий назар ҳурмат қилиш кераклигини билдирса, иккинчидан, бу ҳукмнинг заминида ана шу муносабат, ҳурмат, иззат қилиш орқали ниятига, мақсадига осон эришиш мумкинлиги, юзага келган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш имконияти яратилиши эътироф этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилида ҳурмат категорияси узоқ тарихий тараққиёт давомида шаклланган, ўз лисоний-нутқий ифода усуллариغا, тасвир воситаларига, лексик-грамматик белгиларига, воқеланиш қонуниятларига эга.

Ҳурматнинг бир қанча лисоний-нутқий воситалари мавжуд: морфологик бирликлар, сўзлар, лексемалар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, фраземалар, мақол ва маталлар каби.

2. Ҳурмат категорияси ижтимоий-лисоний-руҳий ҳодиса бўлганлиги учун, у тил қурилишининг барча сатҳларида учрайди. Бироқ унинг воқеланиш усули, лисоний-нутқий воситалари, имкониятлари, шароитлари ҳар бир сатҳда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Далиллар ўзбек тилида ҳурмат маъноси фонетик, морфологик, лексик-семантик ва синтактик-стилистик каби усулларда воқеланишини кўрсатди.

3. Ҳурмат категорияси – умуминсоний моҳиятга эга бўлган, ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида миллий менталитет, урф-одатлар, анъаналар тарихий қадриятлар заминида шаклланади. Ҳурмат категориясида икки предмет, яъни ҳурматловчи ва ҳурматланувчи орасидаги ижобий ҳис-туйғу намоён бўлади. Бинобарин, ҳурмат маъноси (туйғуси) ўз ижтимоий-лисоний моҳияти, ҳурматланувчи предмет, ҳурматланиш тури (даражаси) ва ҳурматнинг йўналиши (йўсини)га кўра: ижтимоий-ҳуқуқий; маънавий-маърифий; оилавий-маиший; ватанга, табиатга ҳурмат каби бир қанча тармоқ ва тармоқчаларга бўлинади.

Ижтимоий ҳурмат йўналиши кенг ривожланган бўлиб, унинг бир қисми ижтимоий ҳимоя, тартиб-интизом, ахлоқ-одоб қоидалари, Конституция, қонун, кодекс, фармон ва қарорларда белгиланган мезон-меъёрлар заминида воқеланади. У ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-маърифий, ижтимоий-тиббий, ижтимоий-маданий, ижтимоий-анъанавий каби йўналишларда намоён бўлади.

4. Ҳурмат категорияси кўп қиррали ижтимоий-лисоний ҳодиса бўлиб, барча лисоний-нутқий қирралари билан ҳурмат нутқи кечимида воқеланади. Унинг ифодаланиши нутқнинг лисоний (лингвистик) ва нолисоний (экстралингвистик) жиҳатлари билан боғлиқ бўлади. Ҳурмат нутқида лисоний ва нолисоний омиллар кўпроқ муштарак ҳолда иштирок этади. Ҳурмат тушунчалари бир вақтнинг ўзида якка шахсга ёки ҳар уч шахсга, ёки умумга қаратилган бўлиши мумкин; баъзан ҳурмат нутқида предмет ва шахс параллел иштирок этади.

5. Сўзловчи, тингловчи, ўзга ўртасидаги ҳурмат ўз мазмуний-вазифавий йўналишига ва генетик келиб чиқишига қараб иккига бўлинади: а) аслий ҳурмат; б) нисбий ҳурмат.

6. Ҳурмат нутқида ҳурмат категориясининг мазмун-моҳияти, ифода усуллари, тасвир воситалари (шакллари) ифодаланади. Ҳурмат нутқи – ҳурмат маъносининг воқеланиш, ифодаланиш, шаклланиш манбаи, лисоний-нутқий омили, имконияти, усули, шакли, вазияти кабиларни ўзида жамлайди. Тилда ҳурмат маъноси воқеланиши ўзининг барча кўринишлари билан лексик-грамматик категория доирасида бирлашади.

7. Ҳурмат категорияси “ҳурматлилик-ҳурматсизлик”, яъни ҳурматлаш-ҳурматсизлаш, эътибор-эътиборсизлик каби зидлаш, қарама-қаршилик қонуниятлари асосида шаклланади ва ривожланади. Ҳурматдаги оппозиция кўпроқ *чоғиштириш, қиёслаш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш, зидлаш, улуглаш, мақташ* каби ижобий-салбий муносабатлар заминиде қурилади ва ижтимоий-лисоний жиҳат касб этади. Ҳурматсизлик эса *кесатиш, киноя, пичинг, камситиш, менсимаслик, таҳқирлаш* каби маънолар ёрдамида ифодаланиши кузатилди. Бунда ҳурматсизлик воситалари-морфологик кўрсаткичлар, матн қуршови, интонация (оҳанг) ҳам ўзгача бўлади. Уларнинг *ҳурматсизлик даражаси* матндан англашилади.

8. Демак, ҳурмат маъноси руҳий-лисоний ҳодиса сифатида воқеланиб, ўзбек тилида лексик-грамматик категория тарзида намоён бўлади. Ўзбек тилида ҳурмат маъноси лексик-грамматик, лексик-семантик ҳамда синтактик-стилистик усулларда ифодаланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 74 б.
2. Каримов И.А. Жамятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -30 б.
3. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз: – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -32 б.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият // Халқ сўзи. -2005. -8 дек.
5. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 150 б.
6. Абдуллаев А. Маъно кучайтиришнинг морфологик усули // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1970. -№1. –Б. 68-71.
7. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. –88 б.
8. Абдуллаев Ф. К вопросу о генезисе притяжательных и падежных аффиксов //Вопросы узбекского языка и литературы. – Ташкент, 1961. –С.30-31.
9. Абдуллаев Ф. Киши отларнинг қисқартиш усуллари //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1960. – № 3. –Б. 38.
10. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973. -320 б.
11. Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке. – М.: Наука. 1973. - С.102.
12. Аҳмедов Ғ., Бектемиров Х. Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати. – Тошкент: Адолат, 2002. –284 б.

13. Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Тошкент: Фан, 1992. –141 б.
14. Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1989. - №6, –Б. 35-40.
15. Бобожонов Ш.Х. Сема, унинг нутқий воқеаланиши ва изоҳли луғатдаги талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. –22 б.
16. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. -Тошкент: Фан, 1995.-132 б.
17. Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст.-Л.: Наука, 1971. - С. 115.
18. Бондарко А.В. О структуре грамматических категорий (отношения и неопозитивные различия) // Вопросы языкознания. –Л.,1981.-№ 6, -С.17-28.
19. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. -Л.: Наука, 1984. -136 с.
20. Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Тошкент, 1969. –154 б.
21. Гуломов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка.: Автореф.дис.... док. филол. наук. –Ташкент, 1955. –48.
22. Гулямов Я.Г. Из наблюдений над морфологией Ташкентского говора. // Материалы по узбекской диалектологии. Ч.І. Т., 1957. –С. 197-208.
23. Дмитриев К.Н. Категория принадлежности ИСГТЯ, Ч.ІІ-М.,1956.-22с.
24. Жон - сўзининг турли денотатив маънолари ҳақида // Узбекско-русский словарь. –М.: 1959. –С. 158-159.
25. Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. –Бухоро, 1994. –23 б.
26. Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси, – Тошкент: Фан, 1990. –111 б.
27. Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного наклонения.: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. –19 с.
28. Зикриллаев Г.Н. Семантико-функциональное исследование системы предикативных категорий узбекского глагола.: Автореф. дис.... док. филол. наук. –Ташкент, 1990. – 34 с.

29. Зикриллаев Ғ.Н. Ўзбек тили грамматик қурилишининг бош хусусияти // Истиқлол ва она тили таълими тўплам. –Тошкент, 2000. –Б. 112-117.
30. Иванов С.Н. К истолкованию многозначности грамматических форм // Вопросы языкознания. –М., 1973. -№ 6. –С. 101-110.
31. Икромов Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. –Тошкент: Фан, 1985. –120 б.
32. Икромов Р. Ҳозирги ўзбек тилида отларнинг модал формалари: Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1966. –277 б.
33. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг ҳикматли сўзларидан. –Тошкент: Шарқ, 1998. –61 б.
34. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. –52 б.
35. Искандарова Ш. Мазмуний майдонни ташкил этувчи лексемаларнинг ўзаро муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2000. –№ 4, Б. 16-17.
36. Исматуллаев Н. Эвфемизм, ундан фойдаланиш сабаблари ва маъно турлари//ТДПИ илмий асарлари. -Тошкент, 1963.-42-жилд. 1-китоб.-Б.32-34.
37. Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари.–Тошкент: Фан, 1966. –149 б.
38. Исмоилов И. Ўзбек тилидаги қавм-қариндошчилик терминларига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. –№ 3.–Б. 40-43.
39. Ишаев А. Сўз мулкига саёҳат // Меҳнат ва турмуш. –Тошкент, 1971. – №2. –Б. 26.
40. Ишаев А. Ўзбек шеваларида қариндошлик терминлари // Ўзбек халқ шевалари луғати. –Тошкент, 1971. –Б. 320-386.
41. Кант И. Из лекции по этике. Этическая мысль –М.: Политиздат, 1990.
42. Кант И. Сочинения в 6 томах.–М.: Мысль, 1965. Т.4, Ч. I -544 с; Ч. II.–478 с.
43. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М.-Л.: Наука, 1960. –560 с.

44. Лафасов У.П. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. Филол.фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 1996. –174 б.
45. Майтинская.К.Е Местоимения в языках разных систем. -М.,1969.-153 с.
46. Мамажонов А., Ибрагимова Э. Киноя – субъектив муносабат ифодалаш усулларида бири // Ўзбек тили ва адабиёти –Тошкент, 2000. –№ 4. –Б. 14-16.
47. Маҳмудов Н.М. Гапда форма ва мазмун. -Тошкент: Ўзбекистон, 1984.– 16 б.
48. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –186 б.
49. Маҳмудов Н.М., Нурмонов А.Н. Ўзбек тили назарий грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1995. -232 б.
50. Маъруфов З. Сўз состави. От ва сифат. – Тошкент: Фан, 1956. –64 б.
51. Менглиев Б. Грамматик категорияларни белгилашга доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. - № 2. –Б. 23 - 26.
52. Миллер В.Б. Персидско-русский словарь. – М.: Наука. 1950. –134 с.
53. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. -190 б.
54. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 256 б.
55. Мирзақулов С.М. Қариндош тиллардан таржима асарлар тилининг лексик-семантик тадқиқи.: Филол.фанлари номзоди ... дис.автореф. –Тошкент, 2000. –27 б.
56. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: Фан, 1975. –140 б.
57. Мотрошилова Н.В. Рождение и развитие философских идей. –М.: Полит. лит., 1991. -С. 463.
58. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари.: Филол.фанлари д-ри... дис. –Тошкент, 2000. –235 б.
59. Навоий А. Маҳбубул кулуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат,1983. –111 б.

60. Назаров К. Притяжательные аффиксы узбекских народных говорах.: Автореф. дис....канд.филол.наук. – Ташкент, 1963. –28 с.
61. Назаров К. Притяжательные аффиксы узбекских народных говорах: Дис....канд.филол.наук. – Ташкент, 1963. –316 с.
62. Нарзиева М. – Қон-қариндошлик номларининг // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986. –№ 5, –Б. 47-49.
63. Нарзиева М. Ўзбек тилида ёш отларининг семантик структураси.: Филол.фанлари номзоди... дис.автореф. –Тошкент, 1992. –28 б.
64. Неъматов Ҳ. Ғ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Тошкент, 1993. –30 б.
65. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1988. -№6. –Б. 43-49.
66. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –128 б.
67. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент: Фан, 1992. –292 б.
68. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. –Тошкент: Фан, 1994 –220 б.
69. Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология, –М.: Иностр. лит., 1957. –254 с.
70. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъноси компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986. -№3. – Б. 16-21.
71. Раҳматуллаев Ш. Семема-мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1984, -№5. –Б. 17-20.
72. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологик луғати, –Тошкент:Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. -480 б.
73. Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. -№1. –Б. 28-30.
74. Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. – Ташкент: Учитель, 1965. –103 с.

75. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –231 б.
76. Севортян Э.В. К проблеме частей речи в тюркских языках // Вопросы грамматического строя. –М.: 1960. –С. 146-154.
77. Сиддик Мўмин. Маънавий қадриятлар: муомала сирлари.– Тошкент, 1994.
78. Содиқова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси.: Филол.фанлари д-ри. ... дис. – Тошкент, 1991. - 288 б.
79. Таджиев Ё. Аффиксальная синонимия в узбекском языке.: Автореф. дис....док. филол.наук. –Ташкент, 1991. –49 с.
80. Темур тузуклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. –344 б.
81. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Тошкент: ТошДУ, 1992. –68 б.
82. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. – Тошкент: ТошДУ, 1981. –91 б.
83. Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. –Тошкент, 1987. –84 б.
84. Тохиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши.: Филол.фанлари д-ри... дис. автореф. –Тошкент, 1994. –44 б.
85. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –400 б.
86. Узбекско-русский словарь. –М.: ГИС, 1959. – 839 с.
87. Узина М.С. О местоименном функционировании вежливых эквивалентов местоимений бандэ и ин джанэб в современном персидском языке // Теория и типология местоимений. М., 1980. –128 с.
88. Узоқов Х. Диалектал фразеологизмлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1997. –№ 6. –Б. 60-62.
89. Усмонов С. Сўз ясовчи аффиксоидлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. –№ 3. –Б.40-43.

90. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. -Тошкент, 1964.- 42-жилд, 2-китоб. -Б.126-127.
91. Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзларнинг морфологик тузилиши // ТДПИ илмий асарлар– Тошкент, 1963. -42-жилд, 1-китоб. –Б. 210-211.
92. Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари.: Филол.фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 1964. –372 б.
93. Фромм Э. Душа человека. –М.: Республика, 1992. -С. 269.
94. Шамсиддинов Х. Сўзларнинг сўз функционал семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. -№5. -Б. 15-18.
95. Шамсиев П., Иброҳимов Ш. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: Фан, 1953. –452 б.
96. Шамсиева М. Ўзбек тилида субъектив баҳо билдирувчи отлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1961. 2-китоб. –Б. 245-250.
97. Шарафутдинова К. Формы субъективной оценки в русско-узбекских и узбекско-русских словорях // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб, –Тошкент, 1961. –Б. 523.
98. Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида.: Филол. фанлари номзоди...дис.автореф. – Тошкент, 1993. –24 б.
99. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. –Андижон, 1994. –39 б.
100. Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. –М.: Наука, 1976. –176 с.
101. Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социолингвистику. М., 1978. –216 с.
102. Шер А. Ахлоқшунослик. —Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. -256 б.
103. Шоабдурахмонов Ш ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. -448 б.

104. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси, 1990. –188 б.
105. Юлдашев А.А. Звательные слова в тюркских языках. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков II.–М. 1956. –333 с.
106. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990. –188 б.
107. Юупов.Б. «Местоимения в староузбекском литературном языке» (XV-XVI вв.), – Ташкент: Фан, 1991. –142 б.
108. Ўзбек тили грамматикаси. 1-ж. Морфология.-Тошкент:Фан,1975.-607б.
109. Ўзбек тили грамматикаси. 2-ж. Синтаксис.–Тошкент: Фан, 1976. –560б.
110. Ўзбек тили изоҳли луғати. 2жилдлик.– М.: Рус тили, 1981. 1-ж. –631б.
111. Ўзбек тили изоҳли луғати. 2жилдлик.– М.: Рус тили, 1981. 2-ж. –715б.
112. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. -313 б.
113. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. –Тошкент: ТашГУ, 1975. –155б.
114. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. – Тошкент: Фан, 1984. –280 б.
- 115.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –44 б.
116. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –240 б.
117. Қодирова Н.А. Ўзбек тилидаги аффиксларда полифункционаллик.: Филол. фанлари номзод... дис. –Тошкент, 2002. –125 б.
118. Қошғарий М. Туркий сўзлар девони: (Девону луғатит турк). 2 жилдлик: –Тошкент: Фан, 1-ж. 1960. -499 б.; 2-ж. –Тошкент: Фан, 1961. –427 б.
119. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари, – Тошкент: Фан, 1980. –165 б.
120. Қўчқортюев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. -167 б.
121. Гафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008.–444 б.

122. Гуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси, – Тошкент, 1944. –56 б.
123. Гуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаиш йўллари ҳақида. –Тошкент, 1949. –Б. 40-46.
124. Гуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. 2-илова. –Тошкент: Фан, 1977. –429 б.
125. Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формалари маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – № 2. –Б. 62-63.
126. Ҳакимов Д. Сиз ва сен олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №5. –Б. 77-79.
127. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Тошкент: Шарқ, 2005. –383 б.
128. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985. –144 б.
129. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. –163 б.
130. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясаиши.-Тошкент:Ўқитувчи, 1989.-Б. 112.
131. Ҳожиев А. Ўзбек тилидаги синонимларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –307 б.
132. Ҳожиев А. Феъл. – Тошкент, 1973. –192 б.
133. Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясаиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –80 б.
134. Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний – нутқий хусусияти.: Филол.фанлари номзоди... дис. –Самарқанд, 2001. –130 б.
135. Ҳожиева Ҳ.Я. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси //Ўзбек тили ва адабиёти, –Тошкент, 2000.-№4. – Б. 37-38.
136. Ҳожиева Ҳ.Я. Отнинг ҳурмат категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, - Тошкент, 2000. -№1. –Б. 27-28.

137. Ҳожиева Ҳ.Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти.: Филол.фанлари номзоди...дис. автореф.–Самарқанд, 2001. – 21 б.
138. Ҳомидов Ҳ. “Авесто”файзлари.–Тошкент: Халқ мероси, 2001.–Б.27-28.
139. Ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.–239 б.

Хурмат туйғусини воқелантирувчи ижтимоий- лисоний омиллар



Изоҳ: Келтирилган йўналишларнинг барчаси ўз ўрнида бир-бирини тўлдириши, тақазо этиши мумкин.

Хурмат маъносининг воқеаланиш усулига кўра турлари



**Ҳурмат нутқининг мазмуний-
вазифавий йўналишига кўра
турлари**

1	Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ҳурмат нутқи
2	Ижтимоий-маданий йўналишдаги ҳурмат нутқи
3	Ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ҳурмат нутқи
4	Ижтимоий-маърифий йўналишдаги ҳурмат нутқи
5	Ижтимоий-фалсафий йўналишдаги ҳурмат нутқи
6	Ижтимоий-ҳуқуқий йўналишдаги ҳурмат нутқи
7	Ижтимоий-ахлоқий йўналишдаги ҳурмат нутқи
8	Ижтимоий-тиббий йўналишдаги ҳурмат нутқи
9	Ижтимоий-маънавий йўналишдаги ҳурмат нутқи
10	Ижтимоий-фахрланиш, ғурурланиш йўналишдаги ҳурмат нутқи
11	Эл-юртга, она-Ватанга эҳтиром йўналишдаги ҳурмат нутқи
12	Оилавий-маиший йўналишдаги ҳурмат нутқи
13	Борлиққа, табиатга, меҳнатга эҳтиром йўналишдаги ҳурмат нутқи
14	Инсон меҳнатини улуғлаш йўналишида ҳурмат нутқи

Хурмат маъносининг ифодаланиш усуллари ва воситалари

№	Усуллар	Воситалар
1	Лексик-семантик	Лексемалар: хурмат ифодаловчи таянч лексемалар/ хурматли, мухтарам, азиз...
2	Морфологик-синтетик	Аффикс, аффиксоидлар/ -лар, -нгиз, -ингиз, -им, -м, -гина, -ш, -ч, -й, -з, -жон, -хон, бек...
3	Синтактик-стилистик	Гап, матн, ҳикматли сўз-мақол, фразеологик иборалар
4	Фонетик ¹	Товуш-талаффуз, урғу, интонация...

¹ Хурмат маъноси ифодаланишининг фонетик усули муаммоси алоҳида илмий йўналиш бўлиб, экспериментал тадқиқотни талаб қилади.

Х у р м а т и ф о д а л о в ч и л и с о н и й в о с и т а л а р

1	Аффислар /-лар, -ингиз – II шахс бирлик аффикси (барча диалектал вариантлар билан), -им, -м – эгалик аффикслари, -й, -кай, -ч, -ш, -гина, -ча.
2	Аффиксоидлар / -жон, -хон, -ой, бек, ниса, бону ...
3	Хурмат билдирувчи лексемалар / ҳурматли, азиз, мухтарам...
4	Хурмат билдирувчи фраземалар
5	Сўз, сўз формаси, сўз бирикмаси ва гап

Хурмат маъносининг даражаланиш парадигматикаси

№	Хурмат маъносининг даражаланиш босқичлари	Воқеланиш воситалари
I босқич	Оддий даражали хурмат	Қариндошлик атамаси+эгалик аффикси /ота+м
II босқич	1 даражали хурмат	“Таянч лексема”+қариндошлик атамаси+эгалик аффикси/муҳтарам+ота+м
III босқич	2 даражали хурмат	“Таянч лексема”+қариндошлик атамаси+аффикс+эгалик аффикси/ муҳтарам+ота+гина+м
IV босқич	3 даражали хурмат	“Таянч лексема”+қариндошлик атамаси+аффиксоид+аффикс+ эгалик аффикси/ муҳтарам+ота+жон +гина+м
V босқич	4 даражали хурмат	«Таянч лексема»+«Таянч лексема» + қариндошлик атамаси + аффикс + эгалик аффикси/муҳтарам+азиз+ота+гина+м
VI босқич	5 даражали Хурмат	“Таянч лексема”+ “Таянч лексема” +қариндошлик атамаси+аффиксоид + аффикс+ эгалик аффикси/ муҳтарам+азиз +ота+жон +гина+м

Изоҳ: “Таянч лексема” деганда хурмат маъносини билдирувчи лексемалар назарда тутилган. Масалан: хурматли, мўътабар, азиз...

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ўзбек тилида ҳурмат категорияси ва унинг ижтимоий- лисоний воқеланиши.	
Ўзбек тилида ҳурмат категорияси ва унинг ўрганилиш тарихи	6
Ҳурмат категорияси ва ҳурмат нутқи тушунчалари. Ҳурмат категория- си нима?	10
Ҳурмат категориясининг маънавий - маърифий, фалсафий - ҳуқуқий ва лисоний - ахлоқий тавсифи	16
Ижтимоий - сиёсий ҳурмат нутқи	23
Оилавий-маиший ҳурмат нутқи.	30
Она – Ватанга, табиатга, эл-юртга ҳурмат нутқи	33
Ҳурмат категорияси ижтимоий-лисоний ҳодиса	39
Ҳурмат категориясининг лисоний-нутқий тавсифи	40
Ҳурматлаш ва сизлаш тушунчалари	45
Ҳурмат категориясининг воқеланиш омиллари	46
Ўзбек тилида ҳурмат - ҳурматсизлик маъноларининг ифодаланиши.	
Ҳурматда оппозиция.	48
Ҳурмат категориясининг морфологик - грамматик ифодаланиши	
Ҳурмат нутқининг ифодаланиш шакллари	52
Ҳурмат маъноси ифодаланишининг лисоний –н утқий усуллари	57
Ҳурмат нутқининг морфологик - синтетик ифода усули	59
Аффикслар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши	60

Аффиксоидлар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши	71
--	----

Ўзбек тилида ҳурмат нутқининг лексик - семантик ва синтактик - стилистик усулларда ифодаланиши

Ҳурмат нутқининг лексик – семантик ифода усули	82
Қавм - қариндошчилик атамалари воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши	92
Ҳурмат нутқининг синтактик - стилистик ифода усули	100
Фраземалар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши	101
Ҳикматлар воситасида ҳурмат маъносининг ифодаланиши	105

Хулосалар.	108
-----------------------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	111
--	-----

Иловалар

Илова 1 Ҳурмат туйғусини воқелантирувчи ижтимоий - лисоний омиллар.	121
Илова 2 Ҳурмат маъносининг воқеланиш усулига кўра турлари	122
Илова 3 Ҳурмат нутқининг мазмуний – вазифавий йўналишига кўра турлари	123
Илова 4 Ҳурмат маъносининг ифодаланиш усуллари ва воситалари. .	124
Илова 5 Ҳурмат ифодаловчи лисоний воситалар.	125
Илова 6 Ҳурмат маъносининг даражаланиш парадигматикаси.	126
Мундарижа	127